

84(54)6
Р 18



Гулчехра РАЗЗОКОВА

АДАШГАНЛАР

**Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**


ilgarigi berilmalar miqdori _____

--	--

Гулчехра РАЗЗОКОВА

АДАШГАНЛАР

Құсса



**Тошкент
“IJOD-PRESS”
2018**

УЎК: 821.512.133

КБК: 84(5Ў)6

Р 18

Тақризчи:

Набижон ҲОШИМОВ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Раззоқова, Гулчеҳра

Адашганлар: қисса / Г. Раззоқова. – Тошкент: “IJOD-PRESS”,
2018 – 192 б.

ISBN: 978-9943-5233-5-7

Дунёда пулдан, бойликтан-да азиэрот, қимматлироқ бўлган умуминсоний туйғулар борки, уларни фақат идрок қилмоқ керак. Булар соф севгига садоқат, Ватанини севиш, ўз элини эъзозлаш, ўзи ва яқинларининг тақдирига бефарқ бўлмаслик кабилардир. Бироқ баъзи юртдошлиларимиз ана шу муқаддас туйғуларни тўла англаб етмай, гоҳида билиб-бilmай, ҳаёт йўлларида ҳамон адашмоқдалар. Натижада ҳаётнинг аччиқ ва чиркин, кўнгилсиз кўланкаларида қолиб, шафқатсиз тақдир гирдобига тушиб қолмоқдалар.

Сизнинг ҳукмингизга ҳавола этилаётган “Адашганлар” қиссаси реал воқеаларга асосланган. Асан қаҳрамонлари дуч келган ҳаёт синовлари, улар тушиб қолган аянчили ҳолатлар ва уларнинг тақдир тўқнашувлари, сиз – азиз китобхонларни ҳам бефарқ қолдири маслигига ишонамиз.

УЎК: 821.512.133

КБК: 84(5Ў)6

ISBN: 978-9943-5233-5-7

© “IJOD-PRESS” нашриёти, 2018

Қуёш уфқа бош қўймоқда. Кун бўйи тоғ этагида ўтлаб юрган қўй-қўзилар қўраларига ошиқмоқда. Майин эсаётган шабада қишлоқнинг бир четидаги ҳовлида савлат тўкиб турган ўрик баргларини эркалади. Барглар шивири бошланади. Сўрида мириқиб ухлаётган Муродни “Муроджон, болам тура қол”, деган онасининг овози уйғотиб юборди. Мурод кўзини очди-ю, аммо тургиси келмади. Ширин хаёллар уни чулғаб олди. Негаки, у анчадан бери бундай мириқиб ухламаган эди. Қаёққа ҳам шошсин энди? Ўқишлиар, имтиҳонлар, югар-югурулар, кўйингки, катта шаҳарнинг шовқин-суронлари – ҳамма-ҳаммаси ортда қолди. Энди у қушдай енгил. Магистрлик дипломи бўлса, қўлида! Хоҳлаган ерига, хоҳлаган вақтда bemalol бораверади. Қандай яхши-я! Айтгандай, Муниса ҳозир нима қилаётган экан-а? У ҳам дипломини олди-ку! Балки уйида дам олиб ётгандир. Ҳа, у яхши қиз.

Мурод шундай хаёллар оғушида, чуқур энтиқди. Муниса билан талабаликда ўтказган ширин дамлари хаёлига келди. Беихтиёр унинг юзида мамнунлик акс этди. Шу пайт онасининг “Ўғлим, тура қол, кеч бўлиб қолди”, деган такрор овози унинг хаёлини бўлди. Иигит сергак тортди.

– Ойижон, ухлаётганим йўқ! – деди Мурод ёстиқдан бошини бир оз кўтараркан икки букилиб ҳовли супираётган онасига.

– Болам, ҳозир укаларинг келишади. Ҳали овқатга уннашим керак, – деди Ойниса хола ҳовли четига супургисини қўяркан.

Гулчехра РАЗЗОКОВА

Мурод ўрнидан қўзғалиб бир керишди-да, ўпкаси-ни тўлдириб нафас олиб, мусаффо тоғ ҳавосидан ўзида енгиллик сезгандай ҳис қилди. Сўнг онасининг хатти-ҳаракатларини бир зум кузатаркан, унинг юзи маъюс тортди. Ҳа, ойим ҳам қариб қолди. Уйда бошқа аёл бўлмаганидан кейин рўзгорнинг ҳамма икир-чикири ойимнинг бўйнида-да. Эрта-ю кеч тиним билмайдилар. Эсимни таниганимдан бери шу. Эрталаб мактабга ишга кетадилар, кечга яқин чарчаб-ҳориб келадилару уй-рўзгор юмушларини қиладилар. Ҳаммасига қандай улгурадилар, ҳайронман. Дадам вафот этганига ҳам мана ўн йилдан ошибди. Шундан бери оиласизнинг бутун юки онамнинг гарданига тушган. Икки укамни ҳам оқ ювиб, оқ тараб катта қиляпти. Мен бўлсан, ўқиб одам бўлай, деб шаҳарда олти йил юрдим. Барча харажатларимни ойим тўладилар. Дарсдан бўш пайтлари ишлай десам, қўймадилар. “Сен яхши ўқишинг керак. Иш бўлса, қочиб кетмас”, дедилар. Мана, ўқишларим ҳам тугади. Энди онамнинг кўнглини олиб, оиласизнинг оғирини енгил қилишим, укаларимни ўқитишим керак!

Мурод бир қарорга келгандай, секин турди-да, онаси томон юрди.

— Ҳа, болам. Яхшимисан? Бирор жойинг оғрияптими? — деди ўғлиниң ўйчан ҳолатидан хавотирланиб Ойниса хола.

— Йўғ-е. Нималар деяпсиз, ойижон. Ҳаммаси жойида.

— Худога шукр, — деди Ойниса хола ўғлини бошдан оёқ кузатаркан. Сўнг нигоҳини тоғдан тушиб келаётган қўй-қўзиларга қаратди.

— Ҳадемай укаларинг ҳам келиб қолишади, — бояги гапини такрорлади онаси. — Мен овқат қилай. Иш билан бўлиб, сенга яхшироқ қаролмадим ҳам. Нима

егинг келяпти, тортинмай айтавер, болам. Қорнинг ҳам очиб кетгандир.

— Қизиқсиз-а, ойижон. Биласиз-ку, мен овқат танламайман. Истаганингизни пишираверинг. Менга фарқи йўқ.

Муроднинг бу феълини онаси яхши биларди. Шундай бўлса-да, кўнгил учун сўраганди. Ҳаш-паш дегунча ўчоққа олов қаланиб, қозонга жиз-биз тушди. Тез орада қўй-қўзиларни қўраларига қамаб Муроднинг икки укаси ҳам кириб келишди. Дастурхонга палов тортилди, еб-ичилди. Алламаҳалгача оилавий ширин сұхбат қурилди.

— Ўғлим, — деди Ойниса хола сұхбат ўртасида.

— Энди сенинг баҳтингни кўрсам, келин олсам дегандим.

— Нима? Ахир, мен сизга ҳали уйланмайман деб айтгандим-ку!

— Мениям орзу-ҳавасларим бор, болам. Мана, ўқишинг ҳам тугади. Насиб бўлса энди...

— Эндими, ойижон, қаерда бўлсаям ишлаб пул топишим керак.

— Бу нима деганинг, очиқроқ гапир.

— Биласиз бу ерларда менинг мутахассислигимга тўғри келадиган иш топиб бўлмайди.

— Нега бўлмас экан?

— Мен архитекторман, ахир, — деди Мурод энсаси қотиб.

— Болам, туманимизда ҳам қурилишлар кўп. Сен тенги йигитлар одамнинг ҳавасини келтирадиган янги мактаблар, коллежлар, йўллар қуришяпти. Ишлайман деган одамга шу ерда ҳам ишлар кўп.

— Тўғри. Лекин шаҳардаги қурилишларда кўпроқ пул ишлаш мумкин-да. Шунинг учун мен...

— Бу гапингни қўй, ўғлим. Сен ҳали ёшсан. Кўпам пулни ортидан қувма. Охири яхши бўлмайди.

— Нималар деяпсиз, ойи, — Муроднинг ҳафсаласи

Гулчехра РАЗЗОКОВА

пир бўлди. – Каттароқ пул ишлашнинг нимаси ёмон экан? Ахир, ўғирлик ёки фирромлик йўли билан пул топаман деяётганим йўқ-ку! Меҳнат қилиб топмоқчиман!

– Ўғлим, “Узоқнинг донидан, яқиннинг сомони афзал”, дейишади. Ўқидинг, ўргандинг. Энди билимингни, куч-қувватингни мана шу киндик қонинг тўкилган ерларни обод қилишга сарфла, – деди онаси асабийлашиб.

– Ойижон...

– Гапимни бўлма! Қани айт-чи, ҳамма сенга ўхшаб шаҳарга ўқишига бориб, ўша ерда қолиб кетаверса яхими? Унда бу ерларда ким яшайди, ким бу ерларни обод қилади? Қани гапир?!

Онасидан бу гапларни кутмаган Мурод нима дейишини билмай эсанкираб қолди.

– Сен ҳам куч-қувватингни, ақл-идрокингни ишга солиб, мана шу жойларда ҳамманинг кўзини кувонтирадиган замонавий бинолар қуриб, қишлоқдошларингни хурсанд қил, болам! Шунда мен кимсан палончи архитекторнинг онасиман, деб сен билан фахрланиб юрадим!

– Мен ҳам сизни, укаларимни ташлаб узоқларда юришни истамайман! Ҳозир бўлмаса-да, кейинроқ, албатта сизларнинг ёнингизга қайтиб шу ерда ишлайман, – деди Мурод онасининг кўнглига қарагандай бўлиб.

– Нега кейинроқ дейсан, гапир?! – тутақиб уни қистовга олди Ойниса хола.

– Шаҳарда ҳеч бўлмаганда бир-икки йил ишлаб тажриба оширсам ёмон бўлмасди. Ахир, мен ҳам институтда олган билимларимни ўша ерда каттароқ курилишларда синаб кўриб, малакамни оширсам дегандим-да, – деди Мурод хотиржамлик билан.

Ойниса опа ўғлининг гапларини мушоҳада қи-

ларкан, унга эътиroz билдиra олмай бир лаҳза жимиб қолди. Унинг афт-ангоридан маъюсликка йўғрилган норозиликни англаш мумкин эди. Буни Мурод ҳам сезди.

Икки укаси бўлса, аросатда қолгандай бир онасига, бир акасига жавдираб қараб туришарди. Гап нима ҳақда кетаётганини улар яхши билишарди. Ахир, улар ҳам яқин орада бирин-кетин коллежни тугатишиб, худди акасидай шаҳардаги катта ўқишларга кириб ўқиши орзу қилишганди-да. Шу боис ҳам, улар ҳар бир сўзни диққат билан эшитиб ҳайрон ўтиришарди. Очифи, Мурод ҳам онасининг бу аҳволга тушишини ва уни бунчалик ранжитиб қўйишини сира кутмаган эди. Шунинг учун ҳам у иложи борича тезроқ орадаги нохуш вазиятни юмшатишни ўйлай бошлади.

— Ойижон, хафа бўлманг. Олдин мен шаҳарга борай, вазиятни ўрганай, ундан кейин бир гап бўлар, хўпми? Ахир, мен ҳам ҳаммаси яхши бўлишини истайман-ку!

— Болам, қайси она фарзандига ёмон бўлсин дейди? Шунча йил қийналиб ўқидинг, энди роҳатини ҳам кўргин дейман-да, — бир оз босилди Ойниса хола.

— Тўғри айтасиз. Мениям ниятим шу. Оиламизга фойдам тегадиган пайт келди. Укаларим ҳам катта бўлиб қолишли. Бу ёғига энди мен уларни ўқитишим, оёққа турғизишим керак. Шунинг учун маоши каттароқ ишга киришим керак. Бўлмаса...

— Нима, бўлмаса? — онаси яна ҳайрон бўлиб ўғлининг гапини бўлди.

— Биламан, сизнинг ҳам олдинги топиш-тутишингиз йўқ. Оиламиз қийналиб қолмасин дейман-да, — деди Мурод ўйчанлик билан укаларига қааркан.

— Кўявер, болам. Эл қатори яшайверамиз. Ҳудойим бир қарич ердан айирмасин. Ул-бул эксак, ишласак, бир кунимиз ўтар. Меҳнат қилган одам ҳеч қачон кам бўлмайди, — деди она чуқур ҳорғинлик билан. Улар

Гулчехра РАЗЗОКОВА

бир-бирини тушинишди чофи, орага чуқур жимлик чўқди. Мурод ҳам хаёлга ботди. Энди у ўзининг эртанги кунини ўйларди. Оилада тўнфич фарзанд бўлганидан кейин барча масъулиятни ўз гарданига олиши унинг учун энг тўғри йўл эди.

— Ўғлим, — деди Ойниса хола Муродга юзланиб. — Шаҳарга қайтмоқчи экансан, майли, мен розиман. У ерларда ҳар хил одамлар бор. Эҳтиёт бўлгин.

— Ойижон! Бу ёғидан хавотир олманг. Олти йиллик умрим шаҳарда ўтди. Оқ-қоранинг анчамунча фарқига бораман.

— Сен бу гапларингни қўй, болам. Шу ёшга кириб мен оқ-қорани фарқига бормайману, сен қаёқдан билардинг. “Одам оласи ичидаги бўлади”, — деб ҳам бекорга айтишмаган. Мана, қўшнимизнинг ўғли Дилшодни олайлик. Шаҳарга ишга кетдим, деб уйдан чиққанига икки йилдан ошди. Мана, ҳалигача дом-дараги йўқ. Ота-онасининг изламаган, бормаган жойи қолмади. Милицияга ҳам хабар беришди. Дарагини топишмади.

— Балки четга кетгандир?

— Билмадим, болам, билмадим. Агар тирик бўлганида қаерда бўлмасин, албатта дараги чиқарди. Бечора ота-онасига қийин бўлди. Икки ўт ичидаги қолди.

— Нега ундей деяпсиз? — таажжубланди Мурод.

— Дилшод кетишидан олдин Саттор аканинг қизига нон ушатиб белги қилиб қўйишган эди. Қайтиб келганида тўй қиласиз дейишганди.

— Ҳа, ёмон иш бўпти, — деди Мурод воқеадан таъсирланиб.

— Ҳаммадан ҳам қизга жабр бўлди. Ҳалиям Дилшодни кутяпти, бечора. Агар у қайтиб келмаса-чи? Унда нима бўлади?

— Қайтиб келар, ойижон. Ниятни яхши қилайлик.

— Ҳа-я. Илоҳим, ота-онасини баҳтига қайтсинг-да, болам. Дилшод мәҳнаткаш, одобли бола эди.

— Насиб бўлса, ҳаммаси яхши бўлади.

— Иншолло, айтганинг келсин, — юзига фотиҳа тортди Ойниса хола. — Шунинг учун ҳам баҳтингни тезроқ кўрсам дейман-да, болам.

— Мени ҳам тушунинг. Бир ишнинг бо-шидан тутмасдан туриб қандай уйланаман? Олдин ўзимни эплаб олиб уч-тўрт сўм топай, укаларимни ўқитай. Ана ундан кейин бир гап бўлар. Ахир, тўйга ҳам бир оз йифиниш керак-ку, — қатъий эътиroz билдириди Мурод.

— Ҳа, яхши. Ундай бўлса, шаҳарга кетгунингча бирорта қизга нон ушатиб белги қилиб қўямиз. Қайтганингда катта тўйингни қиласиз.

— Нималар деяпсиз? Оёқ-қўлимни ипсиз боғлаб қўймоқчимисиз? — норозилик билдириди Мурод.

— Шундай қилмасам бўлмайди. Шаҳарда нима кўп, ёмон қизлар кўп. Битта яримтаси бошингни айлантириб олса, кейин нима қиласан?

— Ундай бўлмайди, хотиржам бўлинг, — онасини тинчлантириди Мурод.

— Сен бола гапни айлантирма. Нима қилишни ўзим биламан, — деди Ойниса хола масалага нуқта қўйгандай.

Мурод гангиб қолди. Онасининг шаштини қандай босишни у сира билмасди. Нима қилсин? Ўзимнинг танлаганим бор, деб қутулсинми? Агар шундай деса, онаси ишонармикан? Фикридан қайтармикан? Нима бўлса бўлар. Бирибир бир кун келиб айтиши керак-ку!

— Ойижон, — секин гап бошлади Мурод. — Ни-яtingиз мени уйлантириш бўлса, майли мен розиман.

— Ҳа, тилингга асал! Шундай дейишингни би-лардим. Барака топ, болам.

Гулчехра РАЗЗОКОВА

— Лекин... — деди Мурод ўнгайсизланиб онасининг хурсанд чеҳрасига қараёлмай.

— Совчи жўнатмоқчи бўлсангиз, фақат шаҳарга жўнатишингизга тўғри келади, — деди Мурод қўрқаписа.

— Шаҳарга?! — таажжубланди Ойниса хола. — Нима, сен бу билан шаҳарда уйланадиган қизим бор демоқчимисан?

Фишт қолипидан кўчиб бўлганини Мурод тушунди. Шунинг учун ҳам энди ортга чекинишининг иложи йўқ эди. Фурсат келди, деб ўйлади у. Бор гапни ҳозироқ айтиш керак.

— Шундай десам ҳам бўлади.

— Ҳой бола?! Нималар деяётганингни биласанми ўзи? Орзуйим шу қишлоқдан, кўриб-билиб юрган қизни келин қилиш. Сен айтаётган ўша қиз бизга тўғри келадими, йўқми ўзи.

Мурод нима дейишини билмай юзини ерга қадаганча ўтирас, худди бир жиноят устида қўлга тушган одамдек онасининг кўзига қаролмасди.

— Ахир, мен сизнинг юзингизни ерга қаратадиган бирор ёмон иш қилганим йўқ-ку!

— Бундан баттари бўлмайди. Қилғилиқни қилиб кўйиб, ўзини оқлаганига ўлайми бунинг! — хафа бўлгандай юзини тескарига бурди она.

— Мен нима ёмон иш қилибман, тушунтириб беринг, ахир?!

— Нимасига тушунмайсан? Қани айт-чи, қишлоғимизда сенга тўғри келадиган қиз қуриб кетганими? Ахир, сендай йигитга исталган хонадон қизини бериб, куёв қилишга тайёр-ку!

— Биламан. Лекин Муниса ҳам ёмон қиз эмас.

— Ҳой, бола! Қизларнинг яхши-ёмонини сен қаердан била қолдинг? У шаҳарлик, сен қишлоқлик бўлсанг.

— Мен Мунисани бир неча йилдан бери биламан, ойижон. Унинг қандай қизлигини аллақачон түшуниб етганман.

— Болам, шаҳар ўз оти билан шаҳар. У ерда катта бўлган қиздан нимани ҳам умид қиласан? Очифини айтсам, шаҳарлик қизинг бу ернинг меҳнатига бир кун ҳам чидамайди. Эртасига кўч-кўронини кўтариб жўнаб қолади. Мен келинсиз, сен хотинсиз қолиб кетасан. Йўқ, бўлмайди. Менга ўзимизга ўхшаган оддий, қишлоқбоп қиз керак. Тушундингми?

— Ойижон, ўзингиз биласиз, беш қўл баробар эмас. Шаҳарда ҳам уйим-жойим дейдиган қизлар кўп.

— Қўйсанг-чи, болам. Ўша шаҳарлик танноз-оиймларни кўрмайин ҳам, куймайин ҳам.

— Муниса сиз ўйлаган қизлардан эмас. Қолаверса, ойижон, ҳозир қишлоқ қизлари ҳам анойи эмас.

— Бу нима деганинг?

— Қишлоғида мулойимгина юрган қизлар ҳам шаҳарга бориб, баъзан муҳит таъсирида ўзгариб қолишади. Чунки шаҳарда уларни сўраб, тергайдиган ҳеч кими йўқ-да! Уйдагиларига ўқияпман деб, алдаб, аслида шаҳарда номаъқул ишлар қилиб юрган қизлар ҳам йўқ эмас?

Ойниса хола ўғлининг гапларидан сўнг бир оз ўйланиб қолди. Боламнинг гапларida жон бор, у қизнинг тарафини олишига қараганда жуда қаттиқ севадиганга ўхшайди дея хаёлидан ўтказди у.

— Ўғлим, гапларингтўри, — деди у, салюмшагандай мулойимлик билан Муродга юзланиб. — Лекин бу умр савдоси. Адашиб қолмайлик, дейман-да.

— Тушунаман, ойижон. Мен ҳам энди ёш бола эмасман.

— Демак, сен шаҳарлик қизга уйланмоқчисан, шундайми?

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

Мурод “ҳа” дегандек, бош чайқади.

— Хўп, яхши. Сен айтганчалик ҳам бўлсин, лекин унинг қишлоқда яшашга кўнадими ўзи?

Мурод нима дейишини билмай дудуқланиб қолди. Чунки онаси ўринли савол берганди.

— Ҳа! Нега индамайсан? Гапир! — тергашга тушди она.

— Ойижон, очиғи, бу ёғини ўйламапман, — деди хижолат тортгандай.

— Қизиқ. Ўйланишга қарор қилган одам, нега қаерда яшашини ўйламайди? Бу қанақаси?

— Гапингиз тўғри. Мен олдин шаҳарга борай, у билан кўришай, кейин бир қарорга келармиз.

— У қишлоққа бормайман, у ерда яшамайман деса, нима қиласан?

— Ундами, — бир оз ўнғайсизланди Мурод. — Унда хоҳлаган қизингизга совчи жўнатаверасиз.

Бу жавобдан Ойниса хола қониқди шекилли, юзларида мамнунлик пайдо бўлди.

— Майли, шунчалик ўша қизингга ишонар экансан, севар экансан, айтганингдай бўлақолсин. Лекин бу масалани тезроқ ҳал қилишни унутма, хўпми?

— Хўп. Шаҳарга бораману, у билан уч-рашиб ҳал қиласан.

— Ўғлим, — деди бир оз сукутдан сўнг онаси. — Менга қолса, ҳеч қаерга кетмай, шу ерда ёнимда қолиб ишлаганинг яхшийди.

— Бунча хавотир оласиз? Келишдик-ку сиз билан, ҳаммаси яхши бўлади, деб. Кейин...кейин... сиздан тез-тез хабар олиб туришга ваъда бераман.

Онаси Муроднинг раъийига қарши чиқолмади. Очиғи, қаттиқ гапириб уни хафа қилиб қўйишдан ўзини тийди. Болажони билан олти йил айрилиқда яшаб, энди уйга қайтганида унга танбех бериб ўтиришни ўзига эп кўрмади.

- Хўп болам, ўзинг биласан, — деди Ойниса хола.
- Қаерда бўлсанг ҳам соғ бўл. Мен сенга ишонаман.

* * *

Эрталаб туман марказидан чиққан автобус, куннинг иккинчи ярмида шаҳар чеккасидаги шоҳбекатга етиб келди. Автобусдан тушган Мурод атрофга аланглади. Йўлнинг нариги юзида кутиб турган Мунисани кўриб, юраги бир ҳаприқди-ю, нафасини ростлади. Сўнг тез-тез юриб катта йўлни кесиб ўтди-да, қизнинг ёнига келди.

- Салом, Муниса.
- Яхшимисиз? Яхши келдингизми?
- Раҳмат. Кечирасиз, автобус жуда секин юрганидан бир оз кеч қолдим...
- Ҳечқиси йўқ, — деди самимилик билан Муниса.
- Унда кетдик, — деди Мурод қизни қўлидан тортаркан.
- Қаёққа? — ҳайрон бўлди Муниса.
- Гап бор, — деди Йигит такси тўхтатаркан.

Мурод Мунисани таксига ўтқазди. Машина шиддат билан олға интилиб тезда катта йўлга чиқди-да, шаҳар маркази томон интилди. Елдай учиб кетаётган машинада ўтирган Муроднинг қувончи чексиз эди. Чунки у энди эркин, ёнида эса гўзал малаги ўтиради. Шу топда у ўзида ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтгудек куч ва ишонч сезса-да, юрагининг аллақаерида бошлинаётган янги ҳаётининг ҳали қоронғи ва унга нотаниш бўлган лаҳзалари кўланка солаётган эди. Бу ёғига энди уни ҳеч ким сўраб тергамайди. Хоҳлаган ишини қилиши мумкин. Фақат тезроқ ишли бўлиб, пул топиб Мунисага уйланса бас.

- Қалай, уйдагиларингиз яхши эканми?
- Мунисанинг саволи Муродни сергаклантирди.
- Ҳа. Ойижоним сизга салом деб юборди, — деди

Мурод Мунисанинг уйдагиларини сўраганидан хурсанд бўлиб.

— Раҳмат. Саломатбўлсинлар. Ўзи қаёққа кетаяпмиз, айта қолинг, — қизиқсиниб сўради Муниса.

— Бир оз сабр қилинг. Кейин ҳаммасини билиб оласиз. Хўпми?

Муниса хўп дегандай бош чайқади.

Тез орада машина Амур Темур хиёбонининг ёнгинасида жойлашган “Уголок” кафеси олдига келиб тўхтади. Мунисага бу жойлар яхши таниш эди. Негаки, Мурод ойда бир марта стипендия олган куни Мунисани шу ерга таклиф қилиб қовурилган жўжа билан сийлар эди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Икки ёш анчагача ўтириб жўжахўрлик қилишди, чақчақлашиши. Шундан сўнг Муниса мақсадга кўчди.

— Менга нимадир демоқчийдингиз, шекилли. Энди айтарсиз, — саволомуз термулди Муниса.

— Ҳа. Мен сизга айтсам, ойимнинг розилигини олдим, — деди Мурод хурсандлигини яшира олмай.

— Тушунмадим, нимага розилик олдингиз? — ҳайрон бўлди Муниса.

— Нимага бўларди, сизга уйланишга-да.

Очиғи, Муниса ундан бу хабарни кутмаган эди. Шунинг учун ҳам бир оз эсанкираб шошиб қолди. Негаки, Мурод “Ойим турмушимизга балки рози бўлмаслар”, деб кўп марта такрорларди. Щу боис, у масаланинг бунчалик тез ва осон ҳал бўлишини сира хаёлига келтирмаганди.

— Хурсандмисиз энди? — деди жилмайиб Мурод атайлаб Мунисанинг ўнғайсиз ҳолатга тушганини сезиб.

— Ўзингиз-чи? — деди Муниса ҳам сир бой бермай.

— Менми? Мен, албатта хурсандман. Фақат... — Муродни юзлари жиддий тортиб ўйланиб қолди.

— Сизга нима бўлди? Тинчликми?

- Фақат ойимнинг бир шартлари бор. Шунга рози бўлсангиз дегандим.
- Қанақа шарт экан?
- Нима десам экан сизга, — ўнгайсизланди Мурод. — Тўйдан кейин қишлоқда ойимнинг ёnlарида яшашингизга тўғри келади. Шунга розимисиз?
- Қишлоқда яшаш? — ўйланиб қолди Муниса.
- Хўш, нима дейсиз?
- Сиз қаерда бўлсангиз, мен ҳам ўша ерда бўламан, қарорим шу, — деди Муниса бир оздан сўнг Муроднинг кўзларига ишонч билан қараб.
- Шундай дейишингизни билардим, — деди Мурод хурсандлигини яширмай. Кейин у жиддий тус олиб:
- Муниса, мен тезроқ ишга киришим керак, — деди.
- Вой-бўй. Намунча ичингиз тор бўлмаса? Кечагина ўқиши тугатдингиз-ку. Ўн-ўн беш кун ўтсин. Ундан кейин бир гап бўлар.
- Нима, ҳазиллашаяпсизми? — деди жиддий оҳангда Мурод.
- Иш қочиб кетмайди, озроқ дам олинг демоқчидим.
- Тўғри, лекин мен ҳозир дам оладиган ҳолатда эмасман.
- Тушунмадим, очиқроқ гапиринг, — қистовга олди Муниса.
- Нимасига тушунмайсиз? Ҳозир тўй харажатларига имкониятимиз йўқ. Ишлаб пул топмагунимча, турмуш қуролмаймиз, ахир.
- Шунга сиқиляпсизми? — деди Муниса бир оздан сўнг хотиржамлик билан. — Ҳечқиси йўқ. Зарур бўлса, қанча десангиз кутишга тайёрман.

Мунисанинг бу сўзларидан Мурод сергак тортди. Қизнинг кўзларига тикиларкан, унда чуқур самимийлик ва ишонч ҳиссини сезди. Шу топда Муниса Муроднинг кўзларига янада чиройли ва гўзалроқ

кўриниб кетди. Ахир, қиз унинг дилидаги гапни айтганди-да. Шу боис ҳам Муроднинг хаёлига “Шу қизни умр йўлдошликка танлаб адашмабман, ойим уни кўрсалар, албатта, ёқтириб қолади”, деган ўй келди. Ҳа, шу ўринда унинг фикрлари жуда-жуда асосли эди. Чунки Муниса бир қарашда чўрткесар, шаддодроқ кўринса-да, унинг қалби бунинг тамомила акси эди. Мурод Мунисани содда ва очиқкўнгил, зийрак ва андишли қиз эканлигига кўп бор гувоҳ бўлганди. Шунинг учун ҳам унга кўнгил қўйганидан сира афсус чекмасди. Аксинча, юрагининг алла-қаерида пайдо бўлган муҳаббат учкуни йиллар ўтса-да, борган сари кучайса кучайдики, сўнмади. Уларнинг муносабатлари бугунга келиб синовларда тобланиб алангага айланганди. Унинг тафтини қанчалар кучлилиги ўзларигагина аён эди, холос.

— Мунис, мени тушунганингиз учун раҳмат. Тезроқ пул ишлаб топишга ҳаракат қиласман, — деди Мурод анчадан кейин ўзини қўлга оларкан босиқлик билан. Бу сўзлар оҳангидан Муниса йигитнинг чуқур самимиятини сезди. Унинг нигоҳи беихтиёр йигит кўзларига қадаларкан, унда акс этган ишонч ва самимиликни сезди.

— Азизам! — деди Мурод Мунисанинг қўлларини кафтига олиб унга синчков ва маъноли термуларкан.
— Биз учун катта ҳаёт остонаси эндиғина бошланяпти. Олдимизда ҳар қандай вазиятлар, қийинчиликлар бўлиши мумкин. Нима бўлганда ҳам, ёнимда бўлишга ваъда берасизми?

Бу сўзларни Муниса кутмаганди. Шу боис ҳам, бир зум ўнғайсиз ҳолатга тушди. Сўнг ўзини қўлга олиб, Муроднинг юзларига ҳаяжон билан бокди.

— Ҳа, бошимга қандай савдолар тушса ҳам, бир умр сизнинг ёнингизда бўламан, — деди у Муроднинг қўлларини сиқиб, секин жилмаяркан.

* * *

Бир неча кун ичида Мурод күпгина қурилиш ташкилотларига кириб чиқиб, ўз касби бўйича талайгина таклифлар олди. Ҳатто бугундан иш бошланг, деган ташкилотлар ҳам учради. Аммо Мурод бир тўхтамга сира келолмасди. Чунки у янада каттароқ маошли ишларни мўлжаллаётганди. Ахир, у тезроқ тўй харажатларига пул тўплаб, қишлоқдаги онасига ёрдам бериши керак. Вақт эса зиқ. Қанийди тезроқ катта ойликли иш чиқиб қолсайди?! Мана шу саволларга чулғаниб Мурод бир неча кунини бекорга ўтказиб юборди. Бундай қараса қишлоқдан олиб келган уч-тўрт сўм пули ҳам охирлаб қолипти. Энди нима қиласди? Яна онасидан пул сўрайдими? Йўқ. У бундай қилолмайди. Фурур деган нарса ҳам бор! Қишлоқдан бориб пул сўрагандан кўра, таклиф қилинаётган, ойликлари ҳам бинойидек ишлардан бирини таълаб тезроқ иш бошлагани яхши эмасми?! Қурилиш соҳасида етарлича билими, билагида эса куч-қуввати бўлса, нимадан қўрқади? Шунча одамлар қурилишда ишлаб оилаларини боқиб юришилти-ку! У ана шуларни ўйлаб қатъий қарорга келди. Бугун кеч бўлди. Эртага тонгда у барвақтроқ турди-да, ўша ташкилотлардан бирига боради. Ишга киради. Лекин қайси бирига боришни у эрталабгача ҳал қилиши керак. У шуларни ўйларкан, атрофга маъюс ва ўйчан термулди.

* * *

Шаҳар ўртасидаги хиёбон. Йўлакда Муниса ва Мафтуна гаплашиб келишяпти.

— Эҳ, дугонажон, талабалик ~~олтин даврим~~ де-
ганлари рост экан. Ўқиш мазза эди-да, — деди Муниса
энтиканча атрофга назар соларкан.

2020/11-73

Гулчехра РАЗЗОКОВА

— Нимасини айтасан. Тўрт йил деганлариям кўз очиб-юмгунча ўтди-кетди, — деди Мафтуна чуқур хўрсиниш билан.

— Ҳа, гапинг тўғри. Диплом олганимизга ҳам мана бир ойча бўляпти. Энди бу ёғига катта ҳаёт бошланади. Тезроқ ишга киришим керак.

— Қаерда ишламоқчисан ўзи, бирор иш топдингми?

— Иш кўп. Лекин мен ишга кирмоқчи бўлган дизайн фирмасининг талаблари ниҳоятда катта экан. Ҳар бир ходимни кўрик-танлов асосида ишга олишармиш. Эртага ўша танловнинг якуний босқичи бўлади. Шунга бир оз ҳаяжонланяпман, — деди Муниса.

— Муниса, кўпам ташвишланма. Ҳаммаси яхши бўлади. Сен иқтидорли қизсан. Миллий дизайн кўрикларида бир неча бор ғолиб ҳам бўлгансан. Ҳали машҳур ўзбек дизайнери Муниса Акбаровна бўлиб кетганингда мени унутмасанг бўлгани, — деди Мафтуна дугонасининг кайфиятини кўтариб.

— Ҳазилингни қўй! Мен жиддий айтяпман! — эътиroz билдириди Муниса.

— Кўрқма, сени, албатта, ўша фирмага ишга олишади, — деди Мафтуна ишонч билан.

— Нега ундан деяпсан?

— Ахир, сендан билимли, ўз касбининг устасини ишга олмай, унақа жойга мендақаларни олишармиди?

— Мафтуна, бу гапларингни қўй. Сен ҳам институтда ёмон ўқиганинг йўқ. Талабаларнинг энг олди эдинг. Ҳали зўр ташкилотларда ишлаб ўзингни кўрсатасан, — деди Муниса ҳам дугонасининг кўнглини кўтаришга интилиб. — Керак бўлса, ҳамкорликда янги лойиҳалар устида ишлаймиз. Ахир, биласанку, миллий дизайн худди очилмаган қўриқдай. Унга фақатгина нозик дидгина эмас, балки янгича нигоҳ ва янгича руҳ билан ёндашиш керак. Сенда эса айнан мана шу хислат бор.

— Муниса, мени мақтамай қўя қол. Очифини айтсам, сенга ҳавасим келади, — дейди Мафтуна ййчанлик билан дугонасининг кўзларига тик боқаркан.

Мафтунанинг дабдурустдан айтган бу сўзларидан Муниса ҳайратга тушди. Негаки, дугонасининг жуда мағуррлигини, ҳеч қаерда ва ҳеч кимга осонликча ён беравермаслигини у яхши биларди.

— Нега ундей деяпсан? — ҳайрон бўлиб сўради Муниса.

— Сенга яхши. Эрта-индин энг нуфузли дизайн компаниясида иш бошлайсан. Ундан кейин Муродга турмушга чиқасан. Бир томонда севган йигитинг бўлса, иккинчи томонда ўзинг ёқтирган ишинг, — деди Мафтуна ҳаваси келгандай дугонасига қараб. — Айтгандай, тўй куни аниқ бўлдими?

— Йўқ.

— Нега? Яхши ишни тезроқ бўлгани яхши эмасми.

— Гапинг тўғри. Лекин Мурод акам тўйни бироз кейинроқ ўтказамиз деяптилар.

— Кейинроқ? Нима учун?

— Шундай, ҳозирча оилавий шароитлари бироз қийинроқ экан.

— Ҳа, тушунарли, — деди ҳамма саволига жавоб топгандай Мафтуна.

— Олдин ишга кирай, пул топай, кейин тўйни ўтказамиз, дедилар.

— Тўғри-да. Сенга уйланиб олиб, боқолмай ўтирсинми, — деди Мафтуна кулги аралаш киноя билан.

— Кўпам устимдан кулаверма. Ўзингни кўрамиз ҳали. Сени ҳам бир камбағал йигитга ишқинг тушиб қолмасин тағин.

— Камбағаллик айб эмас, дугонажон. Қанийди менга ҳам Муроддай йигитнинг севгиси насиб қилса, — деди Мафтуна энтиkkанича.

- Түгри. У ақлли, идрокли йигит, лекин... — деди Муниса ўйчан тортиб.
- Нима бўлди, чайналмай очиқроқ гапир?
- Уйдагиларим узоқ кутиб ўтиришмаса керак. Совчи келса, бошқага ҳам узатиб юборишлари мумкин.
- Нималар деяпсан? Ахир, сен уларга тушунтири. Кўнглинг фақат Муродда эканлигингни айт, — деди астойдил юраги куйинганидан Мафтуна.
- Тушунишармикан?
- Қанақа одамсан ўзи? Ота-онанг ўқиган, зиёли одамлар бўлса? Бор гапни очиқ-ойдин айтсанг, менимча, йўқ дейишмайди, — деди Мафтуна ишонч билан. — Бўлмаса, Муродга айт. Совчи жўнатсин. Ҳеч бўлмаса унаштириб қўйишигин. Уйдагилари шароитини тушинтиришиб, тўйни кейинроқ ўтказмиз дейишигин.
- Ҳа, шундай қилиш керак. Лекин кечаги учрашувимизда уни бир оз хафа қилиб қўйдим шекилли, — деди Муниса ҳорғинлик билан.
- Мунис, нималар деяпсан?
- Ўйламай-нетмай тўйимизни энг катта ресторонда, энг таниқли артистлар иштирокида ўтказмасангиз сизга тегмайман, деб юборибман.
- Таниқли артистлар? — ҳайрон бўлди Мафтуна, сўнг кулиб юборди. — Эсинг жойидами сен қизнинг? Намунча калта ўйламасанг? Ахир, тўйингга катта артистлар келса, бахтли бўлиб қолармидинг? Бунинг устига Мурод ҳали бирор ишнинг бошини ушламаган бўлса!
- Ҳа, бу ёғини ўйламабман. Турмушга чиқсам тўйим шов-шувли, ҳамма ёққа овоза бўладиган тўй бўлсин дегандим. Ҳаётда ҳеч нарсадан зориқмай яшасам, камим бўлмаса, данғилама уйим, машинам бўлса дегандим-да.

— Мунис! Орзуга айб йўқ, дугонажон. Инсон борки, орзу ва мақсад билан яшайди, — деди Мафтуна ниманидир исбот қилишга интилгандай. — Аммо инсон ҳар доим ҳам ўша ниятига етиб баҳтли бўлавермайди. Мурод ҳам сен орзу қилаётган ҳаётни бирданига муҳайё қилиб бера олмайди! Тушун! Нијатинг дабдабали ҳаёт бўлса, ҳозирдан бундай талаблар кўйишинг нотўғри.

— Нега ахир? Ҳашаматли иморатларда бой-бадавлат яшаётгандарнинг мендан ортиқроқ жойлари борми?
— эътиroz билдириди Муниса.

— Дугонажон! Мен сени танимаяпман, — эътиroz билдириди Мафтуна Мунисанинг гапларидан таъсирланиб. — Сени бирордан кам жойинг бор деяпманми? Сен ақлли, идрокли қизсан! Фақат битта нарсага, молу дунёга, дабдабага учма. Мурод меҳнатсевар, яхши йигит. Эндиғина ўқиши туғатди. Ҳали ҳаммаси олдинда. Уни ҳозирдан кўп қийнайверма. Кўнглини кўтар!

— Мен қийнабманми? — деди Муниса жаҳли чиқкудек бўлиб. — Хўш, қийналса нима қипти? Севган қизи учун жонини койитса нима бўпти?

— Э, қойил-е! Сен ўзинг-чи? Севган йигитинг учун нима қиляпсан?! Унинг офирини енгил қилиб, ҳеч бўлмаса, унга ширин сўзингни айтяпсанми?! Шуни ўйлаб кўрдингми? Қўй, Мунис! Гапирма! — деди Мафтуна жаҳл билан.

— Нима демоқчисан ўзи?

— Жаҳлинг чиқмасин-у, мен сенга сабру қаноатли бўл, борига шукур қил, демоқчиман, холос! — деди Мафтуна Мунисанинг жаҳли чиқаётгандигини сезиб, уни юпатишга интилди.— Агар ҳозирдан шундай деб ўйласанг, хато қиласан. Яхиси, тўйни қолдир!

— Вой бў! Сен билан ҳазиллашиб ҳам бўлмайди-я,
— деди Муниса Мафтунанинг қулидан тортиб тўхта-

Гулчехра РАЗЗОКОВА

таркан. – Ҳақиқий дугонамсан-да. Биламан, ичинг ачиганидан шундай дединг.

– Мени ҳали синаб кўряпсанми, бор-э, – деди Мафтуна ва ундан хафа бўлгандай тез-тез қадам ташлаб нари кетди.

– Ҳазиллашдим дедим-ку. Хафа бўлмагин энди. Ҳўпми? Гапларимга чиппа-чин ишондинг-а, – деди Муниса қаҳ-қаҳотиб кулиб, Мафтунани қучоқларкан.

– Қўйиб юбор! Сен билан гаплашмайман! – деди Мафтуна юзини терс ўгириб аразларкан.

– Ҳазилниям тушунмайсанми, бўлди-да энди. Шунча йиллардан бери дугонамиз-у, менинг кимлигимни билмайсанми? Наҳотки, мени ўша баъзи енгилтак қизларга ўхшатиб молу дунёга учади, деб ўйлаган бўлсанг?! Ахир, мен ҳаммасини тушунаман. Ҳар қандай бойлик ҳам бахт келтиравермаслигини яхши биламан. Мурод акам билан биз ўз келаҗагимизни, бахтли ҳаётимизни ўз қўлимиз билан яратишимиз кераклигини ҳам яхши биламан.

– Қойил-э! Сен аслида дизайнер эмас, актриса бўлишинг керак экан. Ролингниям бопладинг. Чиппа-чин ишонибман-а, мен аҳмоқ!

Икки дугона бир-бирини қучоқлаб кулиб юборишиди.

* * *

Мурод тонгда туриб айтганини қилди. Олдин учрашган ва ойлик маошлари ҳам, иш шароитлари ҳам тузукроқ, ўзига маъқул бўлган қурилиш ташкилотига борди. Бошқарма бошлиғи унинг ҳужжатлари билан танишиб чиқиб суҳбатга чақирди. “Ука, сиз олий маълумотли мутахассисиз. Сизни оддий қурувчи лавозимига ололмайман! Бугундан бошлаб қурилиш бошқарувчисининг ёрдамчиси бўласиз”, деди. Албатта, бу кутилмаган таклифдан

Мурод хурсанд бўлиб кетди. Негаки, бошлиқнинг ўзи унга ишонч билдириб, масъулиятли лавозимга қўяётганидан тўлқинланиб кетганди-да. Мурод шу куниёқ иш бошлади. Янги келган ходимни қурувчилар очиқ кўнгиллилик билан қарши олишди. Мурод ҳам биринчи иш кунидан бор билимини ишга солиб, ўзини кўрсатишга, тиришқоқлиги ва меҳнатсеварлиги билан жамоа орасида ўз ўрнини топишга ҳаракат қилди. Айниқса, курилишнинг етакчи бригадирларидан бири Йўлдош ака ишчилари билан бир неча кун ичидан ака-уқадай бўлиб қолди. Қилаётган ишидан Муроднинг кўнгли тўлиб, жамоа орасида ўз ўрнини топа бошлади. Баъзан ишхонасида ишдан кейин ҳам алламаҳалгача қолиб, қурилаётган бинонинг чизмалари устида бош қотирава эртанги куни қилиниши зарур бўлган ишларни режалаштиради. Мурод учун кунлар шу тарзда тез ўтиб борар ва ўз ишидан мамнун эди. Кунларнинг бирида қурилишдан чиқиб қайтар экан, йўл-йўлакай эълонлар осилган тахта олдида тўхтаб қолди. Ёзувлардан бири Муроднинг дикқатини тортди, беихтиёр чеҳраси ёришди.

— Нима? Чет элга ишга жўнатишар эканми? Қурувчилар керак, дебдими? Қизиқ! Бу жуда зўр-ку!

— Бу таклиф Муроднинг деярли унутилаётган орзуумидларини қўзғаб юборди. Унинг феъли айниди. Дилида катта пул топиш истаги яна пайдо бўлди.

— Мана, телефони ҳам бор экан. Ҳозир биламиз,
— деди у хурсанд бўлиб чўнтағидан қўл телефонини олиб рақам тераркан.

— Алло?

— Эшитаман, — телефондан аёл кишининг овози келди. — Сизга ким керак?

— Мен эълон бўйича гаплашмоқчи эдим. Сизларга қанақа ишчилар керак? — сўради ҳаяжонланиб Мурод.

Гулчехра РАЗЗОКОВА

- Бизга малакали қурувчилар керак. Кечирасиз, ўзингиз нима иш қиласиз?
- Мен қурилишда ишлайман.
- Жуда соз. Бизга сиздек одамлар керак.
- Ойлик маошлари яхшими ўзи? — қизиқсиниб сўради Мурод.
- Кечирасиз бу ҳақда биз телефонда маълумот беролмаймиз. Яххиси, сизга манзилимизни айтаман. Келсангиз ҳаммасини тушунтириб берамиз.
- Хўп, майли, айтиқолинг. Ёзib оламан.
- Шаҳарни яхши биласизми?
- Албатта биламан, — деди Мурод ишонч билан.
- Бўлмаса, Оқтерак кўчасида жойлашган 411-уйга келинг.

Мурод айтилган манзилни дафтарчасига ёзив олди.

- Тушунарли. Бугун борсам бўладими, кеч бўлмадими?
- Бемалол келаверинг. Сизни кутамиз.
- Раҳмат. Ҳозир етиб бораман, — деди Мурод ҳаяжондан ўзини босолмай.

Телефонда сўзлашиб бўлгач, кўнглида таскинлик ҳисси пайдо бўлди. Гўёки ҳозир ўша ерга боради-ю, ўзига мос бир ишни топаётгандек эди.

Мурод айтилган манзилни топиб борди. Уни икки аёл қарши олди. Улар ўртасида қизғин сухбат бошланди.

- Яхши йигит. Бизга ҳали айтганимдек турли касбдаги малакали қурилиш ишчилари керак, — деди Дилбар ўзини вазмин тутаркан.
- Кўринишингиздан ўқимишли йигит кўринасиз,
- деди Моҳира Муродга бошдан-оёқ разм соларкан.
- Қурилишда нима иш қиласиз ўзи?
- Менми? Нима десам экан... — Мурод ўнгай-сизланиб ерга қаради.

- Хўш, тортинманг, айтаверинг.
- Архитекторман. Яқинда институтни тугатдим.
- Шунақами? Жуда яхши касбингиз бор экан, — деди Дилбарнинг кайфияти кўтарилиб. — Бу касбингиз ҳамма ерда керак бўлади. Биз сизга ёрдам беришга ҳаракат қиласиз.

Бу гапни Мурод кутмаган эди. Шу боис унинг ҳам чеҳраси очилиб қархисида ўтирган икки аёл худди дардига малҳамдек кўзига яхши кўриниб кетди.

- Менга маоши катта иш керак. Топиб берасизми?
- сўради Мурод қатъиятлик билан Дилбарни кўзларига умид-ла термуларкан.

Дилбар эса “Энди сен гапир” дегандай Моҳира га кўз қирини ташлади.

— Сиз айтган катта маошли ишлар менинг укамда бор. У қурувчиларни четга ишга жойлаштириш билан шуғилланади. Сизга, албатта ёрдам беради, — деди Моҳира бепарволик билан.

— Майли. Фақат ойлиги яхши бўлса бўлгани, — деди Мурод ҳамма нарсага розидек.

— Биз айтаётган ишлар Ўзбекистондан ташқарида, — деди Моҳира бир муҳим сирни очаётгандай эҳтиёткорлик билан. — Маошлари ҳам баланд. Бу ердагига қараганда тўрт-беш баробар кўпроқ оласиз. Бирон йил ишласангиз етади. Катта даромад билан қайтиб келасиз.

Мурод бу гапларни эшишиб қувониб кетди. Унинг хаёлида “Наҳотки, омадим келди?! У ерда беш-олти ой ишласам, топган пулим bemalol тўйга етарканда” деган ўйлар чарх уради.

— Фақат бир шарти бор, — деди Моҳира, ҳали хурсанд бўлишга эрта дегандек Муроднинг ҳолатини кузатаркан.

Гулчехра РАЗЗОКОВА

— Шарт?! Қанақа шарт экан, — хавотирда сўради Мурод.

— Четга бориб ишлашни истасангиз, ўзингизга ўхшаган, қурилишда суяги қотган, тажрибали, қўлида ҳунари бор, сара йигитлардан кўпроқ йифиб, бригада тузишингизга тўғри келади. Хоҳласангиз ўшаларга бошлиқ бўлинг. Шунда маошингиз янада кўтарилади.

— Албатта! — суҳбатга аралашиб Дилбар. — Уларга бегоналар раҳбарлик қилганидан кўра, ўзингиз бош бўлганингиз яхши эмасми?

— Тўғри. Ахир, чет элларда ҳам бизнинг фуқароларимизга иш топишни ўзи бўлаётгани йўқ. Айниқса, маошлари баландроқ ишларни, — деди Моҳира Дилбарнинг сўзларини тасдиқлаб.

Уларнинг гаплари Муродга мойдай ёқаётган эсада, уни бошқа масала ўйлантиб, аёллардан сўради:

— Йигитларни қаердан оламан, қандай қилиб бригада тузаман?

— Биламиз, бу осон иш эмас. Бунинг учун тилингиз бурро бўлиши керак. Одамларни четда иш бор, шароитлари ҳам яхши, ойликлари жуда баланд, деб ишонтира билишингиз керак. Тушинарлимий!

— Нима? Ахир, мен у жойларни кўрмаганман-ку?! Қандай қилиб кўрмаган жойни, билмаган ишни уларга мақтайман? — деди Мурод ҳайратланиб.

— Нима бизга ишонмаяпсизми? Сиздан олдин ҳам кўп йигитлар шундай дейишган эди. Аммо ўшалар у ерга бориб иш бошлаганларидан кейин, бизга раҳмат айтишиб, уйларига ҳар ойда жарак-жарақ пуллар жўнатиб туришибди! — деди норозилик билан Моҳира.

— Фалати йигит экансиз-ку! Қўлингиздан шу оддий

иш келмаса, четга бориб қандай ишлайсиз? Демак, биз сиз билан келиша олмадик. – деди ҳафсаласи пир бўлгандай Дилбар.

Суҳбатлари бундай якунланишини Мурод кутмаган эди. Шу сабабдан у нима қилишини билмай бир лаҳза ўйга толди. “Уларга ишонса бўлармикан? Афтидан ёлғон гапирадиган аёлларга ўхшашмайди. Ўзларига тўқ кўринишади. Офислари ҳам ҳашаматли экан. Бундай имкониятни кейин топа оламанми?” деган хаёлга борди у. Сўнг ўзини тезда қўлга олди-да, бир қарорга келиб Дилбарга юзланди.

– Майли, мен розиман. Ишчиларни топишга ҳаракат қиласман, – деди Мурод аёлларнинг шартларига кўниб.

– Бу бошқа гап, – деди Дилбар бир оз юмшаб жиддий оҳангда.

– Укангиз билан қачон кўришамиз? Учрашиб гаплашмоқчи эдим.

– Гаплашиб нима қиласиз. Масала ҳал. Тезроқ бригадангизни тўпланг, ана ундан кейин келсангиз таништириб қўяман. Бу ёғидан хавотир олманг. Унинг ўзи сизларни бирга олиб бориб, ишга жойлаштириб келади. Тушундингизми?

– Раҳмат сизга. Ҳаммаси тушунарли, – деди Мурод кайфияти кўтарилиб ўрнидан туаркан.

– Ука, ўтилинг. Сизга яна бир гап бор.

Мурод яна нима гап экан дегандек, тикилиб қолди.

– Бизнинг фирмамиз нафақат йигитларни, балки, қизларни ҳам чет элларда ишга жойлаштириш билан шуғулланади. Агар шу масалада ҳам сиз бизга ёрдам берсангиз, яхши бўларди, – деди Моҳира масалани кўндаланг қўйиб.

– Тушунмадим? Очиқроқ гапиринг, – деди Мурод.

Дилбар ва Моҳира бир-бирларига маъноли қараб кўйишди. Дилбар “сен гапир” дегандек Моҳирага ишора қилди.

— Ахир, ёш йигит экансиз. Иш излаб юрган қизлардан танишларингиз бўлса, тортиномай уларни бизга жўнатаверинг.

— Нималар деяпсиз? Қаерда, қанақа иш борлигини билмай туриб қандай қилиб уларга иш таклиф қиласман? — деди Мурод ҳафсаласиз кайфиятда.

— Ука, биз ҳозир қизларни хориждаги ўйинчоқлар фабрикасига ишга жўнатяпмиз. Маошлари ҳам яхшигина.

— Ахир, унақа фабрикада ишлаш учун маҳсус малака керак бўлади-ку, — эътиroz билдириди Мурод.

— Сиз бу ёғидан хавотир олманг, — деди Моҳира уни тинчлантиришга уриниб. — Малакаси бўлмаган қизларни ўша ернинг ўзида қайта ўқитишиади. Ахир, қимматбаҳо дастгоҳларни, ҳеч нарсани билмаган қизларнинг қўлига қайси аҳмоқ одам топшириб қўярди?

— Ҳа, у ердаги ишбилармонлар анойи эмас, ука, — гапга аралашди Дилбар Моҳиранинг гапларини маъқуллаб. — Улар нима қилишаётганини яхши билишиади. Ҳарҳолда яхши ишлаган одамларни хафа қилишмайди, катта пул тўлашади.

Мурод ўйланиб қолди. Бу аёлларнинг гапларида жон бордек туюлди унга. “Майли, иш излаб юрган битта-яrimta қизга айтарман. Бунақа таклифни рад этиш аҳмоқлик бўлар” деб ўйлади у. Аммо кимга айтади? Чунки у таниган курсдош қизлари аллақачон дипломларини олиб уйларига кетиб бўлишган. Институтдаги пастки курсларда ўқиётган қизлар эса бир ойлардан кейин ўқишига келишиади. “Нима қилсин? Балки ётоқхонага ўтиб кўрар. Таниш қизлардан бирортасини учратиб қолар. Нима бўлганда

ҳам бу аёллар билан муносабатни бузмаслик керак”, деган қарорга келди Мурод.

— Ҳаммаси тушунарли, — деди у ишонч билан ўрнидан туаркан.

— Тезроқ бригада тузинг, — деди Дилбар Муроднинг кўзларига тик қараб. — Бўлмаса кеч қоласиз.

Мурод Дилбарнинг нима демоқчи эканлигини англади. Шунинг учун “хўп” дегандек бош чайқадида хонадан чиқиб кетди.

— Нима деб ўйлайсан, унинг қўлидан бир иш келармикан? — деди Муроднинг ортидан маъноли қараркан Дилбар.

— Кўринишидан соддагина бўлгани билан ўз ишига пишиқ йигитга ўхшайди. Менимча, у бу ишни эпласа керак.

Мурод офисдан чиқаркан, йўлакда тўхтаб қолди. “Наҳотки, шу гаплар рост бўлса? Ойига шунча катта пул оладиган бўлсам, четда бир оз ишлаб келсам ёмонми? Шу баҳонада кўрмаган жойларимни ҳам кўраман. Демак, кўпроқ одам топишм керак. Қанча тез бўлса шунча яхши. Ахир, мақсад пул топиш бўлгандан кейин фарқи нима, бу ерда топдингми ёки у ерда. Ҳа, тўғри! Энди қаерга борсам экан? Айтгандай, бу янгиликни Мунисага айтишим керак. Йўқ, йўқ! Яхшиси ҳаммаси ҳал бўлгандан кейин айтаман. Хурсанд бўлади”. Мурод шуларни ўйлаб қадамини тезлатди. Унинг юзида мамнунлик ва кўтариинки кайфият акс этарди.

* * *

Мурод четга кетиб ишлаш учун бригадасини тузаман, деб шаҳарнинг кўпгина қурилиш ташкilotларига кириб чиқди. Ўзи ҳали бормаган ва кўрмаган жойларда четда яхши иш бор, бирингиз икки бўлади, деб оғиз кўпиртириб, одамларга катта ваъдалар берди. Бу ишга ишхонасидаги Йўлдош уста-

ни ҳам ишонтириб, бирга кетишга кўндириди. Деярли бир ҳафта деганда турли ёшдаги, қўлида ҳунари бор етти кишини жамлаб бригада тузди. Уларни бу ердаги ишларидан бўшаб, ўзи билан четга бориб ишлашга рози қилди. Албатта, бу осон кечмади. Улардан баъзилари “Биз у ерга борсак қандай ишлаймиз? Биз билан улар шартнома тузишадими? Иш ҳақини қандай тўлашади?” деб Муродни са-волларга тутишди. У ҳеч иккиланмай, “Борсак, албатта шартнома тузилади. Иш шароитлари ҳам жуда яхши”, деб усталарга катта маошлар ваъда қилди. Негаки, у олиб кетишга одам тополмайман, деб жуда қўрққанди. Шу боис ҳам виждонига қарши бориб, ёлғон гапириб, одамларни ишонтириди. Яхшиямки, тўқиган ёлғонлари иш бераб, улар четга кетишга рози бўлишди. Муаммолар ҳал бўлгач, Мурод руҳан енгил тин олди. Ўша куниёқ қувончи ичига сифмай, Дилбар билан Моҳиранинг олдига борди. Улардан укасини чақиришни сўради. Ҳамма нарса тайёрлигини айтиб учрашув белгилатди. Ниҳоят, Мурод Дилбарнинг укаси Азамат билан учрашди. Барча масалаларни юзма-юз гаплашиб олишди. Азаматнинг оғир вазминлиги, ёш бўлсада, ҳаётда кўп нарсани кўрганлиги, Муродга ёқиб тушди. Айниқса, Азаматнинг четдаги қурилишларда маошларнинг анча баландлиги, мабодо белгиланган вақтдан ортиқ ишланса, ҳар бир соат учун иш ҳақи икки баробар кўп тўланиши ҳақидаги гаплари уни қувонтириб юборди. Шунинг учун у Азаматдан вақтни ўтказмасдан тезроқ йўлга тушишни илтимос қилди. Азамат ҳам Муроддан шу гапни кутиб турган экан, шекилли “Майли, мен у ёқقا телефон қилай, насиб этса, бир-икки кундан кейин жўнаймиз-да”, деб юборди. Бу гапдан Муроднинг кўзлари нурга тўлиб, ич-ичидан қувониб кетди.

Шундай қилиб улар гапни бир жойга қўйишиди.

Ўша куни ёқ Азамат Россиядаги Максим исмли мижозига телефон қилиб йўлга чиқишлиарни айтди. Вақт зиқлигидан Мурод ҳатто уйига бориб онаси билан хайрлашишга ҳам улгурмади. У онасига бор-йўғи икки қатордан иборат, “Ойижон, мен четга ишга кетяпман. Мендан хавотирланманг. Жойлашганим-дан кейин ўзим сизларга хабар қиласман”, деган қисқагина хат жўнатди, холос. Ҳамма ишлар битиб, чипталар олингандан кейингина Мурод бу ҳақда Мунисага айтди. Бечора қиз бу хабарни эшитиб тарашадай қотиб қолди.

— Мурод ака, яқиндагина ишга кирган эдингиз. Иш бошлаган ташкилотингиз анча обрўли, анча номдор муассаса. Қисқа вақт ичида ўзингизни анча танитиб олдингиз. Наҳотки, энди пулнинг орқасидан қувиб бегона юртларга кетишингиз шарт бўлса, — деди Муниса кўзлари ёшга тўлиб.

— Азизам, ташвишланманг! Мен тезроқ қайтишга ҳаракат қиласман. Тўйимизга етарли маблағ қўлимга тушиши билан ортга қайтаман. Ишонинг! — деб у қизни юпатишга интилди.

Муниса йифидан тўхтаб кўз ёшларини артаркан, Муроднинг жавдираб турган кўзларига боқди. Унда яққол акс этиб турган меҳрга тўла самимийлик қизнинг кўнглини бир оз бўлса-да, юмшатгандай бўлди ва секин ютиниб гапирди:

— Мурод ака, мен ҳижрон азобига чидай олмайман.

— Муниса тушунинг, келажагимизни ўйлаб, кам-кўстсиз ҳаёт кечиришимиз учун шу қарорга келдим. Менга ҳам сизни ташлаб узоққа кетиш осон эмас. Начора! Боришим керак. Яхшиси, оқ йўл тиланг!

Нима қилсин бечора қиз?! Муроднинг кетишини сира-сира истамаса ҳам, унга оқ йўл тилашдан бошқа чораси қолмаганди. Эртаси куни Муниса Муродни кузатиш учун вокзалга чиқди.

— Ой бориб омон келинг! Мен сизни кутаман!
— деб Муниса илиқ гаплар айтиб, йўл олдидан
Муроднинг кайфиятини кўтарди. Поезд ўрнидан
кўзғалиб анча узоқлашгач, қизнинг кўзлари жиққа
ёшга тўлди. У шу пайтгача атайлаб йифидан ўзини
зўрға тутиб турганди. Энди бўлса, таранг асаблари
бўшашиб, хўнграб йиғлаб юборишидан қўрқиб,
оғзини рўмолнаси билан маҳкам бекитди. Аммо
шашқатор ёшлари юзини юваётган бўлса-да, поезд
кетган томондан кўзини узолмасди.

* * *

Мана, Азамат Мурод бошлигидаги етти ишчи
икки кундан бери йўл юрмоқда. Улар поезднинг
иккита пласкарт бўлинмасини банд қилишган. Ёши
сал каттароқ усталар пастки ўринларни эгаллашган.
Шулар қатори Мурод ҳам. Колганлар эса иккинчи
қаватда узала тушиб, бепоён Қозоғистон чўлларини
тomoша қилиб кетишяпти. Уларга фақат овқат вақ-
тидагина пастга тушишга ва иложи борича вагонда
бўлар-бўлмасга санқиб юрмасликка, пулни тежашга
кўрсатма берилган. Азамат бўлса ўз ҳурматини билиб
купе вагонда жойлашган. Кунига уч-тўрт марта поезд
ресторанидан овқатланади.

— Мурод, ука, — деди Йўлдош уста нонуштадан
сўнг. — Ўзингиз олдин у ёқларга борганмисиз? Қандай,
яхши жойларми ўзи?

Мурод қачондир шундай савол берилишини би-
ларди. Шунинг учун ҳам у ҳар доим иложи борича бу
саволдан қочишга интиларди. Аммо бу сафар уларга
нимадир дейиши керак. Бўлмаса, ишончни йўқотиб
кўйиши турган гап.

— Мен-ку у ерларда бўлмаганман. Аммо Азамат ака
кўп йиллардан бери ўша ёқларда ишлаб тирикчилик
қиласди. Мурод ишонч билан гапиаркан, усталарнинг
нигоҳидан кўзини олиб қочишга интилди.

— Ука, сиз ўзи Азamatни яхши биласизми? — сўради пакана бўйли уста.

Муродни бу савол эсанкиратиб қўйди. Очифи, у нима дейишга тили лол эди. Кечагина танишдим, деб ҳақиқатни айтса борми, ҳамма иш расво бўлади! Бу аниқ. Нима десам экан? Нима ёлғон тўқиса ҳақиқат деб ўйлашади? Ана шундай хаёллар унинг ҳаловатини ўғирлади.

— Ҳа, биламан, — деб юборди у охири нима бўлса бўлар, қабилида иш тутиб бир оз жимликдан сўнг.

— Унда яхши, — деди пакана уста хотиржам бўлиб.

— Бир неча марта бориб келган одам у ерларни пасту баландини яхши билади. Қийналмасак керак.

— Ҳа, тўғри. Лекин бир нарсани унутмаслигимиз керак, — деди Йўлдош устанинг юzlари ўзгариб.

— Нимани? — сўради хавотирга тушиб Мурод.

— Ишга тушганимиздан кейин, ўн-ўн беш кун ўтиб хўжайиндан аванс сўрашимиз керак.

— Нима, улар беради деб ўйлайсизми? — ишонқирамай сўради Мурод.

— Албатта беради. Биз ҳар доим шундай ишлаганимиз, — деди пакана уста Йўлдош устанинг гапини маъқуллаб.

— Ахир, бегона юртларда пулсиз юриб бўладими?

— деди Йўлдош уста вагон ойнасидан узоқларга тикиларкан.

— Майли, олдиндан аванс бўлса сўрармиз. Аввал борайлик, жойлашайлик. Кейин бир гап бўлар, — деди Мурод суҳбатни юмшатишга интилиб.

— Ҳамма ишни олдиндан келишиб қилганимиз яхши. Баъзилар четга ишга бориб бир мириям тополмай келяпти, деган гапларни кўп эшитганимиз,

— деди пакана уста чўрткесарлик билан. — Болачақамизни, иссиқ уйимизни ташлаб бегона жойларга бориб ишлагандан кейин, яхшироқ пул билан қайтсак дейман-да.

Гулчехра РАЗЗОКОВА

— Ҳа, тўғри айтасиз. У ёқларга ишга қетаётганлар катта пул илинжида боришияпи, — деди Йўлдош уста.

— Лекин улар орасида касал ётган ота-оналарини ҳам ташлаб, ишга кетиб, ҳатто уларнинг жанозасида қатнашолмаган фарзандлар ҳам бор дейишади. Бу жуда ачинарли ҳолат. Мана биз ҳам оиласиз ташвишларини аёлларимиз елкасига юклаб, ишга кетяпмиз. Шунга яраша дурустгина даромад билан қайтмасак, жуда уят бўлар-ов.

— Худо хоҳласа, ҳаммаси жойида бўлади. Ниятни яхши қилайлик, уста, — деди Мурод ҳам бир оз қизишишгандай бўлиб. — Ахир, мен ҳам, онамни, укаларимни ёлғиз ташлаб каттароқ пул топай деб кетаяпман-ку!

— Тўғри айтасиз, — деди Йўлдош уста масалага нуқта қўяркан. Бошқа усталар ҳам унинг гапига кўшилгандай бош ирғади.

Қўшни вагонда эса Азамат ўйчан ўтирас, кўзлари поёнсиз ястаниб ётган Қозоғистон чўлларига қадалган. Унинг хаёлларини гўё вагон тебраниши аллалаб бораётгандек эди.

Оллоҳ бераман деса, ҳеч гап эмас экан, ўйларди у. Фақат манави хум каллани ишлата билсанг бас. Пул ўзи оқиб келаверади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Мурод кутилмагандан унинг оёғи остидан чиқди. Ўзи югурди, ўзи одам топди. Ҳамма нарсани чайнаб Азаматнинг оғзига солиб қўйди. Энди у шу тайёр луқмани ютолса бас. “Ютаман! — Яна хаёлидан ўтказди Азамат ишонч билан. — Булар менга нима бўпти?” Ахир, у бундан ҳам катта бригадаларни чув туширган-ку! Тажрибаси бўлса бор. Нимадан кўрқади? Шу ерга келганда Азамат ўйланиб қолди. Уни хаёлига яrim йил илгари бўлиб ўтған воқеалар келди.

Азамат олдинги сафарида ўн нафар устани Россияга олиб бориб ишлатганди. Усталар катта бир

“Супермаркет” директорининг уйида икки ойча роса тер түкишди. Тўғри, директор келишилган ҳамма суммани бир тийинигача қолдирмасдан Азаматга санаб берди. Чунки Азамат бу ишни ўзи топиб, ўзи нарх-навосини келишган эди. Ҳатто у иш бошланмасдан олдин аванс деб, уч минг долларни директордан олиб банк орқали уйига, хотинининг номига жўнатиб юборганди. Бундан содда усталар тамомила хабарсиз эди. Мабодо билиб қолишса борми, катта жанжал кўтаришлари аниқ эди. Шунинг учун ҳам Азамат бу ғалванинг олдини олиб, ишчиларга “Директор пул масаласида фақат бир киши, у ҳам бўлса мен билан гаплашаркан. Бошқа ҳеч ким мендан пул сўраб кўзимга кўринмасин, деб тайинладилар”, деди. Албатта бу ёлғонни у шунчалик эҳтирос ва маҳорат билан айтдики, ҳатто ўзи ҳам ишониб кетди. Ниҳоят, иш тугаб қурилиш объекти топширилгач, Азамат директор билан келишилган суммадан қолган ўн етти минг долларни қуртдай санаб олди-да. чўнтағига урди, ишчиларга тарқатмади. Қандай бўлмасин, у шу пулни ишчиларга бермаслик пайига тушди. Уйлай-ўйлай бунинг осонгина йўлини топди. Ишчиларни йигиб, директор бор-йўғи ўн минг “кўкидан” берди. Агар кўнмасак бизни милицияга топшириб юбораркан. Паспортларимизни ҳам бермади. Энди нима қиласиз, деди. Аслида эса директор унга тушдан кейин иш жойимга ўтсанг, паспортларни сейфдан олиб бериб юборман деганди. Ҳақиқатан ҳам, иш бошланишидан олдин Азаматнинг ўзи усталарнинг шаҳарга чиқишимасин, қочиб кетишмасин, деб уларнинг паспортларини йигиб олиб, директорга бериб қўйганди. Азамат келтирган бу шум хабардан ишчилар ўртасида бақир-чақир бошланди. Олдинига оғзиларига келган сўзлар билан директорни ҳақорат қилишди. Азамат ҳам қараб турмай уларга қушилиб

бoloхонали сўкишлар қилди. Ахир, у индамай турса, бу ерда бир гап бор, деб ундан шубҳаланишлари ҳам мумкин эди-да. Узоқ баҳсдан кейин усталар чарчаб тинчиб қолишиди. Шунда Азамат “кўлларидан нимаям келарди, ўзга юртларда милицияга тушишни ким ҳам истарди”, – деб ўйларди.

Ҳа, бу ерда бирор нопокроқ милициянинг қўлига тушдингми, тамом. Каттароқ пул бермасанг, қўйиб юбормайди. Ўзининг ёки бирор қариндош-уруғининг уйига олиб бориб эзиб ишлатади. Ишламасанг, бир баҳона тўқиб қаматиб юбориши ҳам мумкин. Ахир, қонун улар тарафида бўлса. Сен бу ерларда ҳеч ким эмассан. Ҳар қандай инсоний ҳақ-хуқуқлардан маҳрум одамсан. Улар учун ўлжасан, кулсан, вассалом. Бу аччиқ ҳақиқатни усталар яхши билишарди. Чунки то бу ерга етиб келгунча уларни бир неча бор милиция ходимлари тўхтатиб, қаттиқ савол-жавобга тутишганди. Бундан ҳам ёмон бўлиши мумкинлигини улар ўшандаёқ тушуниб етишганди. Негаки, ватанингдан узоқларда, мусофир ўлкаларда ҳеч кимга арзингни айттолмаслигингни, ноҳақ уриб хўрласалар, қулдек азоб берсалар ҳам улар ҳақу, сен ноҳақ бўлиб қолаверишингни, ҳатто ўлдириб юборишса ҳам, сени бирор сўрамаслигини яхши ҳис қилишарди. Шунинг учун улар Азаматнинг ёлғонига ишонишиди. Ноиложликдан бу кўнгилсиз шартларга рози бўлишиди. Бошқа чоралари йўқ эди. Уша ўн мингни ўртага ташлаб, бўлишидию, тақдирларига тан бериб кетишаверди. Азамат эса бу иш худди “хамирдан қил суғургандай” осонликча ҳал бўлганидан чексиз хурсанд эди. Аммо сир бой бермади. Тушдан кейин у дўконга ўтди. Директор паспортларни Азаматга бераркан нимадир демоқчи бўлгандай уни ўтиришга таклиф қилди.

– Сизларга янги иш бор. Укамга худди меникидай

уй қуриб берасизлар. Пулидан хавотир олманлар. Қанча сўрасанглар, у тўлайди, — деди жиддий оҳангда.

Очиғи, Азамат бундай таклифни кутмаганлигидан эсанкираб қолди. Сўнг ўзини қўлга олди.

— Майли, қуриб берамиз. Фақат уйимизга бориб келишимиз керак. Хотин, бола-чақа дегандай, ўзингиз тушунасиз. Бу ёғига совуқ тушиб қолди. Ишни баҳорда бошлаймиз, — деди Азамат директорнинг раъйини қайтармай.

— Яхши. Унда тезроқ бориб келинглар. Укамга айтаман, кутади, — деб директор гапини қисқа қилди.

— Раҳмат. Сизга малол келмаса бир илтимосим бор эди...

— Марҳамат, айтавер! — деди директор.

— Ўша уйни ҳам сиз билан савдолашиб, иш ҳақимизни сизнинг ўзингиздан олсак бўладими?

— Албатта. Бирибир укам бу ерда эмас. Чет элда яшайди. У катта бизнесмен. Бу ерларга келишга вақти ҳам йўқ. — Директор иш ҳал дегандек масалага нуқта қўйиб ўрнидан турди.

— Жуда яхши. Кечроқ ҳайдовчингизни жўнатсангиз дарвозанинг қалитини бериб кетардим.

— Келишдик. Сизларга оқ йўл. Баҳорда кутаман, — деб директор Азамат билан қўл бериб хайрлашди.

Азамат унинг офисидан чиқаркан, ўзида йўқ хурсанд эди. Чунки у ўзининг ақл-заковати туфайли мўмайгина пул ишлаб олганди. Бунинг устига уй қурдирман деган янги мижозлар ҳам орттириди. Насиб бўлса, иши шундай кетаверса, тезда бойиб кетади. Ҳа, охирги ишидан унинг ўзи ҳам мамнун эди. Иморатмисан иморат бўлди-да, ўзи. Атрофдаги бошқа бойваччалар ҳам бу қасрдай қурилган уйга ҳавас қилишиб буюртмалар беришга тайёр эдилар. Шундай қилиб, Азаматнинг “шарофати” билан чув тушган усталар шўр пешоналарини артиб, тўрт ойлик азобли ишлардан сўнг арзимаган пул билан

үйларига қайтишди. Қиши ўтиб совуқ кунлар ортда қолди. Азамат учун Россияга кетиш вақти тобора яқинлашарди. Шунинг учун ҳам у тиним билмай четда ишлашни хоҳловчи содда одамларни изларди. Шундайларни топди ҳам. Кейинги маҳаллада бир йилдан бери бир бойвачча қурдираётган мисоли қасрдек осмонўпар уй битказилаётган эди. Азамат шу объектга бориб усталарни четдан кузатди. Қараса, бинойидек қўлидан иш келадиган, энг асосийси, соддадил, ишонувчан йигитлар эканлигини сезди. Алдаб-авраса, балки кетишга кўндирарман, деб ўйлади у. Шундай ҳам қилди. Уларнинг ишончига кирди. Бор маҳоратини ишга солиб ёлғон-яшиқлар тўқиб, жуда катта маошлар ваъда қилиб, ўзи билан кетишга кўндириди. Йўлга чиқишдан олдин эса “Супермаркет” директорига сим қоқиб, поезд вокзалига чиқиб кутиб туришларини илтимос қилди. Шундай ҳам бўлди. Ҳавф-хатарсиз манзилларига етишди. Борган заҳоти Азамат ишчиларнинг паспортларини рўйхатга қўямиз деган баҳона билан йиғишириб олди-да, одатдагидек директорга топшириб қўйди. Ахир, паспортсиз бирортаси бу ердан кетолмаслигини у яхши биларди. Кунлар ўтиб қурилиш обьекти якунланди. Бу сафар ҳам Азаматнинг ҳийласи иш бериб, усталарничув туширди.

— Бир амаллаб паспортларни қўлга киритиш керак. Кейин тезроқ бу шаҳардан қочиш керак. Бўлмаса директор бизни милицияга топшириб юборади,

— деди Азамат усталарнинг юрагига фулғула солиб.

— Агар қўлга тушсак, тамом деяверинг. Бир йилга қамалиб кетамиз-а. Бунақасини кўп кўрганман. Бу ердаги одамлардан ҳамма нарсани кутиш мумкин. Ўлдириб юборишдан ҳам тойишмайди.

Бунақа гапларни кутмаган содда ишчилар саросимада қолишли. Нима бўлсаям Азаматдан пас-

портларини олиб беришини сўрашди. Азаматга ҳам шу гап керак эди. Хуллас, бу иш ҳам осонгина битди. Ўшанда Азамат “Супермаркет” директори билан хайрлашаётганда, у Максим деган одамнинг телефон рақамини Азаматга бериб, “Мана бу Максим деган яқин танишимнинг телефони. У сен билан учрашмоқчи. Зарур гапи бор экан. Кетишингдан олдин бир гаплашиб кўр”, деганди. Азамат унинг ёнидан чиқиб кетаркан, қабулхонадаги телефонни кўриб, “Ишни чўзиб ўтираманми, бир гаплашай-чи”, деб Максимга телефон қилди. Белгиланган жойда улар учрашишди. Максимнинг таклифи Азаматга жуда маъкул келди. Шунга кўра, Азамат усталар топиб бу ерга олиб келиб Максимга топшириши, Максим эса ҳар бир ишчи учун унга минг доллардан пул беришига келишишди. Ахир, Азамат шундай қилса, бели оғриб лой кўттармайди. Қурилиш объекти қачон тугайди-ю, қачон пул оламан, деб юрмайди. Керак бўлса, ҳар ойда бир марта топиб келиб Максимга беради-ю, ундан қуруфини санаб олиб уйига қайтиб кетаверади. Қолгани билан иши йўқ. Келган ишчилар бу ерларда нима иш қиласди, қанча соат ишлаб, қанча пул топишади, нима еб-ичади, у ёғи Азаматни қизиқтирмайди. Бунинг нимаси ёмон экан? Айни кўнгилдаги иш-ку! Азамат ўшанда, ана шу ширин хаёллар билан уйига қайтганди. Бу ишнинг сердаромадлигини айтиб опалари Дилбар ва унинг дугонаси Моҳирани ҳам ўзига шерик қилганди. Гўёки оилавий бизнес тузиб, топганлари ўртада эди.

Мана, бу сафар ҳам Азаматнинг омади чопяпти. Дилбар ва Моҳира унга Муродни рўбарў қилди. Насиб бўлса, ҳаммаси зўр бўлади, катта даромад билан қайтаман, хаёлидан ўтказди у. Лекин Азамат учун бир масала ҳали мавхум эди. Уларни вокзалда кутиб олишармикан?! Ахир, бу сафарги буюртмачи билан ҳеч қачон иш қилмаган-ку. Қолаверса, Максим билан

фақатгина телефон орқали гаплашган, холос. Оғзаки келишиб олишганди. Мабодо Максим ваъдасида турмаса-чи? Унда нима қилади? Бу усталарга қаердан иш топади? “Нима бўлса бўлар! Таваккал қиласман”, – деди Азамат ўзига ўзи. Сўнг балки ҳаммаси яхши бўлар, деб Максимга қачон йўлга чиқишлирини ва қайси соатда етиб боришлирини телефон қилиб айтганди. Максим эса хавотир олма, ўзим вокзалга чиқаман деганди. Мабодо ҳеч ким кутишга чиқмаса-чи? Вокзалнинг ўзидаёқ милициянинг қўлига тушиб қолишса-чи? Унда аҳволлари нима бўлишини Азамат яхши билади. Бу ерларнинг милициясини алдаб узоққа бориб бўлмайди. Нопокроғи учраса майли-ку-я, пул билан қутулиб кетса бўлади. Аммо пора олмайдиганлари чатоқ. Гап-сўзсиз авахтага тиқишлири ҳам мумкин. Шуларни ўйлаб унинг юраги сиқилди. Балки ҳаммаси жойида бўлар. Максим бир сўзли одамдир. Ўзи чиқолмаса, албатта, вокзалга одам чиқарар. Қарама-қарши хаёллар исканжасида қолган Азамат йигитлар билан қош қорайганда айтилган манзилга етиб келди. Поезддан тушиб перронда бир оз кутиб қолиши. Аммо уларни ҳеч ким кутиб олишга чиқмади. Энди нима қиласман? Бирор кор-ҳол бўлмасдан тезроқ бу ердан кетиш керак, хаёлидан ўтказди у. Аммо кечикди. Шу пайт қаердандир тўртта давангирдек милиционер пайдо бўлиб йўллирини тўсди. Йигитларга паспортларини кўрсатишни талаб қилди. Улар қўрққанидан тезда ҳужжатларини йифиб беришли.

– Рус тилини биласанларми? – сўради милиционерларнинг капитани.

Йигитлар “ҳа, биламиз” дегандек бош чайқашди.

– Жуда яхши. Унда бошлиқларинг ким?

Йигитлар Азаматга қаражади.

– Ҳа, сенмисан буларнинг каттаси? Нега ин-

дамайсан. Қани айт, бизнинг шаҳарга нега келдиларинг? Қаерга бораяпсанлар? Гапир!

Азамат ортиқ жим туролмасди. Шерикларидан хижолат тортиб бир қадам олдинга чиқди.

— Командир, сизлар билан холи гаплашиб олсам бўладими? — у дадиллик билан ўзини қўлга олишга ҳаракат қилди. Капитан ҳам бу таклифга қаршилик қилмади. Азамат “қани, юринг” дегандек уни четга имлади.

— Сизлар ҳов анави одамни текширинглар, — деб буюрди капитан ходимларига нарироқда жомадонини зўрға судраб кетаётган қора сочли новча йигитни кўрсатиб. Сўнг у Азамат билан ишчилардан нарироқ кетишиди.

Азамат бунаقا пайтда улар билан қандай гаплашишни яхши биларди. Чунки у бир-икки марта бу ернинг милиционерларига дуч келиб, вазиятдан чиқиб кетганди. Энг асосийси, ишонч билан гапирса бўлди. Бу сафар ҳам шаҳарнинг баобрў одамларидан бири, “супермаркент” директорининг номини айтса, балки қўйиб юборар. У ҳам бўлмаса, пул таклиф қилади. Азамат шуларни ўйлаб дарров мақсадга ўтди.

— Командир, шаҳар марказидаги “супермаркет” директорини танисангиз керак. Биз унинг уйига ишлагани кетаяпмиз, — деди у дадиллик билан.

— Ростданми? Сен уни қаердан биласан? — сўради капитан ишонқирамай.

— Биз олдинги сафар ҳам уницида ишлаганмиз. Чет элда яшайдиган укаси бор. Унга ҳам уй қуриб берганмиз. Уларни бу шаҳарда ҳамма яхши билади. Ишонмасангиз телефон рақамини бераман. Ўзингиз гаплашинг! Бизни кутиб олишга одам юбориши керак эди, — деди яна Азамат бўш келмай.

— Шунақами? Майли, ҳаммасини аниқлаймиз.

Гулчехра РАЗЗОКОВА

Керак бўлса, телефон ҳам қиламиз, – деди капитан Азаматнинг сўзларига ишонмай қатъиятлик билан.

– Командир, гапим рост, ишонаверинг? Мен ҳозир сизга унинг телефон рақамини бераман, – деди да Азамат ортга ўгирилиб шошилганча ишчиларнинг олдига келди. – Иш чатоқ йигитлар, уч юз “кўки”дан сўраяпти. Бермасак, бир ой текинга ишлашга мажбур қиласкан! Сизлар саккиз киши, менга икки юз доллар йифиб беринглар. Қолган юз долларни ўзим қўшаман, – деди шоша-пиша ердаги сумкасини титкилаб ён дафтарчасини оларкан.

Мурод ва бошқа йигитлар гангиб қолишиди. Умрларида илк бора ўзга юрга чиқиб, биринчи қадамлариданоқ шундай кўнгилсизликларга дуч келамиз, деб улар сира ўйлашмаган эди. Муроднинг кўнгли фашланди. Ўзи кўрмаган, ўзи билмаган жойларни мақтаб, усталарни кўндирганидан хижолат тортиб кетди. Атрофидаги йигитларнинг кўзига тик қаролмай, ўзини айбордек ҳис қила бошлади. Биринчи қилган хатоси Азаматга ишонгани бўлди. Бу нокас вокзалда кутиб олади, деганди. Ҳеч ким уларни кутмади-ку! Энди нима қиласди. Барча усталарнинг хаёли айқаш-уйқаш бўлиб кетганди. Бирон марта ҳам милицияга иши тушмаганлигидан улар шу лаҳзада бутунлай эсанкираб қолишган эдилар.

– Қани бўлинглар, нега қараб турибсизлар?! Пулларингни чиқаринглар. Улар айтганини олмаса, барабир қўйиб юборишмайди, – деди Азамат.

Йигитлар ноилож қолиб тезда айтилган суммани йифиб Азаматнинг қўлига беришиди. У пулни олиб нарироқда турган капитан томон кетаркан, йўл-йўлакай икки юз долларни чўнтакка тиқди.

– Командир, “супермаркет”нинг директорини телефони мана. Ҷемалол сўрашингиз мумкин. Эртагаёқ у кишининг ўзи, паспортларимизни рўйхатдан ўт-

казади, — деди Азамат ишонч билан капитанга ён дафтарчасидаги рақамларни күрсатаркан.

— Тушунарли, — деди капитан унга янада синчковлик билан.

— Илтимос, ҳозир телефон қилинг, ҳақлигимга ишонасиз. Ахир, ўзингиз биласиз-ку, бу ёқларга келадиган одамлар бола-чақаларини ташлаб, фақат ишга келишади. Кўча-кўйда санғишига эмас, — деди Азамат бор ҳақиқатни айтиётгандай ялиниш оҳангига.

Капитан бир лаҳза хомуш турган ишчиларга қараб, нималарнидир ўйлаб қолди-да, сўнг хаёлини жамлаб Азаматга юзланди.

— Хўп, майли. Ишонтирдинг. Тезроқ кетинглар бу ердан, — деб, унга паспортларни қайтариб бердида, ўзи нарироқдаги киши билан баҳслашаётган ходимлари томон юрди. Азамат хурсанд бўлиб кетди. Оллоҳ бераман деса, ҳеч гап эмас экан. Милициядан ҳам кутулдим, баҳонада икки юз доллар ҳам ишлаб олдим, ўйлади у. Бу соддаларга нима десанг ҳам ишонишар экан. Айни муддао.

Ҳақиқатан ҳам шундай эди. Ҳали олдиндаги жирканч ниятларини амалга ошириш учун Азаматга ана шундай лақмалар керак эди. Чунки катта даромад орттириш йўлида унга мана шундай очиқкўнгил, софдил одамлар осонгина қурбон бўлади. Азамат беихтиёр шуларни ўйларкан, йигитларга қараб мийифида кулиб қўйди.

— Йигитлар, бу ердан тезроқ кетайлик, бўлинглар! — буюрди Азамат сумкасини елкасига осаркан хурсанд ҳолатда. Улар вокзалдан чиқиб автобусга ўтириши. Каёққа кетишаётганини Азаматдан бўлак ҳеч ким билмасди. Қайсиdir бекатда тушиши. Оқшом бўлганидан кўчада одам сийраклашиб қолган. Азамат йигитларга “Шу ерда туинглар”. дели-да нарироқда

Гулчехра РАЗЗОКОВА

чироқлари ёниб турган почта бўлимига кириб кетди. Ташқарида қолган йигитлар Муродга ёв қараваш қила бошлашди. Тўғри-да, уларни ишлаб турган иссиқ жойларидан ким қўзғатди, Мурод эмасми?

— Бу ёғи неча пулдан тушди, ука, — писанда қилди пакана уста. — Шунақа қилиб юраверамизми?

— Кеч бўлиб қолди. Қаерда тутаймиз? — деди яна бошқаси.

— Тўғрисини айт, иш тайинми ўзи? — хавотирда сўради Йўлдош уста.

Мурод бу саволларнинг қайси бирига жавоб беришни билмасди. Чунки у усталарнинг олдида тили қисиқ одамдек бўлиб қолганди. Ортиқ чидолмади.

— Азамат ака иш тайин, гаплашиб қўйганман деганди, — деди Мурод ҳорғинлик билан. — Хавотирланманглар, ҳаммаси яхши бўлади.

— Бир-икки кунда ишга тушмасак, бўлмайди. Ебичиши деган гаплар бор, — деди пакана уста.

— Ҳа, гапингиз тўғри. Насиб бўлса, ишлаб чарчаймиз ҳали, — Мурод пакана устанинг гапини маъкуллагандай бўлди.

Шу пайт почта томондан Азаматнинг қораси кўринди. У хурсанд эди.

— Нима гап, тинчликми? — сўради Мурод бетоқат бўлиб.

— Ҳеч гап йўқ, ҳаммаси жойида. Бизга керак одамни телефонда топдим. Гаплашдим. Ҳозир машинада келиб бизни олиб кетади, — деди Азамат елкасидан тоғ ағдарилигандай.

Усталарнинг юрагида умид учқунлари уйғониб, анчадан бери тунд бўлган юзлари ёришли. Мурод ҳам енгил нафас олиб “Мана айтгандим-ку сизларга, ҳаммаси яхши бўлади”, дегандай атрофидагиларга бошқача қараваш қилди. Ҳақиқатан ҳам, орадан кўп ўтмай “Газель” автомашинаси уларнинг ёнгинасига

келиб тўхтади. Ундан ўттиз беш-қирқ ёшлар атрофидаги қотмадан келган, новча бўйли Максим тушиб келди. Йигитлар билан саломлашгач, уларнинг ҳар бирига синчковлик билан қараб чиқдида, Азаматни четга тортиб ниманидир шивирлаб гаплашиб олишди...

— Қани, машинага чиқинглар! — буюрди Максим.

Йигитлар бирин-кетин машинага ўтиришди. Чамаси, ярим соат йўл юрганларидан кейин шаҳар ортда қолди. Мурод ойнадан қараб кетар экан, унинг хаёлидан “Демак, шаҳардан ташқарида ишлар эканмиз-да”, деган фикр ўтди. Ёнида ўтирган усталарга қаради. Аммо салонда чироқ ўчирилгани учун уларнинг юзларини аниқ кўролмади. Балки улар ҳам “Бу ёғи нима бўларкин, худойим тақдиримизга нималар ёзган экан” деб, яхши ниятлар қилиб кетаётган бўлса, ажаб эмас. Ахир, улар энди уйларидан минглаб километр олисда бўлишса, бундан бошқа ниманиям ўйларди. Мурод ҳам шу лаҳзаларда мусофирчиликда одамзод ҳар қандай вазиятларга дуч келишини ва бошга тушган қийинчиликларни енгиб ўтиш учун, аввало, сабр-тоқат ва кучли ирода кераклигини қалбдан ҳис этиб борарди. Орадан бир соатча вақт ўтди. Катта асфальт йўлда ўқдай учиб кетаётган “Газел” ўнгга қайрилиб, қандайдир тор кўчадан ўрмонзор томон бурилди. Ярим соатлардан сўнг, машина қурилиши якунланмаган катта бир қўрғон дарвозаси олдига келиб тўхтади.

— Етиб кедик, тушинглар, — деди Максим йигитларга.

Йигитлар юкларини олиб машинадан тушишди. Максим дарвозани очиб уларни ичкарига бошлади. Машина чироги қўрғон ичкарисини ёритиб турди. Қоронгида бино ҳаддан ташқари ваҳимали кўринарди.

— Мана шу вагончаларда яшайсизлар, — деди

Максим нарироқда турган иккита қурилиш вагон-часини күрсатиб. — Ичкарида ҳамма нарса бор. Қозон-говоқ, күрпа-түшак. Эртага бозорлик қилиб келаман, овқатни ўзингиз тайёрлайсиз. Дарвозадан ташқарига чиқиш йўқ. Тушунарлимни?

Мурод усталарга қаради. Улар тушундик дегандек бош ирғашди. Очифи, бундан бошқа иложлари ҳам йўқ эди.

— Бугун дам олинглар, эртага иш бошлайсизлар, — деди Максим қатъиятлик билан. Шу пайт давангирдай ҳайдовчи қандайдир целлофан пакетларни келтириб ерга қўйди.

— Айтгандай, мана бу сизларга овқат. Бугунга етади. Энди сен йигитлардан паспортларни йифиб ол! — буюрди Максим Азаматга. — Эртага милицияга олиб бориб рўйхатга қўйиш керак.

Унинг бу сўзларига ҳеч ким эътиroz билдирамади. Мурод ҳам. Чунки бу ерларнинг қонун-қоидаларини улар қаёқдан билсин, ахир. Бир зумда ҳужжатларини тўплаб Максимга топширишди.

— Азамат! Сен мен билан кетасан, — деди Максим дарвоза томон юраркан. Азамат унга эргашди. Бирордан сўнг машина ортга қайрилиб, қўрғон зимистон ичида қолди.

— Биринчи ишинг ёмон эмас, — деди Максим машинада кетишар экан хурсанд ҳолатда. — Бизга кўпроқ одамлар керак. Бу кам, тушундингми?

— Пулинни тўласангиз бўлди. У ёғидан хавотирланманг, — деди Азамат ҳам бўш келмай. — Ишончли одамларим бор. Нечта десангиз шунча ишчи йифиб беришади.

— Яхши. Бугун сени меҳмон қиласман. Эртага Ўзбекистонингга жўнайсан. Менга яна элликтacha одам керак бўлади.

Азамат бу сўзни эшитиб ўнғайсизланади. Қулоқларига ишонмади. Наҳотки, эшитгани рост бўлса.

Ахир, элликта ишчи қирқ минг доллар дегани-ку! Омад келса ҳеч гап әмас әкан. Азамат яқин күнларда шунча пулга эга бўлишини ўйлади-ю, ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди. Қувонганидан бақириб юборгиси келди-ю, аммо ўзини тутиб қолди. Бу орада Максим чўнтагини кавлаб бир пачка доллар чиқариб санади. Сўнг унга узатди.

— Мана бу сени ҳаққинг, беш минг олти юз.

Пулни кўрган Азаматнинг кўзлари ўйнаб кетди. Уни олиб чўнтағига соларкан, бу ишга янада ишончи ортиб, дадиллашади. Пулнинг кучиданми, илҳомланиб, унинг гаплари энди бурро-бурро, ишончли чиқа бошлади.

— Қанча одам керак бўлса, топамиз-у, лекин уларни бирданига олиб келолмайман. Гуруҳ катта бўлиб кетса кўзга ташланиб қолади.

Азаматнинг гапида жон бор, деб ўйлади Максим. Бу шаҳарда тўда-тўда бўлиб юришнинг ўзи бўлмайди. Ҳамманинг эътиборини тортмай бу ишни силлиққина, ими-жимида қилган маъқул.

— Майли, ўзинг биласан. Кам-камдан бўлсаям, тезроқ олиб келавер, — деди Максим бир оз ўйлангандай бўлиб.

— Шунча одамни қандай ишлатасиз, қурилиш объектларингиз етарлимни?

— Ҳозир ёз ойи. Қурилиши тугамаган чала объектлар қалашиб ётибди. Ишчи сўраган буюртмачилярим навбат кутиб туришипти, хомкалла. Ўзимдан ортганини уларга сотаман.

— Шунақами?

— Бўпти, кўп савол берма. Пулингни олдингми, бас. Нима қилсам бу менинг ишим. У ёғини суриштирма!

— эътиroz билдириди Максим.

— Яхши, — деди Азамат юзини қоп-қоронги ўрмон томон буаркан.

Бир оздан кейин “Газел” ўрмонзорнинг тор йўли-

дан асфальтли катта йўлга чиқди-да, тезликни ошириди. Улар шаҳар томонга ошиқишар эди. Олдинда эса икки ҳамкорни шовқин-суронли тунги ресторон кутаётганди. Ахир, биринчи ишни ювмай бўладими?..

* * *

Максим билан Азамат кетгандан кейин ваҳимали қўрғон кеч тушгач зимистонга айланди. Усталар гугурт ёқишиб вагончаларга кирдилар. Ҳамма ёқ ивирсираган, қачонлардир пиширилган овқат қолдиқларининг бадбўй ҳиди димофни ачитади. Нарироқда эса, авра-астари титилиб кетган ётоқ кўрпалари ётарди. Қўланса ҳиддан улар бу ерда тонг оттириш амри маҳоллигини тушунишди. Йиккинчи вагончада ҳам аҳвол шу эди. У ерда ҳам ҳамма нарса алғов-далғов бўлиб ётарди. Яшаш учун оддийгина шароитнинг ўзи, йўқ. Хуллас, иш Мурод ўйлаганидек бошланмади. Ўзи ҳам, ёнидаги усталар ҳам бу ерлардаги шароитни бошқача тасаввур қилишган эдилар.

— Бугун бир амаллаб тонг оттирайлик, эртага хўжайнин келади. Ҳаммасини ўзига кўрсатиб, гаплашиб оламиз, — деди Мурод усталарни тинчлантириб.

— Ҳа, бошқа чорамиз ҳам йўқ, — унинг гапини тасдиқлагандай бўлиб Йўлдош уста чуқур уф тортди.

— Бу ердаги қурилиш объекти жуда каттага ўхшайди. Иш ҳажми анча-мунча. Олдиндан савдолашиб, кейин иш бошлаганимиз маъқул, — деди пакана уста.

— Мени бошқа нарса ўйлантиряпти, — Йўлдош уста қоронфида ваҳимали қўринаётган қўрғонга қарди.

— Нима гап, тинчликми? — сўради Мурод хавотирга тушиб.

— Одатда чала қолган қурилишнинг хосияти яхши

бўлмайди. Бу ерда ҳам олдин кимлардир ишлаган. Нега улар ишини битирмай ташлаб кетишган? Мана шу жумбоқ, – деди Йўлдош уста ўйчанлик билан.

– Ҳа, тўғри, – деди пакана уста. – Бу ерда бир гап бор.

Усталарни чуқур ўй босди. Бири ундей, бири бундай деб баҳслашдилар. Охири ҳаммаси эртага хўжайн келгандан кейин маълум бўлишини англаб, тинчиб қолишиди. Усталар шу кеча бир амаллаб тонг оттиришиди. Эрталаб уларнинг қархисида ҳақиқатан ҳам ўттиз-қирқ сотих келадиган майдонда қасрдек бўй ростлаётган, усти ёпилмаган уч қаватли бино турарди. Унинг атрофи эса баландлиги тўрт-беш метрга етадиган девор билан ўралган эди. Усталар курилиш обьектини ташқи ва ички томондан диққат билан кўздан кечирдилар. Иш ҳажми жуда катталигини англашиб, ўйланиб қолишиди. Ахир, саккиз киши эртаю кеч тиним билмай ишласа ҳам, бу бинони қишгача битириб бўлмаслиги аниқ. Шунинг учун ҳам хўжайн келса, қўшимча ишчилар зарурлигини албатта айтиш керак, деган хулосага келишиди. Вақт эрталаб саккизлардан ошиб Максим ва яна бир давангирдай йигит дарвозадан кириб келишиди. Максим бундан кейин “объект”га шу йигит жавобгарлигини ва ҳар қандай савол-жавоблар у орқали ҳал қилинишини айтди. Усталар Азаматни сўрашганди, Максим у қўшимча ишчилар олиб келиш учун Тошкентга қайтиб кетганини маълум қилди. Бу жавобдан усталар қониқди шекилли, қайта Азаматни сўрашмади. Йўлдош уста Максимдан вагончалардаги шароитни яхшилаб беришни сўради. Максим бу муаммони ҳам тезда ҳал қилишини билдириди. Гап асосий масалага етиб келганди. Шу боис ҳам йигитлар Йўлдош устага қарашди. У ишчилар нима истаётганини дарров тушунди.

Гулчехра РАЗЗОКОВА

— Энди иш ҳақларимизни келишиб олсак, — деди Йўлдош уста Максимга. — Ойига қанча тўлайсизлар?

— Ўзингиз қанча сўрайсиз, тортинимай айтинг-чи?

— деди Максим Йўлдош устанинг фикрини билишга интилиб. Бу гапни усталар кутишмаганди. Ҳайрон бўлиб бир-бирларига қараб олиши.

— Бизга қанча кўп бўлса шунча яхши-да, — деди Йўлдош уста.

— Очиқроқ гапиринг, қанча истайсиз? — жиддий сўради Максим.

Устанинг хаёлига “Катта сўрасанг катта оласан”, деган фикр келди.

— Ойлигимиз еб-ичишдан ташқари катта усталарга бир минг икки юздан, кичик усталарга эса минг доллардан кам бўлмаслиги керак, — деди Йўлдош уста ишонч билан.

— Шунақами? — деди Максим усталарга маънодор қааркан.

Йўлдош уста кўп айтиб юбордим-ов, деб хижолат торта бошлади. Натижа эса бунинг акси бўлиб чиқди.

— Мен сизларга бошқа нарх таклиф қилмоқчиман. Яхши ишласангиз катта усталарга бир минг беш юздан, кичик усталарга бир минг икки юз доллардан тўлайман, — деди Максим жиддий оҳангда.

Бу гапни кутмаган усталар, бир-бирларига ишон-қирамай қараб олиши.

— Гапингиз ростми? — сўради пакана уста ҳайрон бўлганлигини Максимдан яшиrolмай.

— Бизда гап битта бўлади, — деди Максим юzlари жиддийлашиб йигитларга қааркан. — Фақат зўр ишлашларингга тўғри келади.

— Хавотир олманг, биз бу ерга ишлаш учун, пул топиш учун келганмиз, ўйнагани эмас, — деди Йўлдош уста.

— Ундей бўлса, келишдик. Қани ишга! — деди буйруқона оҳангда Максим.

Усталар хурсанд тарқалиши. Уларнинг ҳар бири энди оладиган маошларини сарҳисоб қилишарди. Ахир, таклиф қилинаётган пул, уларнинг мўлжалларидан ҳам анча кўпроқ эди-да.

Шу кундан бошлаб усталар жўшқин меҳнатга шўнғидилар. Ҳеч ким уларга палон соатда туриб палон соатгача ишланглар, демади. Ҳамма ўз ишини ўзи билиб қилиб кетаверди. Кўтаринки кайфият иш унумини кун сайин ошириб борарди. Гоҳ-гоҳида беғараз ҳазиллар ҳам усталарга лаззат бағишларди. Муродга ҳам энди улар бошқача кўз билан қарашарди. Ахир, у бўлмаганида бўндай сердаромад иш қайда эди? У туфайли мўмай даромад билан уйга қайтишларини ҳамма билади. Шу боис ҳам, усталар Муроднинг ҳурматини иложи борича жойига қўярди. Албатта, бундай ҳурмат-эҳтиромлар кимга ёқмайди, дейсиз? Ҳаш-паш дегунча бир ой ҳам охирлай бошлади. Шу вақт мобайнида усталарнинг иши анча кўриниб қолди. Кўпгина жойларда Муроднинг архитекторлиги қўл келди. Ҳудди шу ерда у ўз билимларини амалиёт билан боғлади. Ҳатто Йўлдош устадай тажрибали инсон ҳам баъзида ундан маслаҳат сўрайдиган бўлиб қолди. Ой якунланиб, ҳамма ўз маошларини кута бошладилар. Бироқ Максимдан дарак йўқ эди. Шунда улар қурилишга бошлиқ деб, Максим ташлаб кетган йигит билан гаплашиши.

— Хавотир олманглар, у бошқа қурилишларимизда банд. Албатта, келади. Ишни тўхтатманглар! — деди ишонч билан иш бошқарувчи.

Усталар бир ойдан ўтса-да, ишни сусайтиришмади. Аксинча кўтаринки кайфиятда ишлашиб, бинонинг бир қисмини ниҳоясига етказай деб қолиши. Шундай кунларнинг бирида Максим келди. У объектдаги

иш жараёнини диққат билан кузатар экан, бино ташқарисида шувоқ ураётган йигитларнинг ишидан қониқиши ҳосил қилди шекилли, юзида мамнунлик пайдо бўлди. Сўнг нарирокда тахталар устида шоҳона тушакларда хуррак отиб ётган қурилиш бошлиғига қаради.

— Кундузи уйқуга тўйиб, кечаси нима қиларкин-а бу хумпар, — деди Максим жаҳли чиққандай бўлиб. Сўнг уни бир тепиб уйғотмоқчи бўлди-ю, ўзини босди ва қурилиш майдони тарафга қараб юрди. Бино ичкарисига кириб атрофни кузатди ва берилиб ишлаётган Йўлдош устанинг ёнига борди.

— Жуда яхши. Иш анча унумли бўлибди. Йигитларингиз ёмон ишлашмабди. Сизларга, гап йўқ, — деди Максим Йўлдош устага мамнунлигини яширмай.

— Ҳаракат қиляпмиз. Ахир, айтувдим-ку биз бу ерга ишлагани, пул топгани келганмиз деб, — деди Йўлдош уста қилаётган ишини якунларкан.

— Ҳа, кўряпман. Сизлардан хурсандман.

Йўлдош уста у ер-бу ерини қоқиб, Максимнинг олдига келди.

— Агар яна бир-иккита бригада бўлганида эди, қишгача бу объектни топширасидик, — деди уста атрофга назар ташлаб қилиниши керак бўлган ишларни чамалаб.

— Шунаками? — ҳайрон бўлди Максим.

— Ҳаммаси ишлашга боғлиқ. Усталар яхши пул олишса, иш унумли кетаверади, — деди уста ишонч билан.

— Гапингиз тўғри. Эртага Азамат яна одам олиб келяпти. Уларни шу объектга ташлайман.

— Зўр бўларди. Биз бу ёқдан, улар бинонинг нариги томонидан тушишарди. Қарабсизки, қишгача саройдай бу уйингиз тайёр-да, — деди уста илҳоми жўшиб. — Айтгандай, иш бошлаганимизга бир ойдан ошди.

— Биламан. Шу муносабат билан кечқурун зиёфат бераман. Гаплашиб оламиз. Ҳозир шаҳарга тушишим керак.

— Жуда яхши. Ундаи бўлса, йигитлар ўзбекча ош дамлайди. Мазаси оғзингизда қолади. Фақат масаллиқларини ҳозир ёзиб бераман. Шаҳардан олиб келсангиз.

Йўлдош уста қофозга нималарнидир ёзиб унга берди. Максим кетди.

Кечқурунги зиёфат ҳақидаги хабар бир зумда ҳамма усталарнинг қулоғига етди. Улар ўзларида йўқ хурсанд эдилар. Айниқса, паловхон тўранинг хабари ўзгача эди. Ахир, ош емаганларигаям беш-олти ҳафта бўлган эди-да.

Кутилган вақт келди. Зиёфатда Максимнинг хотамтойлиги тутиб қимматбаҳо рус ароғидан тортиб, немис пивосигача дастурхонга тортди. Мазаси оғизда қоладиган паловни еб кўрган Максим ўзбекларга тан бериб юборди. Албатта, бу базму жамшиддан ҳамманинг бир оз кайфи таранглашди. Кеча якунида усталар ойлик маошлар тарқатилиди, деб ўйлашганди. Аммо ундаи бўлмади.

— Йигитлар, мен олдинроқ сизларга пулларингни бёришим керак эди. Пул тайёр, эртага десанглар, эртагаёқ бераман, — деди Максим ишонч билан.

— Лекин, бу ўрмонзор ичида пулларингни қаерга қўясиزلар? Ахир, катта пулни бу ерда сақлаб бўларканми? Ўйлаб кўринглар! Бер десанглар, бераман. Менга фарқи йўқ.

Усталар масаланинг бу ёгини ўйлашмаганди. Бир зумда кайфлари тарқаб ўзаро маслаҳат қилган бўлишиди. Бирор жўяли холосага келишмади. Шунда Максим ўз таклифини киритди:

— Бўлмаса, гап бундай. Эртага Азамат бу ерга одам олиб келяпти. Икки-уч кундан кейин у Тошкентга

қайтади. Балки пулларингизни ундан бериб юборарсиз, бунга нима дейсизлар?

Бу таклифда жон бор эди. Шунинг учун ҳам йигитларга бу гап ёқиб тушди. Ахир, Азамат ҳамюрти бўлса. Уйма-уй юриб пулни тарқатиши мумкинку. Аммо у бундай қилмаса-чи? Ёки кетаётганида милициянинг қўлига тушиб қолса-чи? Нима қилиш керак? Хуллас, усталарнинг боши қотди. Бир холосага келишолмади.

— Бу ерларда ишлаб пул топишдан кўра, шу пулни уйга етказиш катта муаммо экан, — деди Йўлдош уста ўйчанлик билан. Сўнг Максимга юзланди. — Сизга раҳмат. Биз бир-икки кун ўйлаб кўрайлик. Кейин натижасини айтамиз.

— Майли, нима десангиз шу, — деди Максим уларга қараб. — Кеч бўлиб қолди. Мен кетдим. Эртага одамлар билан келаман.

Максим дарвоза томон юраркан, қурилиш бошлигини чақирди.

— Эртага келадиган одамларга жой тайёрлаб қўйиш эсингдан чиқмасин. Тущунарлимни? — деди машинага ўтиаркан буйруқ оҳангиди.

Ҳақиқатан ҳам кейинги куни кечки пайт дарвоза олдида “Газель” пайдо бўлди. Ундан ўн икки нафар йигитлар тушиб келишди. Улар орасида Максим ва Азамат ҳам бор эди. Йўлдош уста бошлиқ йигитлар уларни қарши олишди. Қисқа сўрашувлардан сўнг, уларни нарироқда безалган дастурхонга таклиф қилишди. Узоқ юртларда ўз ҳамюрлари билан дийдорлашиш, уларнинг суҳбатини олиш, ватани ҳақида сўзлар эштиш, қанчалик гаштли эканини ҳар қандай одам ҳам тасаввур қилолмаслиги мумкин. Бундай ҳисларни юргидан, оиласидан анча узоқда юрган кишиларгина англаб етади. Янги келганлар

дарров бу ердаги иш шароитлари ва маошлар ҳақида сўраб-суриштиришди. Олган жавобларидан мамнун бўлиб, Азаматга ҳам миннатдорчилик билдиришни унутишмади. Йўлдош уста Азаматни четга тортди. Орқасидан Мурод ва пакана уста эргашишди.

— Қачон уйга қайтмоқчисиз, ука? — сўради Йўлдош уста.

— Нима гап, тинчликми ўзи? — хавотирланди Азамат.

— Тинчлик. Лекин бир муаммо чиқиб қолди, — деди Йўлдош уста гапни нимадан бошлишни билмай.

— Муаммо?

— Биз ишлаган бир ойлик пулимизни Максим бермоқчи.

— Яхши-ку, шу ҳам муаммоли?

— Йўқ, лекин уни уйга қандай қилиб жўнатишни билмаяпмиз. Шунга бошимиз қотиб қолди, — деди Йўлдош уста Азаматни кўзларига боқиб. Сўнг гапим тўғрими дегандек Муродга қараб қўйди.

— Нима қилайлик, ёрдам беринг, — деди Мурод ҳам Йўлдош аканинг гапини маъқуллагандай бўлиб.

— Балки сиздан бериб юборармиз.

Азамат нима дейишини билмай ўйланиб қолди.

— Тушунарли. Аммо йўлда катта пул билан юришнинг ўзи бўлмайди, — деди у бир оздан сўнг Муродга юзланиб жиддий оҳангда. — Милицияга тушиб қолсан нима бўлади? Ҳаммасини шилиб олишади-ку! Кейин сизларга нима дейман?

Азаматнинг гапини эшитган йигитлар ўйланиб қолиши. Тўғри, йўлда шундай воқеа бўлмаслигига ким кафолат бера олади? Милициянинг қўлига тушиб қолса қанақа бўлишини вокзалда ўз кўзлари билан кўришди-ку. Аслида эса, Азамат атайлаб йигитларни қўрқитиш учун шундай деди. Аниқроғи,

у милициядан эмас, балки Максим билан бўлиши мумкин бўлган ортиқча ғалвалардан қўрқаётган эди. Чунки катта пул билан қайтишини фақат у билади. Ёмонликка олса, одам ёллаб Азаматни ҳар бало қилиши ҳам мумкин. Ахир, пул учун одамлар нималар қилмайди, дейсиз? Бундай кўнгилсиз воқеаларни Азамат бу ерларда ишлаган пайтларда жуда кўп эшитганди. Шунинг учун ҳам у бундай қалтис ишга аралашибни истамади. Негаки, жонини хавф-хатарга қўйишдан кўра, камроқ бўлса-да, ўз улушини олиб, тинчгина уйига қайтишини афзал кўрди.

— Пул сизларники, бу муаммони ўзингиз ҳал қилганингиз маъқул, — деди Азамат масалага нуқта қўйиб. Сўнг у янги келган ишчилар томон кетди. Йўлдош уста, Мурод ва пакана уста унинг ортидан ўйчан термулиб қолишибди. Нарироқда турган Максим уларнинг олдига келди.

— Тинчликми? Пул масаласини ҳал қилдиларингми?

— Йўқ. Азамат олиб кетишини хоҳламади, — деб жавоб берди Йўлдош уста ҳоргинлик билан.

Максимга ҳам аслида шу гап керак эди. У иложи борича усталар ундан пул сўрамаслигини истаётган эди. Лекин сир бой бермай, улардан яна сўради:

— Энди нима қиласизлар?

Усталар “бilmадик” дегандек, бош чайқашди.

— Бўлмаса гап бундай. Пул менда. Паспортларинг ҳам. Хоҳлаган пайтларингда беришим мумкин, — деди Максим астойдил йигитларга ёрдам беришга интилгандай бўлиб. — Биласиз, қурилиш объектимиз катта. Янги усталар ҳам келишибди. Яхши ишланса яна бир икки ойда қурилиш ҳам тугайди. Ўшанда бирйўла ҳамма пулларингизни бераман. Ўзларинг бехавотир уйингизга олиб кетасиз. Шунга нима дейсизлар?

Усталарнинг бу таклифни қабул қилишдан бошқа чоралари йўқ эди. Ахир, нима ҳам қилишсин? Катта шаҳардан олисда бўлишса. Бунинг устига шаҳарга чиқиб уйларига қандай қилиб пул жўнатиш мумкинлиги ҳақида сўраб-сурештиромасалар, наилож. Максим ёмон одамга ўхшамайди. Шундай катта иморат қуряптими, демак, шунга яраша катта пули бор, деб ўйлаши усталар. Ахир, у кеча “Истасанглар пулларингни ҳозироқ бераман”, деди-ку. Мабодо олишса, пулни қаерда сақлашади? Устига устак янги одамлар келишди. Ишониб бўладими, уларга? Усталар ана шуларни ўйлаб, Максимнинг таклифи энг маъқул йўл, деб топишиди.

— Хўжайнин, бизнинг фойдамизни ўйлаганингиз учун сизга раҳмат. Майли, биз розимиз. Курилишни тугатганимиздан кейин пулимизни яхлит қилиб берсангиз бўлди, — деди Йўлдош уста жиддий.

— Гап йўқ. Албатта бераман. Менга сизларнинг ҳақларинг керак эмас. Топганим ўзимга етади, — деди Максим ўзини олижаноб қилиб кўрсатишга интилиб. Сўнг келишдик дегандек Йўлдош уста билан қўл ташлашиди.

Очиғи, Максим усталарни бунчалик тез рози бўлади, деб сира ўйламаган эди. Ахир, одам шунчалик ҳам содда, лақма бўладими? Нима деса, хўп деб кўниб кетаверадими? Шуларни ўйларкан, у ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди. Негаки, шу қўргон қурилишида ҳали бирор устага сариқ чақа ҳам пул бермаган. Ишлаган усталарнинг ҳаммаси унинг ҳийла-найрангларининг қурбонига айланишган. Бир тийин олишолмай охири “Бизга паспортимизни берсангиз бўлди”, деб ялиниб-ёлворишган. Қилган меҳнатимизга мингдан-минг розимиз, дейишиб тавбаларига таянишган. Хўжжатларини олгач, худога шукр, деб қочиб қолишган. Иморат эса қуриб

битказиляпти. Бири қочиб кетса, иккинчиси кела-веради. Нима кўп, дунёда лақма-ю, ишонувчан кишилар кўп экан. Унинг йўқотадиган ҳеч нарсаси йўқ. Бугунги келганлар билан қўшиб ҳисоблаганда шу қурилиш обьектнинг ўзида унинг қуллари йи-гирматага етди. Фақат қурилиш материаллари ва озиқ-овқатни етказиб бериб турса бўлди. Марра уники. Насиб бўлса, янги йилни шуерда нишонлайди. Максим ана шу хаёллар ва кўтаринки руҳда усталар билан хайрлашиб, нарироқда тўпланиб турган янги келган ишчилар томон юрди. Азамат ҳам ўша ерда эди. Максим тез орада улар билан ҳам барча масалаларни келишиб, ҳар галгидек Азаматга ҳужжатларни йи-фиширишни буюрди-да, ўзи “Газел”га бориб ўтириди. Азамат ҳам бир оздан сўнг, қўлида паспортлар билан орқадан етиб келиб, машинага чиқди. “Газель” шиддат билан ўрнидан қўзғалди.

— Мана, ўн икки кишининг ҳужжати, — деди Азамат мағрурлик билан қўлидаги паспортларни Максимга узатаркан.

— Сенга гап йўқ. Бу гал ҳам яхши ишладинг, — деди Максим хурсандлигини ичига сифдиролмай.
— Анавиларнинг пулинин олмай тўғри қилдинг. Акс ҳолда хафалашиб қолардик.

— Нега ундей деяпсиз? — деди Азамат ҳеч нарсага тушунмай.

— Ахир, сен билан келишгандик-ку, бу ёғига бурнингни тиқма, деб, — деди Максим унга ёвқарашиб қилиб.

Бу сўзларни шундай оҳангда айтдики, Азаматнинг бутун вужуди титраб кетди. “Тўғри ўйлаган эканман. Худонинг асррагани шу бўлса керак”, деган фикр унинг хаёлидан ялт этиб ўтди. Мабодо усталарнинг пулинин олганида борми, бу ерлардан соғ кетмаслиги аниқ экан. У Максимнинг ниятини энди тушунди. Демак, усталар иш ҳақини талаб қилишса

бераркан-у, пул Азаматга ўтгандан кейин барибир ундан тортиб олишар экан-да. Шуларни ўйларкан, Азамат усталарнинг пулинни олмай тўғри қилганидан хурсанд бўлиб кетди.

— Мени аҳмоқ деб ўйлаяпсизми, хўжайин, — деди Азамат Максимга жилмайиб қааркан қўрқувини яширишга интилиб.

— Ҳа, калланг жойида сенинг. Нима қилаётганингни яхши биласан.

— Ахир, Ўзбекистондек узоқ жойдан шунча одамни олиб келиб, сизга сотиб кетяпману, шу нарсага ақлим етмайдими? — эътиroz билдириди Азамат.

— Ҳафа бўлма. Айтдим кўйдим-да. Сен менинг ҳамкорим бўлсанг ҳам, ишингга аралашаётганим йўқ. Топганингни ҳалоллаб еб кетавер, — деди Максим орадаги вазиятни юмшатиб. Сўнг ёнидан бир даста доллар олиб Азаматга узатди. — Мана, ўн иккита одамингнинг пули. Санаб ол!

— Санашга ҳожат йўқ. Ҳаммаси тўғри, — деди Азамат ҳам паст келмай.

— Энди ишни бир ойга чўзма. Тезроқ одам йифиб орқага қайт, тушундингми? — буюрди Максим ҳовридан тушиб.

— Нима десангиз шу, хўжайин, — деди Азамат юзида қониқиш акс этиб.

Икки ҳамкор ҳам хурсанд эдилар. Бири ўз ҳамюрлари, маҳалладошларини пул учун сотиб мўмай даромад олаётганидан сармаст бўлса, иккинчиси эса арzonгаров ишчиларни алдаб, шарт-шароитсиз жойда, қулдай ишлатаётганидан мамнун эди. Аслида эса, иккисининг ҳам шиори битта эди. Дунёда лақма ва содда одамлар бор экан, демакки улар ҳисобига бойлик оттириш, фароғатда яшаш давом этаверади. Бу сафар ҳам улар ўз шиорларига нақадар содиқлигини бўр-бирига исбот этишганди. Энди бўлса икки ҳамкор қоп-қоронғу ўрмонзор

йўлларидан кетишаркан, қилаётган ишларини янада ривож топтириш ҳақида ўйлаб кетардилар. Уларнинг дини, миллати ҳар хил бўлса-да, пул топиш йўлидаги жирканч мақсадлари ягона эди.

* * *

Кўрғоннинг икки тарафидан икки бригада шахдам иш бошладилар. Куёш чиқиб-чиқмай усталар ўз-ларини ишга уришар, то қоронғу тушгунча қўли-қўлига тегмай тиним билишмасди. Мақсадлари шу қурилиш объектини тезроқ тугатишса-ю, пулларини олиб бошқа қурилиш объектига кўчишса ёки уйларига тезроқ кетишса. Ташқаридан қараганда улар худди ким ўзарга ишлаётгандек эди. Максим ташлаб кетган тўрт киши ишчиларга қурилиш материаллари етказиб берар, ҳар куни эрталаб ва кечқурун қурилиш объектини ва ишчиларни кўздан кечиришиб, сўнг қартабозлик қилишарди, зерикишса, ўрмон айланниб келишарди, ухлашарди. Ишчиларга эса дарвозадан ташқарига чиқиш ман этилган. Ким чиқса, ойлик маошиберилмайди. Шундан бўлса керак, ҳеч кимнинг ташқарига чиқишга юраги бетламайди. Ахир, бу ерга пул ишлагани келишган, айлангани эмас. Шу боис, итдек азобда қийналиб ишласалар ҳам, чидашлари керак. Акс ҳолда бир тийинсиз қолишлари мумкин. Мурод ҳам шуни яхши билади. Ишдан бошқа нарсани ўйламасликка ҳаракат қиласди. Аммо кечалари истаса-истамаса онаси ва укалари, Муниса унинг хаёлини банд этарди. Қанийди тезроқ шу уй битса-ю, яхлитгина қилиб пулини беришса. Уша куниёқ йўлга чиқади. Уйдагиларига совға-саломлар олади. Айниқса, Мунисага нима харид қилсан экан, деган саволига ҳар гал жавоб тополмайди. Чунки Мурод Мунисанинг нозик дидлигини яхши билади. Бугун ҳам у шуларни ўйларкан, уйқуси қочди.

Анчагача у ёқ-бу ёққа ағдарилиб чиқди. Тонгга яқин ухлаб қолди. Фалати туш күрди. Тушида онаси йўлга чиқиб, нуқул “Мурод, Ҳой Мурод, қаердасан”, деб чақириб, уни излаб юрган эмиш. Қўрқиб уйғониб кетди. Қараса, қуёш аллақачон бўй ростлашга улгурган экан. Онам мендан хавотирланаётганлиги аниқ. Ахир, мен ишга жойлашганимдан кейин хабар бераман, дегандим-ку. Мана бугун икки ой тўляпти. Бирор хат-хабар ҳам жўнатмадим. Қандай аҳмоқ ўғилман-а. Эътиборсизлик қилдим. Афсус. Ҳеч бўлмагандан Азаматдан хат жўнатганимда эди. Ҳа, майли. Эрта-индин келиб қолса, албатта онамга ҳам, Мунисага ҳам хат бериб юбораман. Мурод шундай деб ўзини юпатди. Сўнг ўрнидан туриб кийинди-да, вагончадан таш-қарига чиқди.

Орадан яна ўн кунлар ўтиб кечга томон “Газель” автомашинаси кўрғон дарвозаси олдида пайдо бўлди. Ундан Максим ва бир одам тушиб қурилиш томон келишди. Аммо бу гал Азамат кўринмади. Бундан Мурод ташвишга тушди. Хаёлидан “Нега у келмади? Тинчликмикан?” деган фикрлар ўтди. Максим ва нотаниш меҳмон ҳаммаёқни айланиб ишлардан кўнгли тўлди шекилли, бинодан хурсанд чиқиб келишди. Уларни ҳозиргина ишини тугаллаган Йўлдош уста ва Мурод қарши олди.

— Володя, бу мен сенга айтган ўша уста, — деди Максим Йўлдош устани кўрсатиб. — Қўлидан ҳамма нарса келади. Иши жуда сифатли.

— Ҳа, кўрдим. Ишингиз ёмон эмас. Менга ёқди, — деди Володя Йўлдош устага кўл бераркан.

— Раҳмат. Ҳаракат қиляпмиз, — деди уста ортиқча дабдаба қилмай.

— Азамат нега келмади? — дабдуруустдан Максимдан сўради Мурод.

— Ҳа, уми? Келиб кетди, — деди Максим гапни

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

қисқа қилиб. Сўнг Йўлдош устага юзланди. – Уста, сизнинг бригадангиз бошқа қурилиш обьектига кўчирилади. Йигитларга айтинг, нарсаларини йиғишилсирсин.

– Нималар деяпсиз? Ахир, бу ерда иш ҳали охирига етгани йўқ-ку, – эътиroz билдириди Йўлдош уста. – Насиб бўлса, яна узоди билан ўн беш кунда ҳамма ишни тугатамиз.

– Ҳечқиси йўқ. Нарёқдаги қурилиш обьекти ённяпти. Бир ойнинг ичида топширишимиз керак. Акс ҳолда катта пулдан айриламан, – деди Максим жиддий оҳангда кўзларини ўқрайтириб.

– Биз билан нариги бригада ҳам борадими? – сўради Мурод Максимдан қизиқиш билан бинонинг нариги томонидан ишини тугатиб чиқиб келаётган ишчиларга ишора қилиб.

– Йўқ. Улар шу ерда қолиб, ишни давом эттирадилар. Сиз бораётган обьектда фақат пардозлаш ишлари қолган. У ерга сизлардек сара ишчилар керак бўлади, – деди Максим усталарнинг кўнглини кўтаришга интилиб.

– Қандай бўларкин, – иккиланди Йўлдош уста.

– Сизларга нима фарқи бор, бу ерда ишладингизми ёки у ерда? – эътиroz билдириди Максим. – Айтилган пулни олсангиз бўлдими?

– Йўлдош ака, манимча булар билан тортишишнинг ҳожати йўқ. Бизга нима, така бўлсин-у, сут берсин, – деди Мурод Йўлдош устага ўзбек тилида.

Муроднинг гапида жон бор эди. Ҳозир улар “Биз бу ерда қоламиз, у ёққа бормаймиз”, деб шарт қўя олишмасди. Ахир, пулинин тўлагандан кейин қаерда ва қандай ишлатади, хўжайниннинг иши-да. Йўқ, деб бўлармиди? Йўлдош уста Муроднинг гапларидан таъсиrlаниб шуларни ўйларкан, Максимга юзланди.

– Қачон кетишимиз кёрақ?

— Иложи бўлса тезроқ. Ҳали анча йўл юришимизга тўғри келади.

— Яхши, — деди Йўлдош уста ва ишларини тугатиб бир жойга тўпланаётган йигитлар томон кетди. Унинг орқасидан Мурод эргашди. Йигитлар учун ҳам бу кутилмаган воқеа эди. Ўзларича баҳслашгандай бўлишди. Бироқ начора. Хўжайнинг қарорини ўзгартиришнинг иложи йўқ. Ниҳоят, кечки овқатдан сўнг, улар йўлга тушишди. Йигитларнинг деярли уч ойлик тинимсиз азобли меҳнати шу ўрмонзор қўйнидаги қўрғон ичидаги қоронғиликда қолиб кетди. Худди ҳеч нарса бўлмагандай, ҳеч қачон бу ерга келмагандай гўё. Машинада кетишаркан, йўлнинг икки четида шамолдан оҳиста силкинаётган қалин ўрмон дараҳтларига ўйчан қараб кетишарди. Уларнинг юзларида чуқур ҳорғинлик, қаттиқ чарчоқ ва мавҳум тақдирнинг кўланкаси акс этарди. Олдинда бу йигитларни нима кутаётгани ва улар қандай сиру синоатларга тўқнаш келиши фақат Оллоҳгагина аён эди, холос. “Газель” эса бундан худди уч ой илгариgidек, ваҳимали ўрмонзор йўлларидан номаълум томонга учиб борарди. Мана, катта серқатнов асфальт кўчага ҳам чиқишли. Машина бу сафар шаҳардан тескари томонга қайрилиб янада тезликни оширди. Чамаси, икки соатлардан кейингина улар манзилга етиб келишли. “Газель” тўхтаган заҳоти давангирдай келадиган тўртта барзанги йигит югуриб келишиб шиддат билан эшикларни очишиди.

— Яхши келдингларми? — деди улардан бири Максимдан олдин машинадан тушган Володяга бош эгаркан.

— Раҳмат. Усталарни жойлаштиринг, — деди Володя буйруқ оҳангида.

— Хўп бўлади, — деди йигит. Сўнг усталарга амр қилди: — Қани тушинглар!

Гулчехра РАЗЗОКОВА

Юзларидаги қонни артиб вагонча томон етаклади. Йўлдош устанинг ҳам аҳволи оғир эди.

— Нега бундай бўлди? Ахир, биз уларга нима ёмонлик қилдик? — деди пакана уста Муродни вагонча ичкарисига олиб кириб ётқизар экан. Қолганлар ҳам бу воқеадан қаттиқ саросимада эканликлари уларнинг афт-ангортларидан шундайгина кўриниб турарди.

— Бу ерда бошқа гап борга ўхшайди, — деди Йўлдош уста оғриқнинг зўридан титраган аҳволди.

— Нималар деяпсиз? Тушунмадик, уста. Очиқроқ гапиринг, — деди пакана уста хавотирга тушиб.

— Эртага ишга деб келишса, чиқмаймиз. Олдин хўжайнини чақиринглар деймиз, — деди Йўлдош уста баданидаги қонларни артиб.

— Буларнинг шу важоҳати бўладиган бўлса, эртага хўжайнини чақирмаса кераг-ов, — деди пакана уста бошини сарак-сарак қилиб.

— Чақирмаса, ишга чиқмаймиз, тамом, — деди Йўлдош уста оғир хўрсиниб.

— Унда яна гўс-тўнолон бўлади-да.

— Балки бўлмас.

— Хўжайн келмаса, унда нима қиласиз? — деди Мурод ўзини қўлга олиб.

— Келмаса, ишламаймиз. Олдинги қурилиш объектида ишлаган пулларимизни талаб қиласиз, — деди Йўлдош уста қатъиятлик билан.

— Паспортларимизни ҳам олишимиз керак. Ахир, ҳужжатсиз бирор жойга чиқолмаймиз-ку, — деди Мурод овози қалтираганча.

— Тўғри, олишимиз керак.

— Ҳа, шундай қиласиз. Пулниям, ҳужжатниям оламиз, кейин уйга кетамиз, — деди пакана уста.

— Тўхтанглар, мабодо беришмаса-чи? Унда нима қиласиз?

Усталар бундай бўлишини сира ўйлашмаган эди. Агар шундай бўлиб чиқса борми, ҳаммаси тамом бўлади-ку, хаёлидан ўтказди Мурод. Ахир, бу мусо-фир юртларда пулсиз ва ҳужжатсиз қаергаям бориб бўларди?

— Йўқ! Ундей бўлиши мумкин эмас. Тезроқ бирор чора кўришимиз керак, — деди Мурод хавотирга тушиб.

— Наҳотки, бизни алдашган бўлса? — Йўлдош уста чуқур уф тортди.

— Олдиндан ваҳима қилмайлик. Балки ҳаммаси яхши бўлар, — деди пакана уста орадаги баҳсларга нуқта қўйишга интилиб.

Бу гап бошқа уста йигитларни бир оз бўлса-да, хотиржам қилди. Лекин кўнгилларининг аллақа-ерида хижиллик пайдо бўлганди. Бу масалада баҳслашиб, бир-бирининг асабини эговлаб ўтириш энди ўринсиздек эди. Чунки вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолганди. Шу боис ҳам дам олиш илинжида йигитлар вагончалардаги ўринларга чўзишлиди. Аммо оддий шарт-шароитнинг йўқлигидан ҳеч бири ухлай олишмади. Айниқса, Мурод ва Йўлдош уста баданидаги оғриқ азобларидан тонггача инグラб чиқишлиди. Иккисининг хаёлида икки фикр чарх уради. Бири “Бу ерларга нега келдим ўзи? Пул учунми? Ахир, Тошкентдаям қўлимда туппа-тузик ишим бор эди-ку?! Нима жин урди мени”, деб ўзини койиса, иккинчиси “Чидашим керак. Нима бўлсаям, уйга пул билан қайтишим керак. Ахир, мени онам, укаларим кутишяпти-ку?! Тўй қилишим, Мунисага уйланишим керак! Тезроқ пул топишим шарт”, деб ўзини юпатарди. Ҳа, шу топда уларнинг иккиси ҳам ўзларича ҳақ эдилар. Аммо одам боласи нималарга ҳавас қилиб, нималарни орзу қилмайди, дейсиз! Бу ширин хаёлларни ҳақиқатга айлантириш ва инсон

тақдирига битиш ёки битмаслик ягона яратганинг измида эканлигини одам боласи ҳеч қачон билмас экан. Шунинг учун ҳам эртага йигитларни нималар кутаётганини ҳеч ким билмайди.

Тонг ёриша бошлади. Усталарнинг баъзилари эндиғина уйқудан уйғонаётган бўлса, қолганлари ширин уйқуда эдилар. Мурод ва Йўлдош уста ҳам алламаҳалгача калтак оғрифидан ухломай, саҳарга яқин кўзлари илинган эди.

— Қани туринглар, ярамаслар! — деган бақириқ овоз усталар ётган вагончанинг ёнгинасидан эшитилди.

— Сенларга икки дақиқа вақт берилади. Вагондан чиқмаганлар жазоланади, — деди яна кимдир бақириб.

Бу кечаги йигитларнинг овози эди. Усталар саросимада қолишли. Уйғоқлари ҳали ухлаётганларини тортқилаб тезроқ туришга ундали. Орадан икки дақиқа ўтгач, вагончадан тўрт нафар уста ташқарига кийиниб чиқишига улгурди. Яна бир дақиқадан сўнг эса пакана уста ва бир йигит уйқу аралаш ташқарига чиқиб келди. Улар қаршисида ҳақиқатан ҳам оқшомги тўрт нафар давангирдай йигитлар ҳозиру нозир эди.

— Сен иккаланг кечикдинг. Бу ёққа ўт! — буюришли пакана уста ва ҳалиги йигитга. Улар кўрқа-писа барзанги йигитларнинг айтганини қилиб четга ўтишли.

— Менинг исмим Марат, энди мен сенларни хўжайинингман. Бу ерда фақат менинг айтганим бўлади. Унга бўйсунишларинг шарт. Акс ҳолда фақат ўзларингга ёмон бўлиши мумкин! У шундай деб йифилганларга бошдан-оёқ разм солиб буйруқона оҳангда сўради: — Кечаги бошлиқларинг қани?

— Улар ичкарида. Аҳволлари жуда ёмон. Кечаси билан ухлашмади, — деди пакана уста нима дейишини билмай.

Марат нарироқда турган барзанги шерикларига

ишора қилди. Иккитаси енгларини шимариб тезда вагончага кириб кетишиди. Бирпасда ичкаридан Мурод ва Йўлдош устанинг изтиробли бақир-чақири эшитила бошлади. Усталар ичкарида нималар бўлаётганини фаҳмлашарди. Ташқарида турган Марат бўлса ёнида серрайиб, фоздек керилиб турган йигитга ишора қилди. У пакана устага яқин-лашиб бир мушт билан уни ерга қулатди. Сўнг ҳамманинг кўз ўнгида унинг дуч келган жойига аямай тепа бошлади. Бир зумда пакана устанинг фарёди кўкларга кўтарилиб қип-қизил қонга беланиб қол-ди. Уни ёнгинасидаги озғиндан келган уста йигит эса, ҳозир ўзини ҳам бундан баттар куйга солишларини билиб дир-дир қалтирарди. Шундай ҳам бўлди. Барзанги йигит пакана устани қўйиб унга яқинлашди. Унинг қўрқинчли важоҳатини кўрган уста йигит қочишга тушди.

“Қаергаям қочарди, ҳаммаёқ баланд девор билан ўралган. Дарвоза эса қулф”, хаёлидан ўтказди сокчи йигит. Сўнг унинг орқасидан эндиғина қуваман деганда, Марат унга “Тўхта!” деди ва уста йигитларга юзланиб буюрди.

— Сенлар ҳам калтак емай десаларинг, анави аҳмоқни тутиб келларинг! Қани, марш!

Шу пайт вагончанинг эшиги очилиб қонга белангандан Мурод ва Йўлдош устани олиб чиқишиди. Сўнг орқаларидан тениб пастга бирин-кетин қулатишиди. Тонгги совуқ шудринг қопланган майсаларга Муроднинг қонли юzlари қаттиқ ишқаланаркан, бутун вужуди ловиллаб кетди. Оғриқ азобидан ўзини тутолмай титраганча инграб юборди. Усталар бу аянчли манзарадан лол бўлиб, нима қилишини билмай қолдилар.

Шерикларини орқасидан қуваётган икки уста йигитлар икки ўт орасида эди. Ҳозир уларни айт-

ганини қилмай, юртдошини тутиб келмайдиган бўлишса борми, калтакдан ит азобига тушишлари аниқ эди. Начора. Жон ширин экан. Улар қочоқ шеригининг орқасидан қувиб, кўп ўтмай уни тутиб келишди.

— Ҳа, сенми ҳали қочадиган? Қани бошланглар! — буюрди Марат йигитларига. Тепкилаш бошланди. Улар уста йигитнинг оҳ-воҳига, “Кечиринглар, бошқа бундай қилмайман”, деган ялинишларига ҳам қараб ўтиришмади. Тез орада ер қип-қизил қонга беланиб қолди. Бу даҳшатни кузатишга ҳамма усталарнинг ҳам журъати етмади. Айниқса, ёшроқ усталар аёвсиз калтаклашга тик қарай олмай, кўзларини олиб қочишли. Нарироқда ўз баданидаги оғриқ азбларидан инграб ётган Мурод бу ваҳшийликка ортиқ чидай олмади.

— Нима қиляпсизлар? Ўлдириб қўясиزلар-ку! — деди бутун кучини йифиб бақирганича.

— Ўчир овозингни! Ўлгинг келяптими? — унга қараб ўдағайлади Марат.

— Биз сизларга нима ёмонлик қилдик? Тушунтириб беринг?! — яна бақирди жон ҳолатда Мурод.

— Бу ерда тартиб-интизомга риоя қилмаган қуллар жазоланади, энди тушундингми? — деди Марат ўдағайлаб Муроднинг тепасига келаркан.

— Нима? Нега бизни қул деяпсан? — деди Мурод ғазабидан титраб.

Воқеаларни томошабиндек кузатаётган уста йигитлар бу сўздан ҳайрон қолишиб, сергак тортишли. Бу орада қочоқ устани калтаклаётган барзангилар ҳам тепкилашни тугатиб, бошлигининг олдига келишиди.

— Коля, Санёк, манави жинни бўп қолипти. Психбольницаага жўнатиб юбор! — деди Муродни устидан масхара қилиб куларкан Марат. — Ҳов, тўнка! Сенлар қул бўлмай кимсан, ахир?

— Кул? Йўқ! Биз қул эмасмиз, — бақириб юборди Мурод.

— Алжирама! Сенларни ҳар бирингни сотиб олганмиз. Энди бизни қулимизсанлар! — деди Марат янада ғазаб отига миниб.

Бу сўзларни эшитиб ҳамма усталар ҳангу манг бўлиб қолишиди. Бирор сўз айтишга тиллари айланмади. Йўлдош уста ҳам ерда чўзилиб ётаркан, бўлаётган воқеалардан, гапирилаётган гаплардан ваҳимага тушди. Секин бошини кўтарди. Аммо гапиришга куч тополмади. Кўллари орасидаги майсаларни янада қаттиқроқ чангальлади. Унинг кўзларидан беихтиёр алам ёшлари сизиб чиқиб юзига ўрмалади.

— Нима? — Мурод важоҳат билан ўкириб юборди.
— Ким бизни сенларга сотди? Ким?

— Томоғингни йиртма! Сенларни Максимдан сотиб олдик!

— Максимдан? Бу ёлғон, — ҳайратга тушди Мурод. Чунки у Максимни олижаноб, кўнгли очиқ йигит, деб юрарди. — Наҳотки! Йўқ, бўлиши мумкин эмас! У яхши одам!

— Яхши одам? — Марат энди қаҳ-қаҳ отиб қулли. Унинг кулгисига ёнидаги шериклари ҳам қўшилди.
— Ўша сен яхши деб ўйлаган Максим ҳам, сенларни катта пул тўлаб сотиб олган. Шуни биласанми?

Муроднинг танасидаги оғриқлар бир зум чекингандай бўлди. Бу сўзлар унинг ўй-хаёлларини чархпалақ қилиб юборди. Тили эса худди танглайига ёпишиб қолгандай айланмасди.

— Йўқ, — дея олди у зўрға бор кучини йифиб.
— Сенларни ўз ҳамюртларинг унга сотган! Энди тушундингми, галварс?! — деб бақирди Марат унинг кўзларига тик қараб.

Бу гаплардан Мурод ва бошқа усталар тошдай қотиб қолишиди. Энди Мурод пешонасига келган одамни

ҳам кўрмас, қулоқлари эса ҳеч гапни эшитмас эди. Унинг бутун вужуди фазабдан тўлиб тошарди.

— Азамат? Азамат? — Мурод фақат шу сўзни такрорларди, холос. Шу топда у, ҳар қандай нарсани бир ҳамлада яксон қилгудек кучга эга эди.

— Бизнинг пулимиз-чи? Ахир, Максимда уч ойлик иш ҳақимиз бор эди-ку?! — деди Йўлдош уста бошлиқ йигитга қараб.

— Пул? Энди қанақа пул ҳақида сўрайapsan? Максим ҳам сенларни ишлатиб ўзининг пулини чиқариб олган. Кейин бизга сотган, вассалом. Шунга ҳам ақлинг етмадими. Ахир, бу бугунги кун бизнеси-ку, — деди Марат хотиржамлик билан уларнинг устидан ҳукм ўтказганидан мағурланиб.

Усталар бор ҳақиқатни билишиб, бошлари эгилди. Қандай қилиб алданишганини сира тушунолмасдилар. Наҳотки, Йўлдош устадек тажрибали одам шу куйга тушиб ўтиrsa-я! Яна кимга денг, ёшгина йигитчага. Қандай шармандалик! Энди нима бўлади? Баҳорга чиқиб қизини узатиши керак эди. Кам-кўстларига пул топиб келаман, деб шу ерларга келганди. Энди уйга қандай қайтади. Чўнтағида сариқ чақаси ҳам йўқ-ку?! Шогирдлари олдида ким деган одам бўлди? Мана шу хаёллар Йўлдош устани тамомила ўз исканжасига олганди. Муроднинг ҳам аҳволи ҳозир унивидан кам эмас эди. Унинг ҳам бор умидлари сўниб бўлган ва у бир нуқтага термулиб қолганди. Чунки у ўзидан ўтганини ўзи биларди. Аламлари эса борган сари кучайиб, ичини емириб ташлаётганди. Хўш, энди онаси, укаларига нима дейди? Интизорлик билан кутаётган Мунисанинг кўзларига қандай қарайди? Тўй нима бўлади? Ширин орзу-ҳаваслари-чи?! Ҳамма-ҳаммаси наҳотки тугаган бўлса? Нима қилиш керак?

Колган усталарнинг ҳам ўзларига яраша дард-аламлари бор эди. Ахир, уларни бу ерларга келишга ҳеч ким мажбур қилмаганди-ку? Ўзлари ўз хоҳишлири билан келишган! Мақсадлари катта пул ишлаш эди. Ахир, бола-чақаларини ташлаб ўзга элларда, шу ўрмонларда азоб чекиб уч ой ишлашди-ку?! Энди бўлса, алданиб бир сўмсиз қолиш, ҳақоратланиш, албатта алам қилади-да!

– Ҳаммаси тушунарлими?

Усталарнинг хаёлларини Маратнинг овози бўлиб юборди. Аммо уларнинг бирортасидан садо чиқмади.

– Мен сенлардан сўрайпман, ҳаммаси тушунарлими? – бақирди у.

– Тушунарли, – деди Мурод ўзини қўлга олиб.

– Бизни энди нима қилмоқчисизлар? Кўйиб юбо-расизларми?

– Эсинг жойидами сен тўнканинг? Сенларга ҳеч қаерга кетмайсанлар, деб айтдик-ку. Энди хоҳлаганча ишлатамиз. Сарфланган пулимизни ўн карра чиқариб олишимиз шарт! Агар гапга кўнмасанглар ўзларингдан кўринглар, аяб ўтирмаймиз. Ким қочишга уринса, ушлаб олиб ўлдирамиз, тушунарлими? Мурдаларинг мана шу ўрмон қузғунларига ем бўлади.

Уларнинг нималарга қодир эканликларини усталар кеча, бугун кўришди. Бу ваҳшийлар учун одам боласининг пашшадай қадри йўқлигини ҳам билди. Гапларига кирмагани ит азобига солишлари, ҳатто ўлдириб юборишлари ҳам турган гап. Улардан ҳамма нарса кутиш мумкин.

– Қанча ишлаб беришимиз керак? – сўради Йўлдош уста қонга беланган юзларини кўйлагининг енги билан артаркан.

– Бу ерда сиздан ташқари бошқа яна бир бригада ишляяпти. Мана шу қурилиш объектини бити-

расанлар, кейин ҳаммангизга жавоб беришни ўйлаб кўрамиз, — дели чала ётган данғиллама қурилишга ишора қилиб Марат.

Усталарнинг нигоҳи қаршисидаги бинога қадалди. Йўлдош уста ҳам диққат билан чала қурилиш обьектига қарап экан, ўзича қилинадиган ишларни тахминан чамалаб чиқди. Бу катта бинони битириш учун камида беш ой тинимсиз ишлаш кераклигини ҳис қилиб кўзларини чирт юмди. Сўнг юраги беҳузур бўлиб секин ерга чўкди. Мурод унинг ёнига югуриб келди.

— Уста, сизга нима бўлди, яхшимисиз?

— Хавотир олма. Бир оз бошим айланяпти, ҳозир ўтиб кетади, — деди Йўлдош уста ўзини қўлга оларкан. Қолган усталар ҳам келиб уни ўраб олишди.

— Энди нима қиласиз? Бир нарса денг! — деди пакана уста уни олдига тиз чўкаркан. — Бирор чораси борми?

— Агар шу ўрмонларда ўлиб кетмайлик десак, ишлашдан бошқа чорамиз йўқ, — деди Йўлдош уста йигитларга бир-бир қараб чиқаркан. Унинг юз-кўзларида, гап оҳангиде чуқур тушкунлик акс этганди. Бунинг устига қаттиқ чарчоқ ва баданидаги оғриқлар уни тамоман ҳолдан тойдирганди. Аслида ҳам шундай эди. Қолган усталарга ҳам осон эмасди. Улар ҳам уч ойдан буён тиним билмай ишлашган. Шу боис оёқларида зўрға тик туришар, нимадандир умид қилишаётганди. Мана энди ҳаммаси тугади. Барча умиду ишончлари уларни тарк этди. Тақдирга тан беришдан бошқа иложлари қолмади. Бу ҳислардан Мурод ҳам бегона эмасди. Унинг қалби ҳам шу топда қаттиқ қайғу-аламлар исканжасида қолиб қовурилаётганди. Начора, “Осмон йироқ, ер қаттиқ”, деганлари шу бўлса керак. Ахир, бегона эмас, ўз ҳамюрти уларни пул учун қул қилиб сотгани, шу

азобларга солгани, унга жуда-жуда алам қиласади. Буни у кечириб бўлмайдиган тубанлик деб ҳисобларди. Азаматга ишонгани, ўша аёллар билан учрашувга борган кунига минг бора ланъат айтсада, энди кеч эди. Фишт қолипидан кўчиб бўлганди. Унинг шўр пешонасига пулнинг орқасидан қувиб, ўзга юртларга келиб, охир-оқибат ўзи билмай қулга айланиб қолиш ёзилган экан. Ахир, унинг бу ҳаётдан орзу-умидлари бошқача эди-ку?! Нега тақдирига бу кўргуликлар ёзилди экан? Шуларни ўйлаб Мурод изтироб ичидаги қолди.

Йўлдош уста ўзини қўлга олиб ўрнидан турди. Анчадан бери уларни кузатаётган қўриқчи йигитларга юзланди.

— Йигитлар, бу қурилиш обьекти жуда катта экан. Уни битиргунча бир йил ишлаш керак. Яна қўшимча ишчилар бўладими?

— Бир йил ишлайсизми, ярим йил ишлайсизми, бизга фарқи йўқ. Иккита бригада бўлдиларинг. Улар билан келишиб биргаликда обьектни тугатсанглар тўрт томонларинг қибла! Қўшимча ишчилар бўлмайди! — деди ўдағайлаганча Марат. — Ҳозир нонушта қиласизлар. Кейин ҳамма ишга марш!

Усталар “Нима қиласиз” дегандек бир-бирларига қарашди. Ҳеч кимдан ҳеч қандай садо чиқмади. Негаки, улар бирор сўз айтишга ожиз қолгандилар. Чунки буйруқقا бўйсинишидан бошқа иложлари йўқлигини тушуниб етишганди. Ахир, ҳамманинг ҳаёти ўзига ширин, яشاши керак-ку!

* * *

Йигитларнинг шунча ой чеккан азоблари қора кунларнинг бошланиши экан. Уларни олдинда бундан ҳам оғир синовлар кутарди. Аzonда туриб ишга чиқишарди. Атрофга қоронфи тушганча оғир жисмоний

мөхнатда эзилишарди. Ҳар кунги еган овқатлари эса макарон. Аҳён-аҳёнда ёвғон шўрва билан қоринларини алдашга тўғри келарди. Ётиш-туришларида ҳам ҳаловат йўқ эди. Увадаси чиқиб кетган матрас ва кўрпаларнинг кўланса ҳидидан димоғлари ачишиб, кечалари ухломай чиқишарди. Устиларидаги кийимларини мана бир ойдан бери алмаштириб кийишнинг иложи йўқ. Вақт ўтган сайин ҳаво салқинлашиб иш унуми пасайиб борарди. Одатда Россия ўрмонларида қиши эртароқ келади. Шу боис этларни жунжиктирувчи шамоллар эса бошлади. Бу эрта кузнинг келишидан далолат эди. Яна бир-икки ойдан кейин бу ерларни оппоқ қорлар қоплайди. Ўшанда атроф ҳавас қилгудек гўзал бўлсада, усталар учун ўта азобли кунлар эди. Аёзли совуқ курилиш ишларини янада қийинлаштиради.

Шу тарзда бир ой ўтди. Иккинчи бригада бошлиғи Маҳмуд уста билан келишишди. Улар кўнглида “балки ҳақиқатан ҳам бу қўрғон битса уйларига қайтишга рухсат беришар” деган умид билан тиним билмай ишлашарди. Ишнинг эса адоги кўринмасди. Нима ҳам қилишсин? Ишламай иложлари йўқ. Қочиб кетайлик дейишса, қўлларида ҳужжатлари йўқ. Учраган милиция тўхтатиши, авахтага ташлаши мумкин. Бунинг устига бир тийинсиз, қаёққа ҳам кета олишарди. Ахир, уйдан бу ерга келгунича ҳар бирига уч юз доллардан пул сарфланди-ку! Қайтишларига ҳам камида шунча пул керак бўлади!

— Энди нима қиласиз, уста, — кинояли гап қилди тушлик пайтида пакана уста Муродга қараб. — Бу ёғини ҳам ўзлари ҳал қилсинлар энди!

Мурод бир нарса, деб оғиз жуфтлаган эди, аммо нималарнидир ўйлаб тилини тийди. Уларга нима ҳам дея оларди. Айб ўзида. Азаматнинг гапига учиб усталарга қоп-қоп ваъдаларни берган ким? Уларни ҳам, ўзини ҳам иссиққина уйларидан, иш

жойларидан, қолаверса, бола-чақаларидан айириб бу ўрмонларга бошлаб келган ким, Мурод эмасми?!

— Ҳа, нега индамайсан? Жавоб бер! — яна тихирлик қилди пакана уста.

— Бўлди қил! Кўпам бунга осилаверма, — Йўлдош уста Муроднинг ёнини олди. — Нима ҳам дерди, бу бечора. Ҳаммасига лаънати Азамат айбдор!

— Нега унинг ёнини оласиз? Ахир, ўша ярамас Азаматни мана шу топган-ку. Бизга ширин ваъдалар берган, этагимизни пуч ёнғоққа тўлғазган мана шунинг ўзи-ку! — деди заҳрини кимга сочишни билмай турган пакана уста Муродга қараб. — Шундай экан, бизнинг мана шу қора кунларга тушиб қолишимизга у айбдор эмасми?!

— Бас қил энди! Шу гапларни минг марта чай-наганинг билан мойи чиқармиди, — деб Йўлдош уста вазминлик билан пакана устани тинчлантиришга уринди.

Очиғи, бир ойдан бери мана шунақа кесатиқли гапларни эшиставериш Муроднинг жонига тегди. Ҳар гал юзига таъна тошларини отиб, ҳақорат қилишганида у ўзига ўзи “Ҳа, яна ўша гап! Яна ўша таъна! Қачон ҳаммаси тугаркин-а”, дерди. Баъзан эса ўзини тутолмай “Қанийди, мени эзган билан, бир-биримизга заҳар сочган билан мушкулимиз осон бўлсайди!” деб уларга қичқириб юборарди. Уйга қайтиш орзузи эса улар учун ҳар гал ечимсиз муаммолигича қолаверарди. Шунинг учун ҳам бу деярли кун ора баҳсдан бошланиб жанжалга айланадиган мавзуга айланди.

Йўлдош уста бу жанжалларнинг олдини олишга кўп ҳаракат қиласди. Бироқ, вақт ўтган сайин ишчиларининг ҳам асаблари бу шароитларга дош бермай, жizzаки бўлиб бораётгани ва унга бўйсинмай қўяётгани уни ташвишга соларди. Олдинига бу

ҳолатга у күп эътибор бермаса-да, кейинчалик астасекин ўзини хижолатли ҳис қила бошлади. Негаки, бу аҳволга тушишларига бир жиҳатдан унинг ўзи ҳам айбдор эди-да! Кўнни кўрган одам бўла туриб, Муродга, Азаматга ишонди-ку! Майли, Мурод ёшлик қилиб нафақат ўзини, балки уларни ҳам шу кўйга тушишларига сабабчи саналар. Лекин у-чи? Нега у сўраб-суриштирмай, юр деса, бригадаси билан эргашиб келаверди?! Ахир, шунча ҳаётий тажрибаси бўла туриб, нега энди у шу ерга келганда адашди? Ахир, юртида топаётган пули оиласини тебратишга bemalol етиб турганди-ку?! Нега шунга қаноат қилмай, сочига оқ оралаганда катта пулнинг ортидан қувди? Шуларни ўйлаб, Йўлдош уста ўзини койигани-кайиган эди. Аммо у, бугун ҳамманинг бадавлат яшига қонуний йўллар очилган бир пайтда, бойлик орттириш учун ҳар қандай ғайриқонуний, жирканч ишлардан ҳам тал тортмайдиган кимсалар кўпайиб кетганини қаерданам билсин! Дунёда содда ва лақмалар, ишонувчан кишилар бор экан, доимо улар қинғирлик ва алдовлар қурбонига айланиб, бойлик орттирувчи фирибгарлар қўлида ўлжа бўлиб қолаверишини, қачонки ер юзида содда кишилар қолмагач, бойлар янада бой бўлиш учун бир-бирини гажиб ташлашини, у бечора қаерданам билсин? Ахир, бу ваҳшийликлар, йиртқичликлар азалий чангальзор қонунлари эмасми?! Дунё эса айни чангальзор эканини бу содда ишчи қаерданам билсин?!

Мурод ва Йўлдош уста ҳаётнинг ана шу ҳеч қаерда ёзилмаган қонунларини шу ўрмонзорларга келиб, бошларига қора кунлар тушгандагина англай бошладилар. Аммо, шу ҳақиқатни тушуниб етиш учун қанча жабру ситамлар, азоб-уқубатлар ва хўрликлар тортдилар. Уларга бу аянчли кунларнинг адоди йўқдек туюларди. Чунки ҳар куни Муродга

атрофидаги йигитлар ёвқараш қилиб, сал нарсага жириллади. Ахир, бусиз ҳам у, үзидан ўтганини ўзи билиб, ўз ёғида қовуриларди. Бора-бора айборлик ҳисси уни адою тамом қилди. Оқибат соғлиғи ёмоналашиб ўзини олдириб қўйли. Кўзлари ич-ичига ботиб, бадани тарашадай суюгиға ёнишди. Устига устак ҳамма ундан аламини олишга ҳаракат қилиши уни руҳий азоблар алангасида ёндиради. Унинг деярли ҳар бир куни ғиди-биди билан бошланиб, бир-бирини ғажиш билан яқунланадиган бўлиб қолди. Мана, бир ойдирки, аҳвол шу. Усталарнинг Муродни кўргани кўзлари йўқ! Улар бошларига тушаётган ҳамма азоб-уқубатлар Мурод туфайли, деб ўйлашарди.

Мурод уларнинг аччиқ гапларини эшлишга бардоши етмади. Ярим соатга берилган тушлик тугамай ташқарига чиқди. Чексиз мовий осмонга тикилди, қурилиш иморатининг бир четига ин қурған ва унинг атрофига парвона бўлиб чуғур-чуғур қилиб баҳслашаётган қушларга ички бир ҳавас билан жимгина тикилди. “Қанийди, шу озод қушлардай қанотим бўлганида эди тўхтамасдан ватанимга, уйимга қараб учардим” деган хаёл билан уларга қараб суқланди. Сўнг яна ўзига қарши чиқди: “Ахир, сен инсонсан-ку, шу қушларчалик ақлинг йўқмиди? Шу қушлар чексиз самоларда қанот қоқиб учса ҳам уясидан кенгроқ ватан тополмай узоққа кетишмайди. Гала бўлиб яшайди. Сен-чи? Сен! Инсонсан-ку! Ўзга юртларга нима излаб келдинг? Нимага эришдинг?” У шундай деб ич-ичидан ўзини койиркан дафъатан унинг диққатини қурилиш майдончасидан четроқда тош уюмларининг устида ўтириб кетма-кет папирос чекаётган йигит тортди. Йигит кўзларини бир нуқтага тикканича зўр бериб папирос тортар, чекиб тугатгач, уни улоқтириб, лабига навбатдагисини қистиради. Мурод у томонга қараб юрди.

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

— Ҳа, йигит, нега бунчалик қайғуга чўмгансиз?
— У овоздан туйқус чўчиб тушди. Қаршисидаги Муроднинг табассумидан ўзига келиб бир оз тикилиб турди-да, яна бошини эгиб олди. Муроднинг меҳрибонлик билан қараши унинг кўнглини юмшатдими ё ўзи шундай сирдошни истаган эканми, дардини тўкиб солди.

— Бундан икки йил олдин институтга кириб ҳаётдан завқланиб, нурли чўққилар, ширин орзулар оғушида хурсанд бўлиб юрган вақтларим эди. Севган қизим қўнфироқ қилиб уйларига совчилар келаётганлигини, ота-онаси уларга розилик бермоқчи эканлигини айтди. Мен эса эртагаёқ уйингга онамни жўнатаман, сен уйдагиларингни кўндири дедим. Кечки пайт ота-онам билан дастурхон атрофида ўтирганда уларга Моҳизоданинг уйига совчи жўнатишларини айтиб, йўқса уйдагилари уни бошқага турмушга бериб юбораркан дедим. Отам:

— Эсинг жойидами, институтга энди кирдинг, олдингдаги тўрт йиллик ўқишинг нима бўлади? — дедим.

— Ўқишим уйланишимга халақит бермайди, — дедим.

— Болам, ҳам ўқиш, ҳам оила қуриб рўзгор тебратиш осон иш эмас, қолаверса, ҳали жуда ёшсан, энди ўн тўққизга кирдинг, ҳаётнинг паст баландини тушунганингча йўқ, — деб гапга аралашди онам.

— Ана мен тенги синфдош ўртоқларим уйланиб, фарзандли ҳам бўлишди. Уларга оила қуришга ота-онаси қаршилик қилишмади-ку. Ўзлари сен болани тезда бошингни икки қилиб уйлантиришимиз керак деб, уйлантириб қўйишли, — дедим.

— Оила қуриш, рўзгор қилиш ўз-ўзидан бўлмайди. Сен эса ҳали бирон-бир ишнинг этагини тутганингча йўқ. Кўряпсан, онанг бетоб. Менинг топганим фақат еб-ичишимизга ва онангнинг дори-дармонига етиб

турибди. Шунинг учун ўқишингни тугат, дипломли бўл, бирон-бир ишнинг этагини тут. Қачонки пул топиб, рўзғор тебратиш қўлингдан келса, ундан кейин уйлантирамиз, — деди отам.

— Унгача Моҳизоданинг уйдагилари уни турмушга бериб юборишади-ку, — дедим.

— Севса кутади, — деди отам бу масалага кескин нуқта қўйгандай бўлиб хонадан чиқиб кетаркан.

Онам савол назари билан кўзларимга боқиб менга юзланди ва секин ўрнидан туриб ёнимга келиб ўтирди. Озғин қўллари билан бошимни силаб бағрига босди.

— Акбаржон, ростданам севиб қолдингми?

Ҳа дегандай бошимни қимирлатдим.

— Эсизгина-я... болам... шўрлик-а...

— Нега ундей деяпсиз?

— Юрагинг эрта яраланганидан юрагим эзилляпти.

— Севиб, севилиш гуноҳ эмас-ку!

— Тўғри, лекин жавобсиз севги инсонни қийноққа солиб, унинг ҳаётини бутунлай ўзгартириб юбориши ҳам мумкин.

— Ойижон, хавотир олманг. Моҳизода мени севади. Биз ҳали бахтли яшаймиз.

— Айтганинг келсин, болам. Мен отангни бир амаллаб кўндираман. Фақат қиз тараф рози бўлишса бўлди.

— Раҳмат, ойижон. Фақат сиз менинг юрагимни ўқий оласиз холос, деб хурсандлигимдан онамнинг бағрига бошимни қўйдим.

Эртаси куни онам холам иккиси Моҳизодаларникига бориб келишди. Онамнинг хафа эканлиги шундай юзидан билиниб турарди. Улар менга бир оғиз ҳам гапирмай уй юмушларига шўнғиб кетди. Бетоқатлигим баттар ошиб холамдан — нима гап рози бўлишдими? — деб сўрадим.

— Акбаржон, — деб гап бошлади холам. — Қизнинг

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

үйдагилари күнишмади. Ўқимишли, обрўли кишиларнинг ўғлидан қизимизнинг қўлини сўраб келишли, уларга хўп деб юбордик, дейишиди. Бувилари бетоб бўлганлиги учун тўйни ҳам тезлаштиришибди.

Бу гап менинг ширин орзуларимни бамисоли сув юзидағи кўпик янглиғ тарқатиб юборди. Нафасим бўғзимга тиқилиб, бошимни чанглаб ўтириб қолдим. Холам тасалли беришга уринди.

— Сиқилма, Моҳизода бўлмаса, бошқаси пешонангга ёзилгандир. Ҳаётинг ҳали олдинда. Ўқишингни тугатганингча ҳали, э-ҳе, қанчадан-қанча қизларни учратасан.

— Ёлғон! Ёлғон гапиряпсиз! — бақирдим холамга қараб. — Ахир, Моҳизоданинг ўзи менга ваъда берувди, “уйдагиларингизни жўнатинг, мен розиман” деб.

— Минг афсуски, улар қизларини... бошқага унаштириб бўлишибди. Ҳали мана-ман деган қизларни учратасан, севиб ҳам қоласан.

Уларнинг тасалли бериб айтгаётган гаплари қулоғимга кирмасли, киприк қоқмасдан бир нуқтага тикилиб қолганлим. Юрагим дукиллаб урас, ўзимга ўзим гапиравларим. — Бўлиши мумкин эмас!.. Демак... демак... у мени севмаган. Ёлғон ваъдалар берган...

Вужудим титраб ўзимни ташқарига отдим. Ортимдан холам эргашиди. Онамнинг холамга — қўявер, ҳали ўзим унга тушунтираман. У ўзига келиб олиши учун вақт керак, сен орtingа қайт, — дегани эшитилди.

Ўша куни қош қорайганча севгимизнинг гувоҳи бўлган азим чинор дарахти ёнида ўтирдим. Моҳизоданинг қўл телефонига қўнғироқ қилдим, у эса жавоб бермади. Эртаси куни қайта-қайта қўнғироқ қилаверганимдан сўнг телефон гўшагини олди-да:

— Энди мени тинч қўйинг, қўнғироқ ҳам, безовта ҳам қилманг, мен турмушга чиқяпман, —

деб гүшакни қўйиб қўйди. Тез орада унинг тўйи бўлганлигини эшидим. Шу кундан бошлаб ҳамма нарсага қизиқишим йўқолганди, ҳатто ўқишга ҳам ҳафсалам қолмади. Дастрлаб кунора ўқишга борсам, кейинчалик ҳафталаб бормайдиган бўлдим. Қишки имтиҳон пайтида маҳсус фанлардан ийқитиши. Бу хабарни уйдагиларга айтишга журъатим етмади. Кун бўйи кўчада сандироқлаб юраман-да, кечга яқин ўзимни худди ўқишдан келаётіандай кўрсатишга ҳаракат қиласман. Бироқ юриш-туришимдаги ўзгаришни онам сездими, сўроқлашна ўти.

— Акбаржон тинчликми, ўқишиларинг яхшими, ўғлим? Кейинги пайтларда париёнхотир бўлиб қолгансан?

— Ҳаммаси яхши. Ҳавотир олманг, кайфиятим аъло. Ҳатто ўқишим яхши бўлганлигидан чет элга амалиёт ўқишига жўнатишияпти, — дедим.

— Қанақа ўқишга?

— Чет элга, бошқа давлатдаги олий ўқув юртига бориб уларнинг амалиётини ўрганиб тажриба алмасиб келамиз.

— Нимага? Шу ерда ҳам амалиёт деганлари йўқ эканми? — ташвишланиб сўради онам.

— Ўзимизда ҳам бор-у, лекин четга энг иқтидорли ва албатта, аъло баҳоларда ўқиган талабаларни саралаб олиши. Шулар қаторида мени ҳам, — дедим ёлғондан.

— Раҳмат, ўғлим, юзимизни ерга қаратмай бошқаларга ўрнак бўлиб аъло баҳоларга ўқияпсан. Мен бўлса ўғлим нимадандир хафа бўлиб юрибди, деб ўйлайвериб адо бўлаёздим.

— Онажон, ҳавотирга ўрин йўқ. Ўқиш оғир, қишки имтиҳонларни аъло баҳоларга тошириш осон бўлмади.

— Ҳа, ҳа. Лекин кўнглим нимадандир нотинч-да, яхшиликка бўлсин, — деди онам маъюсгина.

Оналарнинг юраги кўнгилсиз ҳодисаларни олдиндан сезади дейишса, ишонмас эдим. Мана бу гапнинг ҳақлигига минг карра ишонч ҳосил қилдим. Ўшанда бор гапни рўй-рост айтмай онамни алдаганлигим учун ўзимни ҳеч қачон кечира олмайман. Катта хато қилдим. Йигитнинг кўзларида ёш ҳалқаланди.

Мурод унинг изтиробларини эшишиб туриб сўради:

— Сиз Маҳмуд устанинг бригадасиданмисиз?

— Ҳа.

— Қарангки, бир ойдан буён шу ердамизу, бир-биrimизни танимаймиз.

— Тонг отмасдан иш бошлаб, то қоронги ботгунча ишлаймиз. Таңада жон ҳам қолмайди. Фақат қанийди тўрт-беш соат ухлаб куч тўплаб олсайдик деб ўйлаймиз. Ишламасдан бирон киши билан гап сотиб турганингизни кўриб қолишига борми, унда тамом деяверинг. Ё нонуштасиз, ё тушликсиз қолиб, кечгача оч ишлашингизга тўғри келади. Хуллас, биз бу ерда фақат очдан ўлиб қолмаслик, қорнимиз учун ишляяпмиз... Ишласак овқат беришади... ишламасак... Танишиш, гаплашиш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас.

— Исмингиз нима?

— Акбар! Сизники-чи?

— Мурод. Ёшингиз нечада?

— Билсангиз бугун туғилган куним, йигирма бир ёшга тўлдим.

— Э-э, жуда яхши, табриклайман.

— Раҳмат. Лекин хурсанд эмасман. Бугун эрталабдан буён уйдагиларни ўйлаб ўтирибман. Ҳозир уларнинг аҳволлари қандай экан деб. Билсангиз ҳар йили туғилган кунимда уйимиизда катта дастурхон безаларди. Онам эрталабдан пишириқлар пиширарди, ҳар хил салатлар тайёрларди ва албатта, паловхонтўра тортиларди. Уша дамларни жуда ҳам соғиндим, — деди Акбар ички ўкиниш билан.

- Тушлик қилдингизми?
- Йўқ.
- Нега?
- Томоғимдан ҳеч нарса ўтмаяпти.
- Яххиси, туринг, бирон нарса еб олинг, бўлмаса оч қоласиз.

Акбар унинг гапини эшитмай гапини давом эттириди.

– Икки йилдирки уйдагиларим билан ҳеч қандай алоқа йўқ. Уларни кўргим келяпти. Бир чимдим меҳрга, эътиборга қанчалик зорман. Айниқса, бугун туғилган кунимда уларнинг ёнида эмаслигимдан ззилиб кетяпман.

– Шунинг учун ҳам ўрнингиздан туринг, куч топиб бу ишларни тез тугатайлик, кейин ҳаммамиз уйимизга қайтамиз.

– Эсингиз жойидами? Қанақанги уйни айтяпсиз? Бу бизни учинчи катта қурилиш объектишимиз. Бу тугаса, кейин тўртинчиси бошланади. Улар бизни бу иморат битса кейин бошқа қурилиш бошлаганларга сотишади. Кейин униси тугаса... яна бошқасига... Хуллас, бу нарса давом этаверади. Биз эса бу марзларнинг бир чақасиз ишлайдиган мардикору, текин ишчиларимиз. Аниқроғи, ўзлари айтгандай қулларимиз... қуллар...

– Ж-аа... унчалик бўлмас.

– Нега шу пайтгача тушуниб етмадингларми? Ҳа айтганча сизлар яқинда қелдиларинг-ку.

– Тўрт ой бўлди. Бу бизнинг иккинчи қурилиш объектишимиз.

– Ана, кўрдингизми энди иккинчиси, кейин учинчи ҳам бўлади.

Мурод индамай бош эгди. Унинг ичини нимадир тирнаб ўтди.

– Бу ерлардан қутулишнинг бир йўли – фактат қочиш керак.

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

- Бунинг сира иложи йўқлигини кўриб турибмиз-ку.
- Соқчилар бор ва уларнинг бир эмас, учтадан илари бўлса.
- Билсангиз улар бизга бермаган гўштларни ўша итларига беришади.
- Ҳа... мен ҳам эътибор бердим, улар итларини яхши боқишаркан. Овқат еявериб семириб кетишган. Дарвоза томонга бу итлар ҳеч кимни яқинлаштирумайди.
- Қочиш йўлинни топиш керак. Бўлмаса... ҳаммамиз азобланиб юраверамиз. Мен анчадан буён бир нимани ўйлаб юрибман, — деб Акбар оғиз жуфтлаган эдики, иш бошқарувчи бақириб улар томон кела бошлади.
- Нега ўтирибсанлар, текинтамоқлар. Турларинг! Ишланглар!

Унинг дағдағасидан иккиси ҳам ўрниларидан туривб ўз иш жойларига қараб кетишли.

* * *

Ўшанда Акбар ўзи тўқиган ёлғони билан онасини ишонтирганидан хурсанд эди. Энди ҳақиқатан ҳам четга ўқишига кетдим, деб ишлагани кетсам-чи, деб ўйлай бошлаганди. Ўртоғи Дилшоднинг бир маҳалладоши четда ишлаб, у ёқдан анча-мунча пул билан қайтганлиги тўғрисида айтиб берган гаплари эсига тушди. Бир қарорга келиб унинг олдига борди ва мақсадини тушунтируди.

- Уйдагиларингни қандай кўндирасан? — сўради Дилшод.
- Онамга ўқишдан олиб кетиляпти, деб айтдим.
- Отанга-чи?
- Улар ҳозир Фарғонадалар. У ёқдан иш олиб ишляяпти. Ўн кунлардан кейин келиб қоладилар.

– Ёлғон гапингни билиб қолишса-чи?

– Билишмайди. Лекин онам ўқишдан ҳайдалиб күчада бекор юрганligimni билиб қолсалар юраги күтара олмайди. Ҳар қалай у ёкда беш ой ишлаб қайтсам ўқишига қайта ҳужжат топшириб ҳеч нарсани билдирамай ўқишимни давом эттираман. Кейин бир амаллаб ётиғи билан тушунтирараман.

– Шу ернинг ўзида ҳам ишласанг бўлмайдими?

– Бўлишга бўлади-ку-я, лекин уйдагилар сезиб қолишилари мумкин. Четда бўлсам у ёкда ўқиб юрибди деб ўйлашади.

– Ёлғоннинг умри қисқа, барибир бир кун ошкор бўлади-ку!

– Унгача бир гап бўлар. Ҳозир ўзим ҳам узоқтарга кетгим келяпти. Боши берк кўчаларга кириб қолгандайман. Моҳизодадан айрилдим, ўқишдан ҳайдалдим. Бу ҳақда бирорвга айтгим ҳам келмайди. Ҳаёлимга улар қанақанги иродасиз йигит экан, деб устимдан кулгандай бўлишади. Шунинг учун ҳаммадан, ҳатто ўзимдан ҳам қочиб бу ерлардан кетгим келяпти.

– Бу билан бирон нарса ўзгарадими?

– Қайдам, у ёқларда балки ҳаётимни қайта изга солишим учун бир йўл топилиб қолар.

– Шу ерда ҳам йўл топилади, дўстим. Мана, отамнинг мебель цехида иш бор. Отамга айтаман, ишлаб тургин, кейин бир гап бўлар.

– Йўқ, кўп ўйладим, кетганим маъқул.

– Майли, мен сенга таклиф қилдим агар шу қарорга келган бўлсанг ўзинг биласан, юр, Маҳмуд акани топайлик, – деб Дилшод йўл бошлади. Икки қават қилиб қурилган ҳашаматли уй олдига келиб тўхтаб Дилшод тушунтира бошлади:

– Кўряпсанми, Акбар, мана бу қасрни. Маҳмуд

уста уни ўзлари қурғанлар, зёр қурувчилар-да. Уйининг ичкарисини кўрсанг нақ саройнинг ўзгинаси. Кирсанг, ҳайратда қоласан. Маҳалламизда ҳамманинг ҳаваси келади.

У дарвоза қўнфиригини босди. Эшик ортидан - “ким” деган овоз эшитилди.

— Мен Дилшодман, қўшни кўчада яшайдиган Абдураҳмон устанинг ўғиллари.

Дарвоза очилди, уларнинг қархисида тепа соchlари тўкилган, тўлача, эллик ёшга яқинлашган киши савол назари билан қараб туради.

— Мен Дилшодман. Бу йигит ўртоғим, исми Акбар. Сизнинг олдингизга бир маслаҳат билан келган эдик.

Маҳмуд уста ичкарига киринглар дегандек уларга йўл бошлади.

Улар ўтиришгач, Дилшод гап бошлади:

— Ўртоғимнинг бошига ташвиш тушди. У ўқишидан ҳайдалди. Энди уйдагиларидан буни сирсақламоқчи.

— Хўш, бунинг менга нима алоқаси бор? — деб Маҳмуд уста Акбарга синчков тикилди.

— Сизнинг алоқангиз йўқ, шундай бўлса-да иш ошкор бўлмаслиги учун ёрдам сўраб келдик.

— Ёрдам?

— Ҳа, ёрдам. Маҳмуд ака, қўшни маҳалла йигитларини ишлагани четга олиб кетиб ишлаб келдинглар. Яқинда яна кетар экансизлар деб эшигдим. Шунга ўртоғим ҳам сизларга қўшилиб кетса дегандим.

— Ҳа, келаси ҳафтага яна кетамиз, ўзи ўртоғингнинг қўлидан нима иш келади.

— Нима иш бўлса қилавераман, гапга аралашди Акбар.

— Нима иш бўлса қилавериш эмас, у ерга фақат қурувчиликда ҳунари борлар керак. Чунки бирор пардозчи, бирор қурувчи, бирор дурадгор, яна бош-

қаси том устини ёпувчи, хуллас, қурилиш бригадаси тузилиб битта объект олиб, у тугагунга қадар ишлаймиз.

— Жон ака, мени ҳам ўзингиз билан олиб кетинг. Ўқишдан ҳайдалганимни онамга билдиromoқчи эмасман, улар бетоблар, — деди Акбар тушкун бир ҳолатда. У ҳозир кўринишдан кўнгилга таскин берувчи жавоб кутар эди.

— Сен уларни алдамоқчимисан.

— Йўқ... Ҳа... аммо яхшиликка, шундай қилмасам бўлмайди. Ёрдам беринг...

— Биз кетсак шу билан объект қачон тугаса шунда қайтамиз.

— У қачон тугайди?

— Билмадим. Олдинги қурилиш обьекти беш ой деганда тугаганди. Бу сафар ҳали аниқ эмас, қанақанги ҳажмдаги буюртма оламиз, ҳали билмаймиз. У ёқдаги танишлар тезроқ келинглар, катта иш бор, деб чақириб ётишибди.

— Ана, катта иш экан. Менга ҳам у ёқларда бирон-бир иш топилиб қолар. Ёки ўзингизга шогирд қилсангиз ҳунарингизни ўрганаман. Илтимос...

Маҳмуднинг қовоқлари солиқ, юзида ўйчанлик акс этиб туради. Бир оздан сўнг,

— Майли, савоб учун ёрдам бераман. Менга ёрдамчи бўлиб ишлайсан. Агар ишимиз тугамаса ҳам имтиҳон олди сени жўнатиб юбораман. Ўқишига кириб кетсанг бахтинг, деди.

— Раҳмат! Маҳмуд ака, раҳмат сизга. Бу яхшиликларингизни унутмайман. Қачон кетамиз, нимага тайёргарлик кўрай?

— Йўл харажати бўлади, пулинг борми?

— Бу ёғидан хавотир олманг, оғайнимга бу масалада мен ёрдам бераман. Ишлаб қайтганидан сўнг қайтаради, — деди Дилшод гапга аралашиб.

— Хўп, яхши... бўлмаса тайёргарлигинги кўра-

Гулчехра РАЗЗОКОВА

вергин. Тез орада жўнаймиз. Ҳа, айтганча китобдафтaringни ҳам олишни унутма. Ишдан сўнг шуғулланасан.

Акбар ва Дилшод хурсанд бўлиб Маҳмуд уста билан хайрлашиши.

* * *

Кунлар тобора совий бошлади. Энди икки бригаданинг одамлари совуқдан кўра бир вагонда қисилишиб ётганимиз маъқул, деб бир вагонда ётишадиган бўзиши. Тонг ҳали бўзаришга ҳам улгурмай иш бошқарувчининг ётоқقا кириб “Туринглар! Қачонгача сасиб ётасанлар! Ташқарига чиқинглар!” деган бақиришидан ҳамма уйғониб кетди. Сўнг бирин-кетин ётоқ вагонидан чиқишиб ташқарида сарф тортиши. Қаршиларида дарғазаб турган икки барзангилар бошлигининг овози янгради.

— Нима гап, тинчликми? — сўради Йўлдош устадан Мурод.

— Билмадим, — деди уста хавотирда.

Шу пайт қўлларини орқага қилиб фоз керилиб турган барзангилар бошлигининг овози янгради.

— Кечаси нима бўлганини биласанларми? — деди у чақиб олгудек оҳанѓда.

Тўпланган ишчилар ҳеч нарсани тушунмай бир-бирларига қарашди.

— Сенлардан сўрайпман, нега овозларинг чиқмайди? — яна дағдағали янгради Маратнинг овози.

Ишчилардан садо бўлмагач, у яна бақирди:

— Билмайсанларми? Унда ҳозир кўрасанлар! — деди ғазаби ошиб ва нарироқда буйруқни кутиб турган барзангиларга қараб: — Қани, анави галварсни олиб келларинг, — деб буюрди.

Унинг буйруғи билан қўли орқага боғланган Ак-

барни олиб келишди. Ишчилар Ақбарнинг ҳолатини кўриб, саросимада қўрқув аралаш бир-бир-ларига қараб олишди.

— Мана бу аҳмок қочмоқчи бўлибли. Қаёққа ҳам қочарди. Мана қўлга тушди. Энди унга мурувват кўрсатмаймиз. Чунки неча маротаба айтганмиз, қочиш, бу ўлим деб. Бўйсунмаганларнинг аҳволи қандай бўлишини кўз олдингизла кўрсатамиз. Сўнг ёнидагиларга бошлайверинглар лекан ишорани берди. Иккита барзанги келиб уни луч келган жойига қараб муштлай бошлашди. Бундай манзарани кўриш оғир эди. Деярли барча юзини тескари бурди. Фақат Ақбарнинг даҳшатли чинфириғи эшитиларди... ҳақиқий дўзах мана шу ерда эди. Барзангилар йигитнинг дуч келган жойига қараб тепишарди. Кирза этикнинг зарбидан бурун суюги ёрилиб, оғзидан синган тишлар отилиб чиқиб лабининг чеккасидан қон сиза бошлади. Ҳолсизланган Ақбар ерга юзтубан йиқилиб ҳушидан кетди. Жазаваси қайнаган икки барзанги эса энди оёғи остида буқчайиб ётиб қолган йигитни худди копток каби тепкилашарди. Бирпасда Ақбарнинг ҳамма ери қонга беланди. Инсонга нисбатан бундай ваҳшиёна муносабагни кўрмаган усталарнинг ранглари оқариб доні қотди. Четда турган Маҳмуд уста уларга ёлвориш билан:

— Ўлдириб қўясиз-ку! Шундоқ ҳам моматалоқ бўлмаган жойи қолмади, ҳушидан кетди-ку ахир, кечиринглар уни, — деди-ю лекин уларнинг чангалидан Ақбарни қутқазишга журъати етмади.

— Ўчир овозингни, сени ҳам шу кўйга солмайлик тағин! — дея ғазаб билан ўшқирди Марат.

Мурод бу гапни эшитиб товонигача музлаб кетди. Кочиш билан боғлиқ можаролар охир-оқибат жуда хунук тугашини ички бир туйғу билан ҳис қилди. Аммо қочоқларнинг бу даражада хўрлашлари етти

ухлаб тушига ҳам кирмаганди. У бўғзига тиқилган қичқириқни тутиб қолса-да, кўзларидан сизиб чиққан ёшларини тўхтата олмади. Енгини тортиб кўз ёшларини артиб калтакланаётган Акбарга қараёлмасдан юзини тискари буриб, — ярамаслар, разиллар, — дея пичирлади. Чап қўли эса мушт бўлиб тугилди.

Бир оздан сўнг барзангилар чарчашиб шекилли, тўхтаб нафасини ростлашди. Сўнг кўзларини ердан узмаётган усталарга қараб бақирди:

— Мана кўрларинг, қочаман деганларнинг аҳволини! Бир неча марта огоҳлантиридик, кимда ким қочишни ният қилса, аяб ўтирмаймиз, қочганларнинг жазоси фақат ўлим, деб. Ана ўрмонда бўрилар, тўнғизлар ва бошқа йиргқич ҳайвонлар ем учун шай бўлиб туришибди. Энди бу қочоқ бир-икки кунда ўзига келмаса қузғунларга ем бўлади.

Марат ёнидаги шерикларига қараб буюрди:

— Манавини кўздан йўқотларинг!

Улар Акбарни оёғидан тортиб ётоқ вагони томон судраб кетишли.

— Энди ҳаммангиз ишга, бугун нонушта ҳам қилмайсизлар, чунки шеригингизнинг қочишига йўл кўйиб бергансизлар, — деб ўшқирди Марат.

Йигилганлар ўзларига бириклирилган қурилиш майдончасига қараб тарқалиши.

Кечки пайт иш тугаб ётоқقا киришганида Акбар аъзойи баданининг оғрифидан инграб ётарди. Унинг синган суяклари ҳаммаёғини шишириб юборганди.

— Ҳарорати баланд. Тез ёрдам берилмаса, оғриқни юраги кўтара олмай ўлиб қолиши ҳеч гап эмас, — деди Маҳмуд уста.

— Ҳа, аҳволи оғир, бир нарса қилмасак ўлиб қолиши тайин, — деб Йўлдош уста йигитнинг устидаги гимнастёркасини ечиб, енгини йиртиб, уни оғзига буқлаб тиқиб буюрди.

— Оғзингни ёпма. Тилинг ичингга кетиб қолса ўлиб қоласан.

— Уста, мен анавилардан ёрдамми, бирон-бир дори-дармонми сўрайман, — деганича Мурод жон ҳолатда кўча томон отилди.

Пакана уста эса гимнастёрканинг қолган жойини кесиб олиб, йигитнинг баданида қотиб қолган қонларни арта бошлади.

— Шўрлик, ҳали йигирма бешга ҳам кирмаган эди-я. Ёшгина умрини жувонмарг қилди, — деди аламзада оҳангда.

Мурод иш бошқарувчиларнинг ётогига етиб келганда уларнинг кайфияти чоғ ҳолатда еб-ичишиб ўтиришарди.

— Ҳа, нима гап? — сўради Маратнинг башараси буришиб.

— Ёрдам бермасаларингиз ўлиб қолиши мумкин.

— Ким?

— Акбарнинг ҳолати жуда ёмон, алаҳсираяпти.

Шунга ёрдам керак...

— Ёрдам? Қанақа ёрдам?

— Йўқмаси жуда баланд, бирон нарса қилмасак бўлмайди...

— Йўқол кўзимдан, йўқса ўзингга ҳозир тез ёрдам кўрсатиш керак бўлиб қолади!

— Унга ёрдам бермасак ўлиб қолади. Бирон... бир... дори-дармон ё...

— Йўқол, ит эмган! Ҳозир башарангдан дарча очиб қўймасимдан... — дея у бўшаган ароқ шишасини унга қараб улоқтириди.

Мурод улардан ёрдам сўраш фойдасиз эканлигини билиб ортга қайтди.

Ичкарида Маҳмуд уста: “нима бўлди” дегандай имлади.

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

- Ҳеч нима. Бу йиртқичларга одам дегани ҳеч нарса экан. Итдан ҳам хор бўлли инсон қадри...
- Нималар деяпсан? Бу ерда қадр-қиммат ахтаришнинг ўзи аҳмоқлик. Биз улар учун одаммас, қуллармиз. Тушундингми?! Қуллар! Эртага ҳаммамизнинг бошимизга мана шу куй тушиши мумкин,
- деди жазаваси қайнаб Йўлдош устанинг.
- Ўзи аҳволи қандай? — сўради Мурод ютунганча.
- Жуда оғир, азобланаяпти, бечора.
- Нима қилиш мумкин?
- Ҳеч нима, қўлимиздан нима ҳам келарди. Дўхтири бўлмасак, бир оддий фишт терувчи устамиз, холос.
- Наҳотки, унинг жони узилишини жим томоша қилиб турсак?!

Акбарнинг атрофида ўтирган бошқа усталар ҳам нима қилишларини билмай бир-бировларидан сўрашди. Ҳеч қандай жавоб топишолмагач, бош эгишди. Бу тун ҳеч ким мижжа қоқмади. Ҳамма Акбарга қандай ёрдам беришни ўйлаб чорасиз қолишганди. Аммо унинг инграган жони тонга яқин узилди. Маҳмуд уста “Эҳ, афсус!” деганича унинг очиқ қолган кўзларини ёпиб қўйди. Акбарга ёпишиб уввос солиб йиғлаётган у билан доимо бирга юрадиган Элбек исмли йигитни базўр ундан ажратиб олишди.

Барчани оғир қайфу босди. “Энди нима бўлади? Наҳот, бизнинг қисматимизга ҳам шундай аянчли ўлим ёзилган бўлса? Бу ерлардан она ватанга қайтиш насиб қиласмикин? Ўлигимиз ўзга юртларда хору зор бўлмасмикин?” каби саволлар барчанинг миясини пармаларди.

Ниҳоят Маҳмуд уста ўрнидан қўзғалди.

— Бориб уларга Акбарнинг ўлганини айтайлик. Марҳумни уйга қайтаришмиз керак.

Унга ёши катта усталар ва Мурод ҳам эргашди.

Уларни барзанги соқчилар кутиб олишди. Вазиятни эшитиб, бошлиқларини чақириб чиқди.

— Тонгга яқин Акбарнинг жони узилди, — деб гап бошлади Маҳмуд уста.

— Жуда яхши, — деди Марат пинагини ҳам бузмасдан. — Бу сизларга сабоқ бўлсин.

— Ҳа, Акбарнинг ўлими ҳаммамизга қаттиқ таъсир қилди... энди... уни охирги манзилига кузатиш учун уйига жўнатиб юборишимиз керак.

Маратнинг башараси ўзгарди.

— Эсинг жойидами сен аҳмоқнинг. Ўликни жўнатиш дейсан, ҳатто тиригингни жўнатиш ҳам пулку! Ҳеч ким сенларнинг ўлигинг учун ортиқча сарф-харажат қилмайди. У ўлган бўлса, ўлигини нима қилиш кераклигини фақат бос ҳал қиласди. Телефон орқали боғланиб сўрайман, нима деса шу бўлади. Ҳозирча ҳамманг ионуштага.

— Ҳеч кимнинг томоғидан бирон луқма ўтмайди.

— Яхши, ундаи бўлса ишга марш.

— Акбар-чи?

— Сен тўнкага қайтариб айтяпман. Ўлик ётаверсии, у қочган жойига етиб борди. Агарда телефонда бос билан боғлана олмасак, ана, омборхонадаги каламушларга ем учун ташлаймиз. Улар ҳам бир базм қилишсин-да.

Маҳмуд устанинг ранги оқариб кетди. Нимадир демоқчи бўлди, аммо оғзи қуруқшаб оғир ютинди. Улар билан гаплашиш бефойда эканлигини англаб қўл силтади-ю “Қани юринглар кетдик” деб ўзи билан келганларни қурилиш майдони томон бошлаб, тез юриб кетди. Мурод шошилиб, нафаси тиқилганча унга етиб келди-да, титроқ қўллари билан енгидан тортиб уни тўхтатди.

— Уста, Акбар бир сұхбатида муштини кўрсатиб “омборхонада мана бундай, мана бундай каламушлар

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

бор. У маразлар жуда катта бўлиб кетган. Бундай каламушни умримда кўрмаганман, кўрқиб кетасан киши, улардан жуда эҳтиёт бўлинг, улар одамдан қўрқмайди, узоқдан ташланади ҳам” деганди. Уни фақат омборхонага ташламасин-да, у ерда каламушлар бор, – деди саросимали оҳангда.

– Ҳа, бу совуқ ўрмонда бўри, тўнғиз каби йиртқич ҳайвонлар кўп.

– Йўқ, гапимга тушунмадингиз, Акбар каламушдан жуда ҳам қўрқарди. У омборхонадан чиққан каламушларни кўрган экан. Улар одамхўр каламушлар деганди.

Маҳмуд уста гап нимада эканлигини англаб, ўзигами ёки Муродгами тасалли бермоқчи бўлди.

– Ж-а ... ударажага боришмас. Ахир, улар ҳам инсонку! Одам фарзанди-ку! Омборхонага ташлаймиз, деб бизни қўрқитиш учун айтишяпти. Бизни ҳам қочишга уринишмасин, деб шундай дейишяпти-да.

Унинг гапидан бошқалар ҳам шундай бўлса керак, деб ўзларини тинчтишиди.

Кечга томон ҳамма йиғилиб ётоқ вагонига киришиди. Акбарнинг ўлиги ҳали ҳам вагонда эди. Хонага бадбўй ҳид тарқаган, ётоқ вагонининг дераза ойнасининг тирқишидан кирган ўрмон чивинлари унинг атрофига овоз чиқаришиб учиб юради.

– Нима қилиш керак? – дея савол назари билан Маҳмуд уста Йўлдош устага қаради.

– Билмадим...

– Акбарнинг ўлиги уларнинг эсидан чиққан бўлиши керак.

– Уларнинг олдига бир таваккал қилиб бориб тушунирайлик, бу нарса мусулмончиликка тўғри келмайди, деб. Зора бизни тушуниб шу атрофдаги бирон-бир жойга кўмишга рухсат беришар.

– Юинглар, ҳаммамиз бориб улардан илтимос қиласиз.

Улар шундай дейишиб иш бошқарувчисининг олдига келишиди.

- Нима гап? – дея бўзрайди Марат.
- Майитни кўмишга бизга рухсат берсангиз, деб олдингизга келувдик, – деди Маҳмуд уста.
- Нима, эсинг жойидами?
- Ахир, биз инсонмиз, ҳайвон эмасмиз-ку!
- Бу билан сен бизларни ҳайвонсанлар демоқчимисан.
- Йўқ..йўқ... – дудуқланди Маҳмуд уста. Ҳар қалай мусулмонмиз. Бизда марҳумларни кўмиш бурч ҳисобланади. Колаверса, икки кундан буён у ётотимизда. Ҳеч биримиз мижжа қоққанимиз йўқ.
- Биз шунинг учун ҳам уни шу ҳолда сақлаяпмиз. Бу сизларга сабоқ бўлсин деб. Яна ким қочишга уринса, унинг аҳволи бундан-да ёмон бўлишини кўринглар деб.
- Биз хulosса чиқардик. Бундай ҳол бошқа қайтарилмайди. Ёш усталарга ҳам буни уқтиряпмиз. Акбаржоннинг хатоси, унинг ўлими биз учун катта сабоқ. Лекин, уни бизга беринг илтимос... уни... кўмишга... рухсат беринг. Эвазига туни кун ишлаб берамиз. Ишдан ҳеч биримиз қочмаймиз.

Қонли кўзини гир айлантириб Марат улар томон икки қадам ташлади ва заҳархандалик билан уларга бақирди:

- Шундоғам ишлайсанлар! Ишламай кўрларингчи! Сенларни палон пулга сотиб олганмиз-у, ишламайсанларми? Текинтомоқлар, сенлар текин нон еяпсанлар. Уни оқлашларинг керак. Хulosса чиқарган бўлсаларинг жуда ҳам яхши. Фақат ҳозир жойингизга бораверинглар, мен гапингизни босга етказаман. У рухсат берса хабарини йигитлар сизларга айтади.

Усталар секин-аста ортларига қайтишиди. Уларнинг барчаси қайфуга ботган. Йўлдош уста билан ёнмаён келаётган Маҳмуд уста секин гап бошлади. –

Ҳаммасига мен сабабчиман. Уни бу ерларга олиб келмаслигим керак эди. Ўшанда йиғлаб уйимга келганида унга яхшилик қилай, кўчада бекор юргандан кўра тўрт-беш ой ишлаб бир ҳунар эгаллайди. ўзи ҳаётнинг паст-баландини кўради, шогирд қилиб тайёрлайман, деб шу ёқларга олиб келгандим. Минг афсус. Олиб келмаганимда шу кўргиликлар бўлмасми? Ота-онасига энди нима дейман...

— Уста, сиз шундай дейсиз-у, мен шу ерлардан эсон-омон бола-чақамни олдига қайтиб боришга ҳам ишончим қолмади, — деди Йўллош уста қайғуга ботиб.

— Унақа деманг, умидни ҳеч қачон йўқотманг. Оллоҳнинг ўзи бизга бир йўл кўрсатар. Акбаржон, “мен қочсам, албатта сизларни қутқараман”, деб кўп айтарди. Лекин мен уни шунчаки гапирайапти, деб “бу ўйни хаёлингга келтира кўрмагин” деб уришардим. Чунки икки йилдан буён ҳеч кимса бу дўзахдан қочиб кутулолмаган. Бир-икки бор уринганлар ҳам бўлди, уларнинг аҳволига маймунлар йиғлади... Ўқтам чўлоқ ошпазимиз бор-у, у ҳам қочишга уринган.

— Чўлоқ бўла туриб қочмоқчи бўлдими?

— Йўқ, у чўлоқ эмасди. Курилиш жойида анави ярамасларнинг бизни сотмоқчи бўлган разил ниятини эшитиб қолиб пайт пойлаб қочмоқчи бўлган. Ўн метрли баланд девор бўларди, ўшанинг устига чиқиб нариги томонга ўзини ташлабди. Орқа томонда қуриб, қулаб тушган дарахтнинг шохларидан ўтинлик қалаштирилган экан. Ўқтам жон бехосдан шуларнинг устига йиқилган ва ўнг сонига дарахтнинг йўғон шохи худди найзадай кириб нариги тарафини тешиб чиқкан. Унинг ҳаммаёғи қонга беланган ҳол-да олиб келишиб вагонга ташлашди. Тез ёрдам бермаса, кучли оғриқдан ёки қон йўқотишдан ўлиб қолиши ҳеч гап эмасди. Худди Акбаржонга ёрдам беришларини

сүрагандай, унга ҳам ёрдам беришларини сўраб боргандай, улар бизни уриб ҳайдаши. Ётоққа кирсак, Ўқтамжон чидаб бўлмас оғриқда инграб ётарди. Унинг гишига дарров нимадир қисиб қўйдим. Қаттиқ тишила, деб буюрдим. Жон-жаҳдим билан сонини тешиб ўтиб синиб қолган ёғочни тортиб чиқардим. Қон худли вулқон сингари отилиб чиқди. “Тез тоза латта беринглар”, деб бақириб икки кафти билан тешикни ёпиб турдим. Кафтларим қон шалабbosига ботди. Шунда Акбаржон ички кийимини бериб, “майкам тоза, шу билан боғланг”, деб уни йиртиб менга узатди. Мен уни билагимдан ўтказиб, иккинчи учини қон чиқаётган жойга қўйиб тортиб боғладим. Ўқтамжон оғриқдан оғзи юмиқ ҳолда инграли. Қон эса тўхтамасди. Деярли барча усталар тоза ювилган кийимларини олиб келиб берар, сония ичидан улар қип-қизил қонга беланарди. Бир неча дақиқалар бу аҳвол давом этди. Ниҳоят хаёлимга тешикни тикмаса қон тўхтамайди деган хаёл келди ва қўлимга игна олиб ёрилган жойни тикишга киришдим. Билсангиз оғриқ қолдирадиган дорисиз, игна унинг баданига кириб чиқишидан бечора, жон-жаҳди билан бақира-бақира ҳушидан кетди. Тикиб бўлиб боғладим. Латта куйдириб кулинни унинг устига сепдим. Ниҳоят, муолажадан сўнг отилиб чиқаётган қон ҳам бир оз ўтиб тўхтади. Ўқтамжон эртаси кун хушига келди ва секин-секин оёққа турди. Қочганлиги учун жазолаш мақсадида унга овқат ҳам беришмади. Овқат емаса кучни қаердан ҳам олади, қон кўп йўқотган бўлса. Биз раҳмимиз келиб ўзимизга берилиган овқатдан оз-оздан ўғирлаб унга олиб келиб берардик. Икки-уч кунда у сал тузалгандай бўлиб ўрнидан турди. “Ейдиган нонингни оқлаб егин. Сен текинтомоқ ҳозирча ошхонада ишлайсан”, – деб уни ошпазга ёрдамчи қилишди. Вақт ўтиб оёғининг

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

яраси битишга битди-ю, лекин Ўқтамжон оқсоқ бўлиб қолди. Менимча, ўшанда оёгининг бирон-бир томири лат еган, шекилли. Кейин унинг пиширган ширин овқатлари иш бошқарувчига маъқул бўлди ва уни ошпаз қилиб қўйди. Шу-шу у ошпазлик қилиб, уларнинг кир-чирини ювиб юрибди. Олдин Асилбек деган йигит ошпазлик қиласарди. У ҳам алданганлардан бири эди. Унга катта ойлик берамиз, деб ўрмонда дараҳт кестиришда ишлатишган. Бу совуқ ўрмонларда жуда кўп дараҳт кесишган. “Меҳнатимиз оғир эди”, дерди. Қулатишган дараҳтлари одамларни босиб қолган вақтлар ҳам бўлган экан. Ўзини ҳам йигирма метрли катта бир қайин дараҳтини кесаётган вақтида электр арраси икки бармоғини кесиб кетган. Уни бошқа ишга ярамайди, ҳеч бўлмаса, ишчиларга овқат пишириб бериб турса бўлди деб, шу ерга олиб келиб ташлаб кетишган. Бояқишининг қўли ширин эди. Жуда ҳам ширин овқат пиширади. Ўқтамжонни унинг ўрнига олишгач, Асилбекни яна қаерларгадир жўнатвориши.

— Нега уйига қайтариб юборишмаган?

— Эҳ, Йўлдош ака, сизга айттим-ку бу ерлардан, бу маразларнинг қўлидан ҳали ҳеч ким қутулиб чиқмаган, деб... лекин... лекин... шўрлик Акбаржоннинг ўлими жуда ёмон бўлди. Майли, у ҳам Ўқтам чўлоқдай чўлоқ бўлибми, Асилбекдай қўли бармоқсиз бўлибми, ёки бошқа бўлибми, нима бўлсаям тирик юрса бўлдийди... Билсангиз, Йўлдош ака, унинг ўлигидан уяляпман.

— Одам ҳам ўликдан уядими?

— Олдига киришга юрагим бетламаяпти. Қўл қовуштириб ўтиришдан бошқа иложини тополмаётганимдан уяляпман.

— Маҳмуджон, ҳаммамиз ҳаракат қиляпмиз. Зора анавилар инсофга кириб қолишса...

— Қанийди, ҳеч бўлмагандаги унинг олдидаги сўнгги бурчимни бажарсайдим. Ҳаммадан ҳам ёмони... мабодо... шу ерлардан эсон-омон уйимизга қайтсак... ота-онасига нима дейман. Ўғилларини кўз олдимизда уриб ўлдиришганини ҳеч қачон айттолмасам керак...

Маҳмуд уста чуқур уф тортиб, изтиробда бошини чангаллаб ўтириб қолди.

Орадан бирон соатлар ўтиб иш бошқарувчининг барзангилари кириб Маҳмуд уста билан Йўлдош устани чақирди, уларга нималарнидир тушунтириши. Иккаласининг ранги ўчиб, худди докадек оқариб кетди. Бироқ барзангиларнинг дўқидан кейин “хўп... хўп... ҳозир бажарамиз” дейиши. Улар чиқиб кетишгач, бошқа ишчиларга сизлар шу ердан чиқмас экансизлар, биз фақат иккимиз уни сўнгги манзилига кузатарканмиз, дейиши.

— Уни қаёққа кўмишадиган бўлиши? — сўради пакана уста.

— Буниси бизга қоронфи. Фақат Йўлдош уста билан боришимни буюриши, — деб Маҳмуд уста Акбарнинг жасадини ётган адёлига секин ўраб, икки кишилашиб кўтариб чиқиб кетиши.

Орага совуқ жимлик чўкди. Ҳеч кимдан садо чиқмади. Ҳамма қаттиқ қайғу билан нималарнидир ўйларди. Элбек ётоқ вагончасида у ёқдан-бу ёққа мақсадсиз юра бошлаб чарчади шекилли, бир чеккада ўйга чўмиб ўтирган Муроднинг ёнига келиб ўтири.

— Мурод, ўзимни қўярга жой тополмаяпман. Акбарнинг ўлганига ҳеч ҳам ишонгим келмаяпти, — деди у аламли оҳангда.

— Мен ҳам, — деди Мурод ҳорғин овозда.

— Агар қочишини билганимда эди, уни бу йўлдан қайтарган бўлардим.

— Ҳамма бехабар қолди-да. Билишганида уни бу йўлдан қайтаришарди. Сиз ҳам ўзингизни кўпам

айблайверманг. Пешонамизга шу кунлар ёзилган экан, сабрдан бошқа иложимиз йүк.

— У менинг энг яқин ўртогим эди. Биз доимо бирға әдик. Сирлашардик. Чиндан ҳам у меҳрибон инсон эди. Хафа бўлган кезларимда ҳазил-ҳузил қилиб, мени кулдиришга уринарди. Оғир ишларда бир-биrimизга ёрдам берардик. Ҳатто мана шу тор вагончада ҳам битта ёстиққа бош қўйиб, битта кўрпани устимизга ёпиб, бирға ётардик. Кўзимни юмсам, у ёнимда ётгандай, менга кулиб қараб тургандай бўляпти. Унинг йўқлигига чидолмаяпман. Охирги кунги айтган гапини эса ҳеч эсимдан чиқара олмаяпман.

— Нима гап эди?

— Яқинда ҳаммаси тугайди, биз озод бўламиз деган эди. Мен эса унинг гапини ҳазилга олиб кулувдим. “Рост мана кўрасан” деганди у жиддий оҳангда. Мен унга ишонмагандим. Демак, у қочишни олдиндан режалаштирган. Нега унинг режасини пайқамадим? Уни бу йўлдан қайтармаганимга минг бор пушаймонман.

— Кўпам ўзингизни айблаб, сиқилаверманг. Шуна-қа бўлишини ҳеч ким билмаган. Билганда эди... ҳа айтгандай, сиз бу ерларга Акбар билан бирға келганимисиз?

— Йўқ. Мен аслида электрик бўлиб ишлардим. Бир куни ишхонамизга қўшни қишлоқдан Носир исмли йигит келди. У оғиз кўпиртириб – ишлашни хоҳлайсизларми? Россияда қурилишда иш бор. Зўр жой, ўзим неча йилдан бери ўша ёқда ишлайпман. Иш оғир эмас, фақат кабель тортиш билан шуғулланасизлар. Бошланишда иш ҳақларингиз беш юз “кўки”да бўлади, кейинчалик ишларингга қараб кўпаяди. Яшаш жойи, тўрт маҳал иссиқ овқат билан таъминлайди. Йўл харажатларини ҳам ўzlари тўлайди, – деганига чиппа-чин ишонибман. Ота-

онамнинг қаршилигига қарамай Носир билан кетишига қарор қилдим. Тошкентгача тўрт киши бўлиб таксида келдик. Йўлкирани серҳиммат Носирнинг ўзи тўлади. Сўнг Қозоғистон чегарасидан ўтдик. Рязанга жўнаётган автобусга миндириб, у ерда сурхондарёлик Низом исмли таниши кутиб олишини, ўзи ҳам ишларини битириб, кейинроқетиб боришини тайинлаб, хайрлашди. Рязанда бизни қаршилаган Низом Россияда ишлаш учун хужжат тайёрлаб бераман, деб паспортларимизни йиғиб бизни шахар четидаги чала битган бинога олиб келди. Жуда совуқ, яшаш учун шароит деярли бўлмаган бу жойда бизни Акбар ва бошқалар қарши олишди. Улар ҳам ишлагани келишган экан. Эртаси куни бизга Самил исмли киши рўпара бўлди. Унинг раҳбарлигига чала битган бинога қариб икки километрдан кабель тортиб келиш учун ер қазиш ишларини бошлаб юбордик. Иш жуда оғир эди. Белкурак ва керки билан эрталаб соат саккиздан ярим тунгача ер кавлардик. Самилнинг зуғуми кун сайин ортарди. У мусоғир ишчиларни одам ўрнида кўрмас, тинимсиз ҳақоратлаб ишлатарди. Низомга пул бериб, бизни сотиб олганини, бизундан қарздор эканлигимизни, бу қарзларни иш ҳақимиздан ушлаб қолишини писанда қиласди. Биз ундан ишлаб пулимизни ололмадик. Орадан бир ойларча ўтгач, Низом яна икки нафар йигитни етаклаб келди. Биз уни кўришимиз биланоқ ундан паспортларимиз ва иш ҳақларимизни талаб қилдик. У Самил билан тил бириктириб, бизга таҳдид қилишда давом этди. Охири “Носир ва Нозимдан фалон рубль миқдорда қарздорман, Ўзбекистонга борганимдан сўнг уларнинг устидан ҳеч қаерга, ҳеч кимга шикоят қилмайман, ўз хоҳишим билан қарзимни узиш учун ишляяпман” деган мазмунда тилхат ёздириб, бошқа қорасини кўрсатмади. Қаллобларнинг найрангиға алданганимиздан буён Ак-

бар билан бирга әдик. Э-хе, у билан қанча ситамли кунларни бошимиздан ўтказдик. Қанчадан қанча хор-зорликка, қийинчиликларга чидадик. Алдан-ғанлигимни билиб, эзилиб юрган вактларимда у менга далда бериб, күнглимни күтарарди. Айниңса, қиши кунларининг бирида қаттиқ шамоллаб қолдим. Ҳароратим баланд, ўттиз түққиз, қирққа чиқиб кетади. Бизни эса касал бўлишга ҳаққимиз йўқ эди. Чунки дори-дармон берилмас, овқат фақат иш жойимизга келтириларди, ишламасак улар бизга овқат беришмасди. Шундай оғир кунимда Акбар уч кун, ҳам ўзига ажратилган, ҳам менга ажратилган жойни ўзи қазиб менга овқат олиб келганди. Эх-хе, бу мусоғир юртларда бошимиздан қанчадан-қанча қийинчиликлар ўтмади дейсиз... Энди эса... Акбарнинг ёнимда йўқ эканлигидан ёниб кетяпман... ёниб...

Элбек индамай қолди. Унинг юзида ғамгинлик акс этарди. Мурод унинг қалбига бошқа озор бермаслик ниятида савол бермай чуқур нафас олганича, ерга бокди. Бўғзига нимадир қадалгандай кафтини томоғига қўйди. Акбар билан бўлган суҳбатлари кўз ўнгидан ўта бошлади.

Орадан бирон соат ўтар-ўтмас Маҳмуд уста билан Йўлдош уста ётоққа кириб келишди. Уларнинг қош-қовоғидан бирон кўнгилсизлик юз берганлиги сезилиб турарди. Мурод хавотирини яширмай Маҳмуд устадан сўради:

- Нима бўлди?
- Ҳеч нима...
- Жойига урф-одатларимиз бўйича қўйдиларингизми? Ёки... кафансиз... – сўради зўрга Элбек.

- Қанақа кафани айтаяпсан. А... қанақа кафани! Қанақа урф-одат! Улар Акбарни ўлдиришди... уни ўлдиришди! Тушуняпсанми, уриб ўлдиришди!..

— Ўзингизни қўлга олиб, нима бўлганини гапириб беринг.

Ундан садо чиқмагач, Мурод нима гап дегандай Йўлдош устага қаради.

— Яххиси, бу ҳақда мендан ҳеч нима сўрама, — деб Йўлдош уста чуқур уф тортганича жойига чўзилди. Кейин унга қараб турганларга: — Қани ётинглар, эртага барвақт ишни бошлишимиз керак, — деб ўзи тескари томон ўгирилди.

Ҳар ким ўз ҳолича дуои фотиҳа қилиб бўлгач, жой-жойига ётишди. Уларга Ақбарнинг қандай кўмилганлиги сирлигича қолди. Бироқ шу кеча икки уста мижжа қоқмай чиқди. Уларнинг кўзларидан тўкилган аламли, аччиқ кўз ёшлари ёстиқларни ҳўл қилди.

* * *

Иш тугагач, Йўлдош уста оғир қадам ташлаб бораркан, бир муддатга тўхтади. Пушаймону армон соя солган кўзларини кўкка қадади. Гардсиз само беҳад йироқ кўринди кўзларига, оёғи остидаги замин чандон тош-метиндек туюлди. Ҳа, энди англади у ватан қадрини, озодлик нима эканлигини. Ўз тупроғининг ҳар бир заррасининг ҳеч нарсага қиёси йўқлигини. Вақтнинг ҳам орқага қайтариб бўлмаслигини жуда кеч англади.

— Эй худо... — нолачекдиу. — етти ой-а... ўзга юртларда сарсон-саргардон бўлиб юрганига ҳам етти ой бўлди... Келганимдан буён нимага эришдим. Меҳнат қилиб ким учун ишладим. Қадрсиз, фақатгина қоринни чала тўйдираш учун шу ерларда хору зорман. Уйда қолган фарзандларимнинг аҳволи нима кечди экан?! Дом-дараксиз кетган эрини кутаверган хотинимнинг аҳволи қандай?! Унинг гарданидаги рўзгор юки эзib юбормадимикан?! Яқин қариндошлари у ҳақида нима

деб ўйлашаяпти экан?! Ўз-ўзига берадиган саволлари жуда кўп. Лекин бирортасига жавоб йўқ. Шу дамда унинг армонга айланиб, вужудини ларзага соган пушаймонлар. дарду аламлар қалбини остин-устин қилиб, унинг кўзларида ёш, бўғзида фарёд қотарди. У шарти кетиб парти қолган қариялар мисол оёқларини судрай-судрай қурилиш иморатининг ёнидаги дарахт ёнига етгач, тақир ерга ўтирди. Худди, умрида биринчи марта кўраётгандай иморатга узоқ разм солди. Унинг қаршисида ҳайҳотдек кошона кўкка бўй чўзиб туради. Ҳовлини ўраб турган баланд фиштин деворлар, оқ мармарли бассейну фавворалар бир зумда унинг кўзидан йўқолиб ўрнига ғам-қайғу ичидаги хурсандчиликни унутган усталарнинг ҳорғин қиёфалари, қабрсиз, йиртқичларга ем бўлган Акбарнинг жасади гавдаланди. Узоқ хаёлга толди, кейин секин ўрнидан туриб, ётоқ вагони томон юрди. Бу ерда Мурод билан усталарнинг одатдагидай тортишувлари давом этаётганди.

— Тортишишдан фойда йўқ, — деди Йўлдош уста ўртадаги баҳсларга нуқта қўйиб.

— Биламан, ит азобида ишляяпмиз. Еб-ичишимизда маза йўқ. Бирор чорасини топмасак, қишдан чиқишимиз қийин.

— Нима қиласми, қочамизми? — хавотирда сўради пакана уста.

— Эсинг жойидами, ўзи? Паспортсиз қаергаям борардик? Тўпланиб қочадиган бўлсак, дарров кўзга ташланамиз-ку, — деди секингина Йўлдош уста атрофга хавотирли нигоҳини қадаб. — Яхиси, ичимишдан чаққонроқ, рус тилини биладиган бир кишини қочиришимиз керак.

Усталар бир-бирларига қараб ўйланиб қолишли.

— Агар қўлга тушса, ўлдиришлари аник, — деди пакана уста ваҳима билан.

— Ҳа, түгри. Ўлдиришади. Лекин бундай азобда қўл қовуштириб ўтиrolмаймиз-ку. Бирон чорасини кўрмасак ҳаммамизнинг бу ерда бирин-кетин ўлиб кетишимиз аниқ, — деди Йўлдош уста масаланинг нақадар жиддийлигини таъкидлаб.

Усталардан ҳеч бири қочишни истамасди. Ахир, бу муқаррар ўлим эканлигини, айниқса, Ақбарнинг ўлимидан сўнг улар яхши билишарди. Шунинг учун ҳам ҳеч бирининг кўнгилли бўлиб ўртага чиқишига юраклари дов бермади.

— Қани қайси биринг шу ишни қиласан? — жиддий сўради Йўлдош уста йигитларга қараб. Ҳеч кимдан садо чиқмади.

— Мен розиман, бу ишни мен қиласман. Мен қочаман, — деди Мурод.

Йигитлар унга ҳайратланиб қарашди. Очифи, Муроддан ҳеч бири бу журъатни кутмаганди. Негаки, у йигитларнинг орасида энг озфини ва кучсизи эди. Буни Йўлдош уста ҳам яхши биларди. Аммо Муроднинг қишлоқда қора меҳнатда тобланган чайир ва айтганини қиласиган тиришқоқ, фуурли бола эканлигини улар тасаввур ҳам қилишолмасди. Шу сабабдан кўпчилик Муродга ишонқирамай қарашди. Назарларида Мурод ҳозир қўрғондан чиқади-ю, узоққа бормай тезда қўлга тушади, деб унга раҳмлари келгандай қараб туришарди.

— Яхши, — деди Йўлдош уста диққат билан Муроднинг кўзларига тикиларкан. Кечки овқатни еб келайлик яна бу масалада маслаҳатлашамиз.

Кечки овқатдан сўнг улар ётоқ вагонига қайтишди. Ҳамма Йўлдош устанинг атрофига йиғилишди. Йўлдош уста Муродга қараб секин гап бошлади:

— Унда, гап бундоғ, яна икки соатлардан кейин анави барзанги йигитлар ҳам уйқуга кетишади. Фақат биттаси қўрғон атрофида ити билан айланиб

юради. Шундан ўтсанг, у ёғи ўрмон, кетаверасан. Йўлдош устанинг бу сўзларидан йигитлар ҳайрон бўлишди. Ҳатто Мурод ҳам. “Буни қаердан билади”, деган савол шу топда барчанинг хаёлидан ўтгани аниқ. Ахир, Йўлдош уста анчадан бери шу режани тузиб, кечалари қўргон ташқарисидаги йигитларнинг ҳар бир қадамини кузатиб юрганини улар қаёқдан ҳам билишсин!

— Шу ердан чиқиб шаҳарга етсам бўлди. Ундан кейин нима қилишни ўзим биламан. Агар юртимизга етиб олсам, энг аввало, сизларни бу ма-разларнинг қўлидан кутқариш ҳаракатини қиласман, — деди Мурод ишонч билан усталарга қааркан.

— Ҳа, бор умидимиз сендан. Иложи борича тўхтовсиз эрталабгача узоқроқقا етволишинг керак. Акс ҳолда нима бўлишини ўзинг биласан, ука. Ҳеч ким сенинг ўртанга тушолмайди... Лекин, қўлга тушмасликка ҳаракат қил, ҳаммамизнинг умидимиз, ишончимиз фақат сендан, — деди Йўлдош уста ҳоргинлик билан.

Мурод унинг сўз оҳангига анчадан бери эшитмаган меҳрибонлик ҳиссини туйди.

— Мендан хавотирланманг. Қўлга тушмасликка ҳа-ракат қиласман!

Орадан икки соат ўтиб қўргон девори ёнида Мурод ва Йўлдош уста бошчилигида яна икки уста йигит пайдо бўлишди. Улар Муродни бир амаллаб баланд девордан ошириб юборишли. Бир неча лаҳзадан сўнг Мурод келишилгандек деворнинг нариги томонидан икки марта тақиллатди. Бу ҳаммаси жойида деган сўзни англатар эди.

Мурод қафасдан чиққан эркин қушдек ўрмон оралаб эҳтиёткорлик билан югуриб кетди. У энди қоронғида оёқлари остидаги шоҳ-шаббага ўралашиб гоҳ йиқилар, гоҳ туриб шиддат билан олға интиларди.

Агар тўхтаса, худди орқасидан кимдир югуриб келиб ушлаб олаётгандек туюларди. Шу боис у, жон ҳолатда олдинга талпинарди. Мана, тонг ҳам ёришиб қолди. Аммо ўрмон ҳали-бери тугамайдигандек кўринади. Нима қилсин? Тўхтаб дам оладиган бўлса, вақтдан ютқазади. Қанчалик олдинга ҳаракат қилса, оёқлари ҳолсизланиб унга бўйсунмаётгандек эди. Ахир, кечадан бери тўхтамай йўл юрди. Бунинг устига тонггача бир дақиқа ҳам тўхтамай югурди. У борган сари куч-қувватдан қола бошлади. Ўзини каттагина ялангликдаги майсалар устига отди. Кўзини бирпасга юмди-ю, чуқур-чуқур нафас ола бошлади. Чалқанча ётиб самода сузиб юрган оппоқ булутларни кўриб, энтикиб кетди. Қанийди ҳозир шу булутларнинг бир парчаси бўлиб қолсаю, юртига учиб кетса. Аммо унинг бу энтикиши узоқча чўзилмади. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, итларнинг вовуллаган овозлари эшитилди. Мурод бирдан сергак тортди. Итлар унинг изини олиб келаётганига ишончи комил бўлди. Наҳотки, тутволишиб шу ўрмонзорда ўлдириб юборишса! Бу ёмон фикрдан унинг ўзи ҳам сесканиб кетди. Йўқ, йўқ! Бўлиши мумкин эмас! У шундай дедиу, ўрнидан турди. Ўзини яна қалин ўрмонзорга урди. У энди тўхтамади. Ҳар бир дақиқа ғанимат. Қўлга тушса, ҳаммаси тамом бўлади! Шу хаёллар билан у шиддат ила югуриб кетарди. Ҳатто орқасига қайрилиб қарашга ҳам қўрқарди. Ниҳоят, у шарқираб оқаётган қайсиdir бир дарёning қирғоғи олдига келиб тўхтади. Сув шиддат билан оқар, нариги қирғоқ эса анча олис эди. Муроднинг олдида икки йўл бор эди. Ё ҳозир ўзини мана шу асов сувга отиб бу ердан тезроқ кетиши, ёки ўн дақиқадан кейин итларни етаклаб келаётган ваҳшийларга ўзини топшириши керак. Вақт эса ўтиб борарди. Охири у тавакал қилиб, жон ҳолатда сувга шўнғиди. Балки

Гулчехра РАЗЗОКОВА

Оллоҳ унга ёрдам берар! Яхшиямки, бир вақтлар бундан кичикроқ бўлса-да, қишлоғидаги оқар сувларда кўп чўмилганди. Шу боис бўлса керак, бу катта сувда оқиб бориш унга кўп ваҳима туғдирмади. Бир неча дақиқада у анча ерга оқиб кетганди. Энди у иложи борича нариги қирғоққа сузуб ўтишга ҳаракат қиласди. Масофа эса борган сари қисқариб бораётганидан унда умид учқунлари порлади. Қирғоққа етиш ўлимдан қочиб қутулиш деган гап эди. Мана у сўнгги кучини йифиб қирғоққа интилиб етиб келди. Дараҳт илдизларига маҳкам ёпишиб, бир оз сув ичида тин оларкан, орқасига қаради. Дарёнинг кенглигию, шиддатли оқимни кўриб юраги ваҳимага тушиб кетди. “Наҳотки, мен шу дарёдан сузуб ўтган бўлсам!” – деди у ўзига ўзи. Ҳақиқатда эса Мурод шу топда ўз ҳаётидаги энг катта жасоратни кўрсатиб бўлган эди. Бу ёғи энди унга қўрқинчли эмас. Бемалол шаҳарни топиб борса бўлади! Шундай хаёллар билан у сувдан чиқиб ўрмонга кирди. Ўзини катта дараҳт тагига ташлади. Наҳотки, улардан қутулган бўлсам? Наҳотки, тирик қолдим? Мен барчасидан озод бўлдимми? Шу фикрлар унинг хаёлида чархпалак бўлиб айланар, юраги эса қувончдан ҳаприқарди. У уйидан чиққандан буён ҳали бунчалик хурсанд бўлмаган эди. Бошини кўм-кўк, шудринги майсалар устига қўяркан, кўзларидан ёш сизиб чиқди. Бу қувонч ёшлари эди. Ахир, у бугун ажалнинг оғзидан қайтиб келганди-да!

* * *

Тонгнинг аччиқ аёзли совуғи Муроднинг ҳўл бўлган кийими устидан ўтиб танасига найзадай санчила бошлади. Ҳали ҳаяжонданми ёки хурсанд бўлганиданми оёғига эътибор бермаган экан. Коғ чаётганда йиқилганда оёғидаги туфлиси тушиб

қолган ёки дарёдан сузиб ўтаётган вақтида бир пойи оқиб кетган шекилли, ўнг оёғи тарашадай қотди. У секин ўрнидан турди ва қирғоқقا яқинлашиб бир пой туфлисини ахтарди. Уни тополмагач, қўлидаги дарахт новдасини сувга иргитди. Дарё суви шу даражада тез оқардики, унга тушган дарахтнинг новдаси бир зумда кўздан узоқлашди. “Оббо, энди туфлисиз нима қиласман? Майли, оёқ яланг ўрмонда бир амаллаб юрарман, лекин шаҳар ичидан қандай юраман? Қолаверса, ҳозир қиш ойи бўлса, ҳамма менга шубҳа билан ёки ҳайрат билан қарамайдими?” У шундай деб ўзига бирон-бир йўл топа олмади. Хаёл билан дарё қирғоғидан узоқлашиб, қуюқ ўрмон ичига кирди. Тўрт томони фақат дарахт. Ҳаттоқи сўқмоқ йўл ҳам кўринмайди. Бу қалин ўрмонзорда бирон-бир одамга дуч келиш ҳам қийин. Нима бўлса бўлар деб таввакал қилиб тўғри томонга қараб юрди. Оёқ яланг ҳолда бирон чақирим юрдики, лекин қархисида бирор йўл ёки бирон-бир уй кўринмади. Одам боласининг жони қаттиқ деганлари рост экан. Мурод ҳам тақдирига тан бериб, ҳамма нарсага бардош берди. Аммо бир нарса, у ҳам бўлса, очликка чидаш қийин экан. Шу сабабдан у тобора қувватсизланиб борарди. Туз тотмаганигаям икки кун бўлди. Аммо чидаши керак. Унда бошқа йўл йўқ! Очликдан лаблари гезариб титради. Оёғидан зимиллатиб ўтаётган совуқ бора-бора таъсир қилмай қўйди шекилли, танаси совуқни сезмай, худди бироннинг оёғи, бироннинг қўли каби тараша ҳолатга кириб ҳаракатлана бошлади. Мурод ҳолсизланиб катта эман дарахти ёнига бориб унга суюниб ерга чўкди. Исинай деса бирон-бир иссиқ нарсанинг ўзи йўқ. У нажот излаб чор-атрофга термулди. “Наҳотки, бу ўрмоннинг охири йўқ. Агар бу ерлардан чиқиб кетолмасам нима бўлади? Ҳаммаси тамомми? Совуқдан, очликдан

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

ўлиб кетадими? Қузғунларга ем бўладими? Йўқ, ҳали танасида жони бор экан, юриши керак. Лекин қаёққа? Йўл йўқ-ку!” У бир амаллаб ўрнидан турди-ю, олдинга интилди, яна йигирма-ўттиз қадам юриб ерга юз тубан йиқилди.

* * *

Кўзини очганда қаршисида олтмиш ёшлар чамасидаги рус аёл туради. У катта пух рўмоли билан уни ўраган, оёқ-қўлларини кафти билан ишқаларди.

— Ҳа, ўзингга келдингми? Шу совуқда ҳам оёқ яланг юрасанми? Уст бошинг ҳам ҳўл бўлиб совуқда музлашга улгурибди.

Мурод ҳеч нима демай ўрнидан туришга ҳаракат қилди. Боши айланиб қаддини кўтаролмай яна ўтириб қолди.

— Кимсан? Жиноятчимисан?

— Йўқ.

— Ақлинг жойидами?

— Ҳа.

— Ўзингни ўлдирмоқчимидинг?

— Нега?

— Нега бўларди, ахир соғ одам шундай совуқ кунда ўрмонда оёқ яланг кийим бошлари ҳўл бўлиб музлаб юрармиди.

— ...

— Ёки адашиб қолдингми?

Мурод “ҳа”, дегандек бошини қимирлатди. Саволларига жавоб беришдан қўрқди. Ким билади, балки бу аёл ҳам Марат ва унинг шерикларини танир. Ёки ўша маразларни бу ерга чақирав. Нима бўлса ҳам унинг саволларига жавоб бермасликни лозим топди.

— Исминг нима?

— Мурод.

— Қаердансан?

— Ўзбекистондан?

— Йўғ-е, мен ҳам Ўзбекистонданман.

— Нима?

— Ўзбекистон менинг ватаним. У ерда туғилиб, ўсганман. Узоқ йиллар ўқитувчилик қилдим. Бу ерда опам яшайди. Нафақага чиқанимдан сўнг опам “мен ёлғиз қолдим” деб ёнига чақирди. Келганимга ҳам уч йил бўлди. Опам билан бирга унинг гоҳ шаҳардаги уйида, гоҳо далаҳовлисида яшаб юрибмиз. Билсанг, юртимни, уйимни жуда ҳам соғиндим. Хўп, майли, бу ҳақида кейин гаплашамиз, ҳозир бир амаллаб ўрнингдан тур. У ўзининг пайпоғини оёғидан ечиб Муроднинг оёғига кийгизди ва қоронғи тушяпти, тез кетишимиз керак, бўлмаса адашиб қолишимиз аниқ, дея уни суяб турғазди.

— Ўзинг юроласанми ёки ёрдам берайми?

— Ҳаракат қиласман, — деди Мурод зўрга ва танасини тўғри бошқаролмай аёлнинг елкасига қўлини қўйиб судралиб юрди.

Уларни узоқдан кўрган Надя хола ҳайрон бўлиб пешвоз чиқди.

— Роса хавотирга солдинг. Нима қилишни ҳам билмай турувдим, — дея синглисининг ёнидаги Муродни кўриб ким бу дегандек қарашиб қилди.

— Ўтинга чиқувдим. Уни ергайиқилиб ётган ҳолатда учратдим. Улиб қолганми, деб ўйловдим. Қарасам нафас оляпти. Оёқ-қўлини қиздириб ҳушига келтирдим. Ўзига келгандан кейин кимлигини сўрасам юртдошим, Ўзбекистондан экан.

— Яхши, тезда уйга олиб кирайлик. Танасини соvuқ урганга ўхшайди.

Улар Муроднинг қўлтиғидан суяб уйга киритишди ва иссиқ печка ёнидаги ўринга ётқизиши.

Надя хола қўшни хонадан ўғлининг кийим-бошларини синглисига узатди.

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

— Мана бу кийимлар ўғлимники, кийиб олсин. Барибир ўғлим уларни киймайды. У шаҳарлик бўлиб кетган. Бу чекка қишлоқларга бир йилда бир келса келар, бўлмаса келмайды. Бу ўзим тўқиган пайпок тезда оёғига кийгизиб қўй. Айтгандай, унинг оёқ кийими ҳам бор, ҳозир олиб чиқаман, — дея у қўшни хонага ўтди.

Хонанинг иссиқлигиданми ёки баданидаги ҳароратнинг кучлилигиданми Мурод яна ҳушидан кетди. Шу ётганича у эртаси куни ўзига келди. Кўзини очса ёнида опа-сингиллар унга қараб туришарди.

— Яхшимисан? Кечаси билан алаҳсираб бизни қўрқитдинг-ку? Ҳароратинг баландлигидан ўлиб қолсанг керак деб ўйлагандик. Бу яқин орада тез ёрдам ҳам йўқ. Шаҳар ўттиз-қирқ километр узоқда. Бахтингга опамнинг ўзи ҳамшира. У кечаси билан сенга ҳар хил дори-дармон бериб қараб чиқди.

— Раҳмат, — деб Мурод ўрнидан қўзғалишга ҳаракат қилди.

— Ўрнингдан турма, ҳали бутунлай ўзингга келганингча йўқ.

Мурод ҳолсизланиб яна бошини ёстиқقا қўйди.

— Кеча Оля сени ўрмондан топиб келди. Эслай оласанми?

— Ҳа...

— Исмингни Мурод деганимидинг?

— Ҳа.

— Нима бўлди ўзи? Нега ўрмонда бундай ҳолатда юрибсан?

— Эслолмайман...

Мурод уларга бўлган воқеаларни айтгиси келмади.

— Бу ерларда нима қилиб юрибсан?

— ...

— Ўрмонда дараҳт кесяпсизларми?

— ...

— Оля бўлди, уни кўпам саволларинг билан қийнайверма. Агар ўзи айтишни хоҳласа айтиб берар.

Кейин у малинали иссиқ чойни Муродга узатди.

— Ма, иссиқ-иссиқ ичгин, бу шамоллашнинг олдини олади. Кейин ўралиб ётгин. Уйда ўтин тугаган. Биз ўтин олиб келгани ўрмонга бориб тез қайтамиз. Хўпми?

Мурод “хўп” дегандай бошини қимирлатди. Опасингил кетишгач, у секин ётган жойидан турди. Атрофга разм солди. Ҳамма ёқ саришта-саранжом. Ҳонада печкага қаланган ўтиннинг қисир-қисир овоз чиқариб ёниши эшитиларди. Деразадан атрофга қаради. Катта ўрмонзорнинг бошланиши олдида машина юриб из қолдирганга кўзи тушди. “Кетиш керак. Ким билади, улар ахтариб бу ёқларга келишса ушлаб ўлдириши тайин. Шунинг учун нима бўлса ҳам кетиш керак”, деб каравот ёнига қўйилган Надя холанинг ўғлидан қолган туфлини кийди. Туфли бир оз оёғига катта келди. Майли, шунисига ҳам шукр. У ҳам бўлмаганда нима қиласди.

У шундай деб ташқарига чиқди ва машина изидан юриб кетди.

* * *

Тушга яқин Муроднинг ортидан итлари билан ахтаришга кетган Марат бошчилигидаги барзанги йигитлар қўрғонга қайтишди.

“Нима бўлдийкин? Мурод қўлга тушмаган бўлса яхшийди”, — деган хавотирда Йўлдош уста улар томонга қаради.

— Ҳой, текинхўрлар! — бақирди Марат ишчиларга.
— Ҳамманг олдимга кел!

Унинг ғазабли овозидан ишчилар сесканиб кетишиди. Бир-бирларига “Энди нима бўларкин” дегандай қарашиб қилишиди-ю, қўлидаги ишларини қўйиб секин-аста ҳовли ўртасига тўплана бошлашди.

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

Уларнинг секин юриб келишларини кўриб Маратнинг яна фифони ошди.

— Тезроқ деяпман! Ҳов, сен, қарри кўппак! — дея бўкирди Йўлдош устага. — Тошбақага ўхшаб имиллама! Ҳозир жазоингни бераман!

Йўлдош уста гап жиддийлигини ҳис қилиб, қадамини тезлатди.

Марат қўлидаги Муроднинг бир пой жигарранг туфлисини ўртага ташлади.

— Мана, яна битталаринг қочмоқчи бўлибсанлар. Жазоси ўлим билан якун топди.

Бу гапдан ҳамма эсанкираб қолди. Айниқса, Йўлдош устанинг кўз олди хиралашиб, боши айланниб ўзини йўқотаёзди. “Эсиз, Муроджонни ҳам ўлдиришибди” деган совуқ фикр уни худди ток ургандай, аъзойи баданини қалтиратиб юборди.

— Ит эмганлар! Ахир, сенларга неча маротаба айтдик. Бу ердан фақат ўликларинг чиқади, деб. Сенлар бўлса, гапимга ишонмадинглар! Яна қайтараман! Кочганинг жазоси ўлим! Мурдасини ўзим кузғунларга ем қиласман! Худди бугунги қочоқнинг мурдасидай! Тушунарлими?

Маратнинг бу сўzlари барча ишчиларни бир зум карахт қилиб қўйди. Улар ёшгина Муроджоннинг бу йиртқичларнинг қўлига тушиб ачинарли ўлим топганини қалбан ҳис қиласдилар. Баъзиларининг эса кўзларида ёш ҳалқаланиб улгурганди. Шунинг учун ҳам улар бошларини эгиб абгор аҳволда ўйга толиб қолишганди.

Бу сукунатни яна Маратнинг ғазабли сўzlари бузди.

— Лекин, ҳозир мени бошқа нарса ўйлантиряпти. Ким? Ким уит эмганни қочишига ёрдам берди? Қайси биринг? — деди у ишчиларга бир-бир синчковлик билан қааркан! — Ҳозир ҳаммасини айтасанлар!

Бўлмаса, мендан шафқат кутмаларинг! Шундай жазолайки, туғилганларингга пушаймон бўласанлар!

Ҳеч кимдан садо чиқмагач, Марат Йўлдош устани ёнига чақирди.

— Сен қарри кўпнак ҳаммасини биласан. Чунки у ҳароми доимо сен билан юрарди. Қани айт, ким қочирди уни?

— Бизнинг... хабаримиз йўқ... ишонинг, — дейишини билади, Марат қўлидаги таёқ билан Йўлдош устани чунонам туширдики, оғриқ зўридан у ўкирганча ерга қулади.

— Сен муттаҳам мени алдаяпсанми ҳали?! Тўн-ғиз! Ҳаммасини биласан, сен айбдорсан! Сен! — деб энди унинг дуч келган жойига тепа кетди. Тез орада Йўлдош устанинг қони ерни қип-қизил қилди. Марат жон-жаҳди билан тепкилашдан чарчаб тўхтади ва ҳансираганча юзидаги терларини артиб атрофга қарди. Ҳамма тошдай қотиб қолганини кўриб, яна фифони ошди.

— Нега қараб турибсанлар, жазоланг, бу нонхўрларни! — дея бақирди бўзрайиб турган барзанги йигитларига. Улар худди қутурган шердек ишчиларга ташланишди. Чанглларига илинган одамни биринкетин коптоқдек эзғилаб, тепкилаб, ерга чўзилтира бошлишди.

Шу пайт дарвоза очилиб қора жип кўринди. Ундан узун бўйли, тўладан келган Володя тушди ва узоқдан тўс-тўполонни кузата бошлиди.

— Бос келибди-ку! Сенлар билан яна гаплашамиз, — деди Марат ерда йиқилиб ётган ишчиларга ғазаб билан. Сўнг у Володяни қарши олиш учун дарвоза томон кетди. Енгилроқ калтак еганлар ерда чўзилиб ётган Маҳмуд уста, Йўлдош уста ва бошқаларни ўрнидан турғиза бошлишди. Мункайиб оғриқнинг зўридан титраганча Йўлдош уста туришга ҳаракат қилди. Бироқ оёқлари унга бўйсунмай ерга қулади.

Марат бошчилигидаги барзангилар тезда бориб Володяга бўлган воқеаларни тушунтира кетишиди. Уларни диққат билан эшитгач, Валодянинг авзойи бузилди ва қонга ботган, ҳали ўзига келолмаётган усталар олдига келиб уларга бошдан-оёқ разм солди.

— Гап бундай, мен ҳозир иш бошқарувчим билан гаплашдим ва бир қарорга келдим. Бугундан бошлаб менинг йигитларим сенларни калтакламайди.

Унинг дона-дона қилиб айтган бу гапидан ишчилар ҳайрон бўлиб, унга илтижоли термулишиди.

— Лекин, яхшилаб эшлитиб олларинг, — деди у зардали овоз билан қўлларини мушт қилганча. — Уч кун сенларга сув ҳам, овқат ҳам берилмайди.

Очиғи, ишчилар бу гапдан довдираб қолишиди. Бир-бирларига “энди нима бўлади” дегандек жавдираб термулишиди.

— Бу сенларга шерикларингни қочирганларинг учун жазо. Тушунарлимиси? — дея гапида давом этди Володя. — Кейин эса ишлаган тишлайди, деган мақолга амал қиласиз. Етар, шу пайтгacha сенларни текин боққаним. Ортиқча пулим йўқ. Бундан кейин ҳар кимга қилган меҳнатига яраша овқат берилади. У жаҳл билан чала битган қўрғонга бир қаради-да, яна тувақиб гапира бошлади: — Ўзи бу қурилиш объекти аллақачон тугаши керак эди. Сен ишёқмаслар атайлаб ишни чўзяпсанлар. Энди унақаси кетмайди. Сенларга бир ой муддат бераман, шу вақт ичиди бу қурилиш тугаши шарт. Керак бўлса, куну тун ишлайсанлар! Гап тамом!

Володя шундай деди-да, терс ўгирилиб нари кетаркан, ёнгинасида турган Маратга, — сен ҳам билиб қўй, бу ишга калланг билан жавоб берасан, — дея бориб машинасига ўтирди. Бу сўзни ишчилар ҳам эшитишиди. Марат уни кузатиб усталар ёнига дарғазаб қайтди.

— Буйруқни эшитдингларми? — деди у ўшқирганча.
 — Энди, сенларга уч кун сув ҳам, нон ҳам йўқ. Мен ҳеч нарсани билмайман. Бир ойда бу иморатни топширасанлар! Бўлмаса кунларингга маймун йифлатаман. Ким дангасалик қилса, терисини шилиб оламан. Мурдасини ҳов анави дарахтга осиб қўяман. Қузғунларга ем бўлади. Ҳеч кимни аяб ўтирмайман! Тушунарлими?

Ишчилардан садо чиқмагач, Марат яна бақирди.

— Тушунарлими, ҳой ит эмганларлар! Сенлардан сўраяпман?

Усталар “тушундик” дегандай бош илғашади.

— Яхши. Энди ҳамманг иш-ишингга марш!

Усталар бирин-кетин ўзларига ажратилган жойларга тарқалиши. Йўлдош уста ҳам жон ҳолатда кучини йигди. Аммо оёқлари унга бўйсунмади. Ерга йиқилди. Нарироқда кетаётган ёшгина озғин йигит Нодир югуриб келиб устанинг қўлтиғидан кўтарди.

— Уста, туриңг. Бўлмаса ҳозир улар сизни ўлдиришади, — деди у қалтираганча унга ёрдам бериб оёққа турғизаркан.

Нодирнинг гапида жон бор эди. Чунки нарироқда Маратнинг барзанги йигитлари уларни кузатишарди. Йўлдош уста суюклари қақшаса-да, ўзини қўлга олди. Нодирнинг елкасига қўлини ташлаб нари кетиши. Тез орада улар сувоқ ишларини бошлишади. Бироқ Йўлдош уста танасидаги оғриқнинг зўридан чидай олмади шекилли, ерга чўкаллаб ўтириб қолди. Сувоқ учун кейинги қоришмани тайёрлаётган Нодир бу ҳолатни кўриб нима қилишини билмай сўради.

— Уста, айтинг, нима қилай цементни қориштираверайми ёки... — деди тили айланмай Нодирнинг.

— Қориштиравер, сув қўшиб кўйдинг-ку, ҳозир қоришма қотиб қолса, яна бошимиз балога қолади,
 — дея Йўлдош уста минг азобда ўрнидан турмоқчи

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

бўлди-ю, аммо боши айланиб қайта ўтириди. Нодир уни суяб девор ёнига олиб бориб ўтқазди.

- Уста, сиз бир оз ўтириб, ўзингизга келинг.
- Йўқ, қоришма қотиб қолади.
- Хавотир олманг, ҳозир ўзим сизнинг ўрнингизга сувоқ қиласман.

— Нималар деяпсан? Сувоқ қилиш қўлингдан келадими?

- Билмадим, келса керак.
- Сен олдин бирор марта сувоқ қилганмисан ўзи?
- Бир-икки марта ҳаракат қилганман. Агар ўхшатолмасам ўзингиз йўл-йўригини ўргатарсиз, хўпми,
- деди Нодир сувоқни бошлаб юбораркан.

Уни кузатиб ўтирган Йўлдош уста синиқ овозда сўради.

— Мен сенинг қўлингдан фақат қоришма тайёрлаш, оғир юк кўтариш келади десам, балодай сувоқ қилишни ҳам билар экансан-ку! Қаердан ўргангансан?

— Отамдан! Улар устачилик қиласдилар. Ёшлигимда улар мени ёнларида олиб юрганлар. Шунда сувоқни кўрганман.

— Демак, ота касб дегин?

— Ҳа, улар қишлоғимизнинг катта усталаридан эди.

- Нега эди дейсан? Ҳозир отанг ҳаёт эмасми?
- Икки йил олдин вафот этганлар.

Йўлдош уста юзига фотиҳа тортиди ва Нодирнинг эпчил ҳаракатларини кузата туриб гап бошлади:

— Сен боланинг қўлингдан бу иш келар экан, эплаяпсан, — деди кўнгли хотиржам тортиб. — Баракалла.

Отам “Бир йигитга қирқ ҳунар оз” деган мақолни кўп ишлатардилар. “Сен ҳам ҳунаримни ўрган. Келажакда бирор жойда, албатта асқотади” дердилар, — дея Нодир ишини тўхтатмай гапиришда давом этди.

— Отанг ақлли инсон бўлган экан. Жуда тўғри гапни айтган.

— Мен эса ҳеч қачон устачилик қилишни хоҳламаган эдим. Биласизми, нега?

— Нега?

— Отамнинг кийим-бошларига ҳар доим чанг ёки бўёқ теккан бўларди. Баъзан уст-бошидан ўша бўёқларнинг ҳиди анқиб турарди. Уйга эса доимо ҳориб-чарчаб кеч келарди. Ушанда мен ўқиб бир столнинг эгаси бўлишни, пул топсам, ҳеч қачон отамни бундай оғир ишларда ишлатмайман, деб ният қилгандим.

— Кейин нима бўлди? Ўқишга топширмадингми?

— Топширдим, архитектура институтига. Бироқ тест синовларидан камроқ балл тўплаганим учун мени шартнома асосида ўқишга қабул қилишди. Ўзингиз биласиз, шартнома пуллари кичкина эмас, миллион-миллион. Ҳамманинг ҳам бу катта пулларни тўлашга қурби етмайди. Тўғриси, мен ҳам ўша пулларни тополмадим. Ўқиш ҳам қолиб кетди.

— Ўйингдагиларинг-чи? Улар сенга ёрдам беришмадими?

Нодир Йўлдош устанинг бу саволини жавобсиз қолдирди.

— Билсангиз, бу ерларга ўқиш учун пул топаман, деб келиб қолдим. Энди минг афсусдаман. Чунки пул топаман деган, ҳунари бор одам, ўз юртимизда ҳам ўша пулларни bemalol топсак бўларкан. Афсус, энди кеч.

— Ўзи бу ерларга қандай келиб қолгансан?

— Шеригим Эркин билан мардикор бозорига чиқардик. Ҳар хил қурилиш ишларини қилардик. Топишимиз яхши эди. Ҳатто шаҳарда бир хонали уйда ижарада яшардик. Бир куни Эркин қишлоққа кетиб, бир гап топиб келди. Қишлоқдоши Элбек

деган йигит унинг роса бошини қотирибди. У Эркинга, мана мен четга ишончли одамлар билан ишлагани кетяпман, маоши зўр экан, юр биз билан, дебди. Эркин шаҳарга қайтиб келганидан кейин, у баҳоргача тўрт-беш ой ишлаб, анча-мунча пул топиб келамиз, деб мени ҳам қизиқтириди. Унинг гапига кириб мана алданиб, шу ерларда сарсон-саргардон бўлиб азоб чекиб юрибман. Бир бурда нон ейиш учун! Тушуняпсизми... бир бурда нон учун, ўзимизда қилмаган оғир ишларни бетон кўтаришми, фишт кўтаришми, ерни ковлашми, хуллас, нима иш бўлса, ҳаммасини қиляпман. Ҳаётим остин-устин бўлиб кетди. Бутун борлиғимдан, келажак орзуларимдан айрилдим. Институтга кириб ўқиш эса энди тушибимга ҳам кирмаса керак. Нодир ўз-ўзидан нафратланиб гапиравди. Шу топда унинг кўксини нимадир куйдирав, йиглай деса йиглай олмас, ўтмас пичоқ билан кимдир юрагини нимталаётгандай эди. Шунинг учун бўлса керак, Нодирнинг овози ўкинч аралаш аламларга тўла эди.

— Нодиржон ўғлим, кўпам сиқилаверма, ҳали ҳаммаси яхши бўлади, — деди Йўлдош уста унга меҳрибон оҳангда тасалли бериб. Сувоқ қилаётган Нодир ишини тўхтатиб Йўлдош уста томонга ўгирилди ва унга бир зум ўйчан тикилиб қолди.

— Тинчликми? Нима бўлди? Худди одам кўрмагандай қарайпсан.

— Отам... отамга сиз жуда ҳам ўхшаб кетаркансиз. Айниқса, гапларингиз.

— Отангга?

— Ҳа, отам ҳам доимо қийналган, чорасиз қолган вақтимизда, йигит кишисан, ҳеч қачон бошинг эгилмасин, ҳали ҳаммаси яхши бўлади, бу кунлар ҳам унут бўлиб кетади, мана мени айтди дерсан, дердилар.

Бу гапдан сўнг Йўлдош уста унга бошқа савол бермади. Узоқ осмонга илтижоли термулди. Кейин кўзларини маҳкам юмди. Киприклари остидан кўз ёшлар сизиб юзларидаги қотиб қолган қонни ювди. Шу топда унинг хаёлларидан нималар ўтгани фақат Оллоҳгагина аён эди.

Нодир ҳам ўйчан бир зум турди-да, сўнг яна ишига киришди. Унинг хаёлларини бундан бир неча йиллар олдин бўлиб ўтган воқеалар чулғаб олганди.

* * *

Кун бўйи ишдан ҳориб-чарчаб келган Нодир ухлагани энди ётмоқчи бўлганида, эшик қўнфироғи жиринглади.

— Тавба, кечаси ким бўлди экан? Ёки квартира эгаси яна пул талаб қилиб келдимикан? Нима бўлганда ҳам эшикни очиш керак, — деб ўйлади Нодир. Сўнг ўгирилиб шериги Эрқинга буюрди.

— Тезроқ турсанг-чи, имиллама. Бор, эшикни оччи, ким экан?

Эркин жойидан туришга эринди.

— Сен ҳали ўрнингга ётганинг йўқ-ку, ўзинг бориб оч!

Нодир эшик томон юрди. Қўнфироқ яна жиринглади. Кейин эшикни гурс-гурс ура бошлади.

— Нодир, оч эшикни, мен акангман!

Шундагина Нодир эшикни гурсиллатаётган Камол акаси эканлигини англади, эшикни очди.

— Ака, яхшимисиз? Уйдагилар тинчми?

— Сени олиб кетишга келдим.

— Нима гап? Тинчликми? Бундай бемаҳалда келибсиз.

— Отам оғир касал ётибди. Кечадан бери сени сўраяптилар, бормасанг бўлмайди, ука.

Бу гапдан кейин Нодирнинг юрагига қайфу, алам,

изтироб ёпирилиб кирди. Икки йил ўғлини тамоман үнуган отаси нега кутылмаганда йўқлаб қолди? Ўғлининг ҳаётини ғам ва азобларга тўлдирган ота, наҳотки, хатосини тушунган бўлса? Нодира на шундай бир-бирига қарама-қарши туйғулар гирдобида қолиб, акасига қандай жавоб қайтаришни билмади.

— Дарров пастга туш! Кўшнимиз Олим аканинг машинасида келганмиз, у кутиб турибди.

— Мен ҳали сизга бораман демадим-ку!

— Оғир касал ётган отанг йўқлайдилар-у, сен бормайман дейсанми, бўл тезроқ, зарур гаплари бордир, ахир?! Қандай фарзандсан ўзи?!

Акасининг таънали гаплари Нодирнинг юрагини эзди. У ортиқ ўзини тутиб туролмади. Акасининг кўзига қараб, кескин гапирди.

— Мен бормайман!

— Нега?

— Отамнинг менга айтадиган гаплари қолмаган, ҳаммасини икки йил аввал айтиб бўлганлар!

Камол бир оз сукутга чўмиб, секин тушунтириди.

— Ҳозир... — деди у босиқлик билан. — Эски гапларни қўзғайдиган, гина қиласидиган пайт эмас, ука. Тушунсанг-чи, вазият жуда жиддий, отамнинг икки, нари борса уч кунлик умри қолганга ўхшайди.

Нодир юрагида фалаён кўтарган алам ва хўрликлар ҳиссини енгишга уринди. Бироқ эски гапларни орқага ташлаб, акасининг олдига тушиб кетишига фурури йўл қўймасди. Зеро, кўксида шунчаки гина эмас, бир дунё ғам-алам, икки йиллик изтироблар дарёси чайқаларди...

— Ака, отамга менинг бормаслигимни айтиб қўйинг! Бошқа гапим йўқ!

Камол укасига ўқрайиб қаради, худди ҳозир ташланадиган одамдай муштларини тугди. Лаблари нимадир демоқчидай пирпиради-ю, аммо ҳеч нима демади. Эшикни қарсиллатиб ёпиб чиқиб кетди.

Нодирнинг нафратга тўлган қалби ўксиниб унинг ортидан қараб қолди. Бир зум шу алфозда турди-да, бориб каравотига ўтирди. Ўртоғи Эркин ҳам бўлиб ўтган кўнгилсиз воқеадан ўзига келолмаётган эди. У Нодирнинг бир оз ҳовуридан тушганини сезиб гап бошлади. “Нотўғри қилдинг, Нодир, боришинг керак эди. Ахир, шунча узоқдан атайлаб сен учун келишганди” – деди ҳаяжонини босолмай.

– Эркин, илтимос, мени ишларимга аралашма, хўпми? – деди у хуноби ошиб. Яна хонага жимлик чўмди. Шунда унинг хаёлида ёшлигида отаси билан бўлиб ўтган нохуш воқеа гавдаланди.

* * *

Нодирнинг онаси касал бўлиб вафот этганида отаси Карим aka қирқ тўққиз ёшда эди. У бўйи етган уч қизи ва икки ўғли билан қолганди. Шу кезларда қурилиш бригадасида ишлар, бўш кунларида томорқасида картошка, сабзи, пиёз этиштириб, уларни бозорга олиб бориб сотарди. Гоҳида қўни-қўшниларнинг уйларининг деворини ранглаб берар, деразаси синган бўлса, ойнасини қўяр, фиштеришми, лой ишими, хуллас, қандай қурилиш ишлари бўлмасин, ишлаб ҳалол меҳнати билан пул топиб келарди. Хотинининг ўлимидан кейин ёлғиз боши билан топган-тутганларини йифиб сарпо-суруклар қилиб уч қизини узатди. Бу орада акаси Камол ҳам мактабни тугатиб отасининг касбини эгаллаб, унинг ёнига кирди. Энди ота-боланинг топган-тутганлари Камолни уйлантириш учун йифила бошлади. Тез орада кичик бир тўй қилиниб Камолни синфдоши Назирага ўйлантириб қўйишиди. Ҳамма машмашалар шундан кейин чиқа бошлади.

Бир куни отаси эшикни зарб билан тепиб уйғотди.
– Ҳой, Нодир тахмондаги кўрпаларнинг орасига

пул яшириб қўйгандим, қани улар?! – деди ғазабдан кўзлари ёниб.

- Қанақа пул?.. Нималар деяпсиз?
- Икки кун олдин маошимни олиб келиб қўйгандим. Жойида йўқ, сен олгансан!
- Мен ҳеч нима олганим йўқ, – деди Нодир қасам ичиб.

– Ростдан ҳам сен олмадингми?

– Йўқ.

– Бўлмаса ким олган бўлиши мумкин?..

Карим ака бир оз ўйланиб туриб хонадан чиқиб кетди. Қайтиб бу мавзуда гап очилмади. Ғаҳор келди, энди Нодир институтга кириш учун тайёргарлик кўра бошлади. Отаси акаси Камол билан томорқасига эккан картошкаларни бозорга олиб бориб пуллаб, ўйга хурсанд қайтишиди.

– Ҳа, меҳнатнинг таги роҳат, деб шунга айтадиларда, болаларим, – деди у иссиқ чойни ҳўплаб-ҳўплаб ичаркан. – Ҳалол меҳнат қилсаларингиз қозонларингиз ҳам қайнайди. Мана бугун картошкани яхши пулга сотдик. Бу пулларга энди Нодирни ҳам уйлантириб қўйсак бўлади.

– Уйлантириш? – деди Нодир норози оҳангда. – Мен сизларга ўхшаб қора меҳнат қилиб пул топмоқчи эмасман. Ўқишига кириб, одам бўлмоқчиман.

– Ў-ҳў, биз қора меҳнат қилганлар одам эмас-у, баъзи столда ўтирган ручка ушлаганлар одам эканда-а, сенингча? Шундайми?

Нодир отасининг саволига жавоб бериш ўрнига, лом-лим демай ерга қаради.

– Ҳой бола, мени эшиятсанми? Бу гапларимни икки қулофингга қўйиб ол, – деди ота асаби бузилиб Нодирга. – Ўша қора меҳнатнинг орқасидан топилаётган пулларга еб-ичяпсан, кийиняпсан, худога шукр, рўзфоримиз бут, шуни унутма!

— Йўқ, ота. Сиз мени бошқача тушундингиз. Мен ўқимишли одам бўлишни орзу қиласман, насиб бўлса катта ўқишиларда ўқийман ҳам, — деди Нодир ўзини тутолмай ишонч билан.

— Орзуга айб йўқ, ука, — деди мийифида кулиб Камол.

Карим акага Камолнинг бу писмиқи кулгиси ёқмади. Уни уришиб ташлади.

— Кулма ахир, уканг ўқийман, деб ўзига йўл танлабди. Бунинг нимаси ёмон? Ўқисин, майли. Бизнинг авлоддан ҳам бирорта ўқимишли инсон чиқсин-да, ахир!

— Тўғри-да, ота, бизнинг бошқалардан қаеримиз кам? Ана қўшнимиз Расул aka қизларини институтда ўқитяпти, — деди Нодир акасига қарапкан.

— Унинг қизи шартнома асосида ўқишга кирган. Расул аканинг пуллари кўп. Уйида қанча моллари борлигини биласанми? Шулардан бирини сотиб қизини ўқитаётгандир-да. Бизда эса унақанги пуллар йўқ-ку, — деди Камол укасига заҳархандалик билан.

— Нега энди ундей дейсан, ўғлим? Мана мен бор, сен борсан. Уканг агарда шартнома асосида ўқишга кирган тақдирда ҳам, мен унга раҳмат дейман. Ҳа энди, иккаламиз ишлаб битта укангни ўқитсак-ўқитибмиз-да, болам, — деди гапга аралашиб Карим aka. — Керак бўлса, мен сизлар учун, оилам учун кеча-ю кундуз ишлашга тайёрман.

— Отажон, нималар деяпсиз? Атрофингизга бир қаранг, ахир. Уйимиз эскириб кетган. Эндигина пул йифиб янги иморат соламиз деганимизда, Нодирни ўқитамиз дейсиз! — деди Камол қаловланиб. — Уйнинг эскилигидан уялиб, ҳатто Назиранинг ота-онасини ҳам чақиролмаяпмиз-ку.

— Ўғлим, ўзингни бос. Ҳали янги уй ҳам бўлади. Олдин укангни ўқитайлик, кейин бир гап бўлар.

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

Отасининг гапидан Нодир хурсанд бўлиб кетди. Камол эса аксинча, қовоқларини уйиб, норози бўлгандай ерга қаради.

Орадан бирон ҳафта ўтди, чамаси, бир куни отаси дарғазаб бўлиб Нодирнинг олдига кириб келди. Унинг авзойи бузилган, ўзини қўярга жой тополмаётган эди. Отасининг важоҳатидан Нодирнинг юраги “шув” этиб кетди. Адашмаган экан.

— Қани пуллар! Ўғри, — дея Нодирнинг юзига тарсаки туширди.

— Қанақа пуллар... — довдиради Нодир.

— Картошканинг пуллари қани? Сенинг ўқишинг учун йифаётган пулларим қани? Яхшиликча бер уларни. Бўлмаса...

— Отажон, мен ҳеч қанақа пул олганим йўқ.

— Ким олади бўлмаса! Айт! Ким! Бу уйда фақат иккимиз ётсак, аканг билан келиноЯингни ётоқлари бошқа бўлса. Сендан бошқа ким ҳам оларди. Алдама мени.

— Пулларни қаерга қўйгандингиз ўзи?

— Пуллар яна йўқолиб қолмасин, деб ёстиғимнинг ичига яшириб қўйгандим. Ҳозир қарасам улар жойида йўқ! — деди Карим ака тутақиб.

— Билмасам, мен олганим йўқ деяпман-ку, ахир, — Нодир хўрлиги келиб кўзлари ёшланди.

Карим ака ўғлини зор қақшаганини кўриб жаҳлдан тушгандай бўлди, ўғлига яқин келиб унинг кўзларига тикилди.

— Ўғлим, ҳали ёшсан. Балки бирон ширин нарса егинг келгандир. Ёки ҳозир ёшлар телефонга қизиқишидаи, сен ҳам телефон аппарати олмоқчи бўлгандирсан, сўрасанг берардим-ку, ўғрилик қилиб нима қиласдинг?! Ҳозир бу гапни келиноЙинг эшитса борми, бутун маҳаллада шарманда бўламиз. Каримнинг ўғли ўғри экан, деган гап ҳамма жойга тарқалади. Ўз уйида, ўз отасининг пулинин ўғирлабди,

дэйишади. Бутун оиласиз номига қора дөг тушадику, болам. Шуни тушуняпсанми ўзи?

Нодир дир титраб бош иргади.

— Тушунган бўлсанг, яхши. “Ёпиқ қозон ёпифлифика қолсин”, мен ҳеч кимга айтмайман. Пулларни қайтариб бер.

— Ота, мен олмаганман.

— Кўрнамак, падар лаънати! Сен олмасанг ким олади? Кун бўйи уйда ўтиранг. Майли ўқисин, ўқишига кирсинг деб ортиқча иш буюрмайдиган бўлсам. Қолаверса, бу уйдан биринчи бор пул йўқолиши эмас. Олдин кам-камдан пул орасидан йўқолди. Энди эса ҳаммаси йўқ, тушуняпсанми? Ҳаммаси. Бутун йиққанларимиз йўқ! Қани улар! Топиб бер деяпман сенга!

— Мен олганим йўқ, ота, ишонинг гапимга.

— Ич-дардимни бирорга қандай айтаман, қандай? Ўғлим ўғри, деб кимга айтаман! Нима деган одам бўлдим? Шу кунларни кўрганимдан кўра, онандай ўлиб кетсан яхши эмасми? Йўқ! Ҳаммасига чидашим мумкин, лекин Каримнинг ўғли ўғри деган иснодга ҳеч қачон дош беролмайман. Тушуняпсанми, чидай олмайман!

Карим аканинг кўзларига ёш келди. Нодир отасини ҳеч қачон бу аҳволда кўрмагани учун, унга раҳми келди.

— Бутун умр сизларни ҳалол меҳнат билан боқиб, охир-оқибат бошимга шу кунларни соласанларми? Кўрнамаклар! Энди мен нима қилай? Додимни кимга айтай, болам!

Карим аканинг елкаси титраб йиғлаб юборди. Отасининг йиғлаганини, эзгин ҳолатини кўрган Нодирнинг ҳам юраги дош беролмади. У ҳам хўрлиги келиб беихтиёр йиғлаб юборди.

— Икки-уч кун ичидагонага ким киравди? — деди отаси ўзини қўлга олишга ҳаракат қилиб.

— Келинайим ҳар куни уй супуради. Ҳалиги куни Нозима опамлар келиб, кирларни ювиб кетди...

— Мен умримни сенларга бағишиладим, онанг үлгач, бошқага уйланмадим. Ўгай онанинг қўлига тушманлар, деб барча қийинчиликларни бўйнимга олдим. Сизларни ўтай онанинг қўлида қийналмасин деб ёлғиз тарбия қилдим. Керак бўлса, мардикорлик қилиб бўлса-да, ҳалол меҳнат билан пул топдим, сизларга едирдим. Минг азобда катта қилиб болаларим одам бўлсин, деб ҳаловат билмасаму, сенлар қурт бўлиб ўз ўзагингни ейсанларми?

Карим аканинг кўнгли ўксиб, йифидан кўзлари қизариб кетди. Нодир шу ёшга кириб бирор маротаба отасидан калтак емаган, кенжа ўғил, деб унинг доимо кўнглига қараб келинган. Ҳозир Нодир кўпроқ отасидан еган шапалоғидан эмас, балки уни ноҳақ ўғрига чиқарганидан хўрлиги келарди. Шу зайлда улар бир-бирларига гапирмай бир зум ўтиришди. Сўнг отаси секин ўрнидан турди-да, ҳовлига чиқиб кетди.

Шу воқеадан икки кун ўтгач, Карим ака ухлагани хонага кирди. Стол устидаги Нодирнинг китобининг орасидан тахи букилган қофоз чиқиб турганига кўзи тушди. Бу нима экан, деб ўша қофозни олиб, уни очди. Қофоз ичида целлофан пакетчада оқ кукур турарди. — Карим аканинг юраги шув этди. “Бу нима? Нашами? Йўқ, бўлиши мумкин эмас”. У хавотирда кукурни ҳидлаб кўрди. Аммо нималигини тушунолмади. Целлофон пакетчани яна қофозига ўраб чўнтағига солди, сўнг ўғли Камолни чақирди.

— Камол ўғлим, уканг Нодир ҳозир қаерда?

— Ўртоғи бор-у, раис буванинг ўғли Валижўжа, ўша билан имтиҳонга тайёргарлик кўрамиз, деб чиқиб кетувди.

— Қаёқقا, биласанми?

— Билмайман. Келинингизга “Тест саволларини топиб келамиз” деган экан.

Камол отасининг бир нуқтага қараб тикилиб ўйчан турганлигини кўриб секин гап бошлади:

— Ота, тинчликми ўзи?

Карим ака ўғлининг бу саволини жавобсиз қолдирди. Нима, уканг ўғри, наркоман десинми?

— Ота, шу ўғлингиз Нодир охирги пайтларда эркаланиб кетди-да, — деди Камол босиқлик билан. — Ўқиши боҳонасида қўлини совуқ сувга ҳам урмайдиган бўлиб қолган. Мана, томорқадаги экинларни ҳам кеча келингизнинг ўзи суфорибди. Унингизга бир нима деб бўлмайди. Қачон қарама “мен имтиҳонга тайёрланишим керак” деб, қаерларгадир санқиб кетади. Шунга ўзингиз... уни...

— Бас! Етар. Менга ақл ўргатма. Бор ишингни қил!

Камол отасининг авзойи бузуқлигини билиб, индамай нари кетди.

Эртаси куни Карим ака қўшни маҳаллада ишлаётган усталарга топиб олган кукунни “мана бу нима, кўчадан топиб олдим” деб кўрсатди. “Бу героин-ку, қаердан олдингиз? Катта пул туради, милиса кўриб қолса борми, сизни нақ қамайди-я, тезда уни йўқотинг” дейишиди улар. Карим ака худди чўғни ушлагандай бўлиб, уни маҳалла бошидан оқиб ўтадиган сувга улоқтириб юборди. Сўнг, хуноби ошиб ишга ҳам бормасдан тўғри уйига қайтди.

— Энди нима қиласман, — дерди у ўзини қўярга жой тополмай. — Қишлоқ жой бўлса, ҳамма бир-бирини танийди, хоҳ қувончили бўлсин, хоҳ қайғули хабар, бу ерларда гап тез тарқалади. Унинг бошига тушган бу фожиалардан ҳам уч кун ичидаги бутун қишлоқ огоҳ бўлади. Кимдир ачинади, яна кимдир баттар бўлсин, дейди. Яна кимдир қўлини бигиз қилиб уни “Бу анави нашаванднинг, ўғрининг отаси-ку” деб кўрсатади?

Демак, ўғли Нодир уйидан пул ўғирлаб, унга наша сотиб олаётган экан-да! Йўқ, у бу кўргуликларга асло чидай олмайди. У қош қорайганча қайси гуноҳи учун бундай балоларга гирифтор бўлганини билолмай, икки ўт орасида қовурилди. Фарзандининг бундай нопок йўлга кириб кетишига нима сабаб? Умри бўйи бирорга ёмонлик, омонатга хиёнат қилмаган бўлса. Ҳалол ишлаб болаларига ҳалол луқма едириб катта қилган бўлса, сабаб нима, ахир, деб фифони ошди. Кечки пайт ҳамма уйга йиғилди. Карим ака ўйлай-ўйлай бўлган воқеани фарзандларига айтиб беришга қарор қилди. Қизлари бунга ишонишмади. Нодир эса “Бу гаплар туҳмат, мен бу ишни қилмаганман”, – деб айбловни бўйнига олмади. Карим ака ўғлига ишонай деса, унинг китобининг ичидан ўша қора зуғумни бирор эмас, ўзи топиб олган бўлса, қолаверса, уйида йўқолган пуллар ҳам унинг учун бир далил эди. У бу ишда бошқаларниң қўлини кўрмади. Шунинг учун ҳам, ҳамма айбни Нодирга қўйди. Аммо Нодир бу ишни қилмаганини айтиб ёлворди. Карим аканинг қулоқларига шу топда ўғлининг илтижолари кирмасди. Унинг хаёлида фақат битта нарса, у ҳам бўлса, шу айбор, деган фикрлар чарх уради. Ниҳоят, қаҳр-ғазаб унинг ақлини ўғирлади, кўзларини кўр қилди. Барча фарзандлари олдида у, Нодирни оғзига келган ҳақоратли сўзлар билан қарғай кетди. “Сендақа болам йўқ! Йўқол кўзимдан!” – деб уни уйдан ҳайдади, қувиб солди, оқ қилди. Нодир эса ҳовлидан йиғлаб чиқиб кетаркан, “мен бу ишни қилганим йўқ, отажон”, дея такрорларди, холос. Карим ака ўғлини уйдан ҳайдаб чиқаргач, юрагини чангаллади. Кўксисда пайдо бўлган санчиқдан аъзою бадани титраб кетди. Уни совуқ тер босиб юрагини ҳовучлаганча ерга ўтириб қолди.

Нодир шаҳарга кетди. Мардикор бозорига бориб у

ерда қишлоқдоши Эркинни учратди. У билан бирга турли юмушларни қилиб кун кечириб юрди. Азобуқубатлар, қийинчилик ва кулфатларга дучор бўлиб, иродаси букилганда бир неча марта отаси олдига йиғлаб борди, узр сўради, оёғига йиқилди, аммо ота ўғлиға шафқат қилмади, сўзидан қайтмади.

— Йўқол кўзимдан, оқпадар! Қорангни кўрмай бу ерда! Сендақа болам йўқ! Ўла-ўлгунимча сендан розимасман! Кет! — деб уни ҳайдаб солди.

Бора-бора Нодирнинг дийдаси тошга айланди, юраги нафратга тўлди. Ҳаётнингadolatsiz ўйинлари, шафқатсиз кирдикорлари уни ҳам бағритош кимсага айлантириди.

Нодир тонг отмасдан уйғонди. Ўзига нонушта тайёрлаб чойини ичди. Ишга кетишга тараддуд кўраётганида эшик қўнфироғи чалинди.

— Опа? — ҳайрон бўлди Нодир. — Келинг, опа! Ичкирига киринг.

У катта опаси Адивани хонага таклиф қиласкан, унинг қизариб кетган кўзлари, сўлғин юзларига қараб маъюс тортди.

— Нодиржон, — деди опаси стулга омонат ўтираскан, — отам жон беролмай қийналяптилар, сенда гаплари бор экан. Ўлаётган одамнинг сўнгги истагини бажо келтириш лозим. Жон укажон, йўқ дема, юра қол.

Нодир масала жиддийлигини фаҳмлади. Опасининг илтижоли, ёшли кўзлари унинг юрагини юмшатиб юборди. У “хўп” дегандек, бош ирғади.

Опа ва ука уйларига кириб келишганда Карим aka кунчиқар тарафдаги уйда ётар, бутун оила аъзолари ота атрофида йиғилишган, нариги хонада эса қариндошлар ўтиришарди.

Нодир отасининг рангпар ва сўлғин юзига, юмуқ кўзларига қараб ўпкаси тўлиб, кўзига ёш олди ва унинг оёқ тарафига чўкиб ўтирди.

— Ота, — деди секин опаси Адиба. — Нодиржон келди, күзингизни очинг.

Карим ака күзини очди. Қаршисида унга ғамгин қараб турган Нодирни күриб сергак тортди.

— Нодиржон, — деди ота секингина. Үғли келганда гапириш учун куч түплаб тургандай бирдан дадиллашди. — Эсон-омонмисан, болам?!

— Ҳа, ота! Худога шукр. Яхшиман.

Нодир отасининг ёнига яқинроқ келиб, тиз чўкди. Унинг нурсиз кўзларига боқиб юрагида меҳр жўшурди. Бошини отасининг кўксига қўйди. Ота унинг бошини силади.

— Мен нобакор отангни кечир! Кўзим кўр бўлган экан! Сенинг гапларингга ишониш ўрнига, аксинча, мен сенга тухмат қилган ўша нобакорларнинг ҳийласига учиб, бегуноҳ болагинамни оқ қилибман, кўчага ҳайдабман. Ичимдаги душманларим хонумонимни куйдириш учун шу найрангларни ўйлаб топишганини кейин тушундим! Мен калтафаҳм отангни кечир, болам. Сенга кўп азоблар бердим, қалбингни яраладим, меҳримни қизғандим. Ўтинаман, кечир мени! — Карим аканинг нурсиз кўзларидан ёш қуиларди, оила аъзолари бир-бирига маъноли қараб, отаси билан Нодирнинг кўнглидан кечаётган оғир изтиробларни ҳис этгандай, охирги лаҳзаларда хатосини англаб етган отанинг афсуснадоматлари, аламли ўқинчларини маъюсгина кузатиб туришарди...

— Отажон, — деди Нодир бўғзига тиқилиб келаётган йифини тўхтатиб. — Ўша... ўшанинг... ким эканлигини билдингизми?

Карим ака “билдим” дегандек бош силкитди..

— Унда айтинг, ким экан у? Шунча йил бизни айрилиққа маҳкум этган, ҳаётимизни дўзахга айлантирган, қалбларимизни тилка-пора қилиб азоб берган ким? Айта қолинг, отажон!

Карим ака ўғлининг бу саволларига жавоб беролмай, кўзини олиб қочди. Бир зум жимиб қолди.

— Нега гапирмайсиз, ота? Мен ўша абраҳни билишим керак, ахир, — деди Нодир ўзини босолмай.

— Буни энди айтишдан фойда йўқ, — деди ота чуқур хўрсиниб.

— Ота, нималар деяпсиз? Нега энди бефойда бўлар экан?

— Оллоҳ унинг кўнглига инсоф берсин. Мен эса бу сирғи гўримга олиб кетаман, болам. Сўнгги васиятим шуки, ўртангизда адоват бўлмасин, меҳроқибат йўқолмасин! — Карим аканинг бўғзига бир нима тиқилди шекилли, ҳансираф нафас оларкан гапини тўхтатмади. — Менинг хатойим шундаки, — деди Карим ака барча фарзандларига бир-бир қараб чиқаркан. — Нодиржонни қарғаш билан ўзимга ҳам жабр қилибман.

У оғир тин олди, нафаси оғирлашиб, Нодирга қўлини чўзди.

— Мени кечир, ўғлим! У дунёга елкамда гуноҳ билан кетмай!

— Отажон, мен сиздан хафа эмасман, кечирдим сизни! Сиз ҳам мендек нолойиқ фарзандингизни кечиринг! — деди Нодир отасини охирги марта кўраётгандай унинг қўлларига маҳкам ёпишаркан.

— Фарзандларим, сизлардан розиман, мендан ҳам рози бўлинглар! — деди Карим ота бор кучини йифиб титраганча. У шундай деди-ю, кўзларини мангуга юмди. Ота ётган хонани фарзандларнинг йифиси чулғаб олди.

Шу топда отасининг дил илтижолари Нодирнинг қалбидаги энг нозик жойларни жунбушга келтириб юборди. Унинг юрагида икки йил аввалги уйғонган совуқлик қуёш нурларида эриган муздай фойиб бўлди. У энди отасига нисбатан янада яқинлик, янада кучли меҳр туйғусини қайтадан ҳис эта бошлади.

— Сиздан бир умрга розиман, отажон! Мени ке-чилинг! — деди лаблари оҳиста пичирлаб.

— Нодир, ким билан пичирлаб гаплашяпсан, ах-волинг яхшими, ўзи? — Йўлдош устанинг овозидан Нодир ўзига келди.

Кўзига Йўлдош уста худди отасидек бўлиб кўринди. Фақат у янайм кексайиб қолган, жуссаси чўккандек эди. — Отажон, — дея у ўзини Йўлдош устанинг бағрига отди ва ўксиб-ўксиб йиғлади.

* * *

Икки кун ўтиб Мурод катта шаҳар кўчаларида пайдо бўлди. Шу қисқа вақт ичидаги ўз бошига тушган ҳаёт-мамот синовларини енгиб ўтди. Очифи, шу икки кунда унинг кутгани кутилмаганга, кутмагани эса кутилганга айланди. Оллоҳ унга сабр қаноат ва куч берганидан шу ергача етиб келди. У тобора қувватсизланиб борарди. Гуз тотмаганигаям, мана икки кун бўлди. Аммо чидаши керак. Унда бошқа чора ҳам йўқ! Фақат вокзалгача етиб олса, бас. У ёғига Ўзбекистон поездлари юради. Ҳамюрт вагон кузатувчиларига бор ҳақиқатни айтса, қараб туришмас, ёрдам беришар, ахир! Шу ўйлар билан у ҳозир вокзал томон кетаётган бўлса-да, иложи борича сергаклик билан милиция қўлига тушмасликка интиларди. Чунки чўнтағида пули бўлса ҳам майли эди, ушлаб олишса, ўшани бериб балки қутуларди. Бу ернинг ҳуқуқ-тартибот посонлари жуда қаттиққўллиги, мабодо қўлга тушиб қолса, аяб ўтирамай, ҳатто авахтага ҳам тиқиб кўйиши ҳақида Мурод кўп эшитганди. Шунинг учун ҳам у қўлга тушмаслиги, бир амаллаб Тошкент поездига чиқиб олиши керак. Вокзалга яқинлашган сайин унинг юраги ҳаприқарди. Ниҳоят, манзилга етиб келди. Тумонат одам. Кимдир поезддан тушаётган бўлса, яна кимдир перронга чиқиб ўз поездини кутяпти.

Хуллас, бу ердагиларнинг ҳаммаси қаергадир шошади, манзилига ошиқади. Мурод ҳам шулар қатори вокзалга кириб поездлар жадвалини излаб топди. Тошкент поезди ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари кечқурин жўнар экан. Қаранг, унинг баҳтига бугун сешанба. Демак, олти соатдан кейин поездга чиқиши мумкин. Шуларни ўйларкан, у хурсанд бўлиб кетди. Аммо ҳали вақт бор эди. Бу ерда қолиб поезд келишини кутиш эса ўта хавфли. “Тезроқ кетиш керак”, хаёлидан ўтказди у. Сўнг атрофга қарамай ташқарига шошилди. Эндиғина вокзал эшигидан чиқаётганида кутилмаганда икки милиционерга рўбарў келиб қолди. Сир бой бермай уларнинг ёнидан ўтиб кетмоқчи эди-ю, аммо бўлмади...

— Тўхта! — деди сержант унинг йўлини тўсиб. Мурод атрофга бир аланглади-да, қайси томонга қочиши мўлжаллади. Бироқ, бунинг сира иложи йўқ эди. “Қочганим билан қаергаям борарадим. Ахир, кучсиз, ҳолсиз бўлсам. Барибир тутиб олишади”, деб ўйлади у. Ёнида бир тийини йўқлигидан эса шу топда қаттиқ пушаймон эди. Пули бўлганида борми, уларни четга тортиб ҳаққини берарди-да, масалани ҳал қилиб қўя қоларди. Афсус! У сержантнинг буйруғига бўйсунишдан бошқа илож тополмади.

— Ҳужжатингни кўрсат! — буйруқ берди сержант.
 — Ҳужжатим йўқ, — деди Мурод ҳам ўзини қўлга олиб.
 — Шунақами? — деди сержант. — Унда бўлинмага борамиз. Орқамдан юр!

Ноилож қолган Мурод таваккал деб сержантнинг орқасидан эргашди. Улар вокзал биносидан ташқарига чиқишиб сал нарироқдаги милиция бўлинмаси томон кетишиди. Бўлинмада уларни капитан қарши олди. Сержант бошлиғига ахборот бераркан, Муродни кўрсатиб “ҳеч қандай ҳужжати йўқлигини” айтди.

— Ўтири! — деб буюрди капитан Муроднинг кўзларига тик қааркан. Мурод секингина кўрсатилган стулга чўкди.

— Кимсан, қаерга кетяпсан? — сўради капитан ундан.

Мурод индамади. Бор ҳақиқатни унга айтишдан чўчиди. Чунки капитан уни қаердан қочиб келаётганини билиб қолса, гўё уни ўша ёққа, ўша ваҳшийлар қўлига топшириб юборадигандай туюлди.

— Нима, эшитмадингми? Гапир! — сўроқقا тутди капитан яна овозини баландлатиб.

Муроднинг сукут сақлаб икки-уч марта берилган саволларга жавоб бермагани капитаннинг ғазабини қайнатиб юборди. У ўрнидан туриб столни айлантида, Муроднинг ёнига келди.

— Нега индамайсан, соқовмисан? Қани гапир! — капитан асабийлаша бошлади. — Агар гапирмасанг, ўзингга ёмон бўлади. Билиб қўй! Бир-икки йилга қамалиб кетасан!

Мурод “қамалиб кетасан”, деган сўзни эшитиб сергак торти. Тўғри-да! Ҳозир унинг тақдири шуларнинг қўлида. Ҳеч нарса айтмаса, чўнтағидан героин чиқди, деб қофоз расмийлаштиришлари ҳам мумкин-ку, ахир! Ҳа, буларнинг қўлидан ҳамма нарса келади. Энди, ор ҳақиқатни айтишдан бошқа чора йўқ, деб ўйлади Мурод. Сўнг бошидан ўтган воқеаларни бирма-бир айта бошлади. Тошкентдан бу ерларга қандай келиб қолгани-ю, қаерларда ишлагани, кимлар уларнинг паспортларини олиб қўйишгани ва кимлар уларни кимларга қанча пулга сотиб юборгани, охири минг азобда шу ергача бир тийинсиз етиб келганини, хуллас, ҳамма-ҳаммасини тўкиб солди. Ҳатто ўз ҳамюрти Азаматнинг жирканч қилмишларини ҳам яшириб ўтирмади. Капитан Муроднинг ҳаяжонга тўла ҳар бир сўзини диққат би-

лан эшитаркан, баъзи-баъзида қофозга нималарни дир ёзib оларди. Ниҳоят, Мурод айтадиганини айтиб бўлди. Сўнг енгил тин олди-да, капитанга юзланди.

— Яхши. Шунча дардинг бор экан, нега гапирмасдан асабимни қайнатдинг? — деди капитан жиддий оҳангда.

— Кечирасиз, одам алданавергач, ҳамма нарсадан ҳадиксирайдиган бўлиб қоларкан. Бунинг устига қамаб қўясизлар, деб қўрққандим.

— Ҳозир айтганларингни ҳаммаси ростми?

— Рост. Мен бор ҳақиқатни айтдим, ишонинг, ўртоқ капитан, — деди Мурод ялингандай оҳангда.

— Бўлмаса, шу гапларингни ёзib беришингга тўғри келади.

— Ёзишга-ку ёзаман, лекин рус тилида бир оз ғализроқ чиқиши мумкин-да, — Мурод хижолат тортгандай очиғини айтди.

— Бунинг аҳамияти йўқ. Бизга фактлар керак. Кимни қўлида қаерларда ишладинглар, кимлар сенларни кимларга сотди, аниқ исми-шарифларини ёз!

Шундай деб капитан унинг олдига қофоз ва қаламни кўйди.

— Жойларнинг номларини билмайман. Бизни уерларга қоронги кечада олиб боришганди. Лекин ўша ярамас одамларнинг исмлари аниқ ёдимда.

— Яхши. Унда нимани билсанг ўшани ёзавер, — деди капитан сегаретасини тортиб пулларкан хотиржамлик билан.

— Кечирасиз, булар сизга нима учун керак? — хавотирланиб сўради Мурод.

— Мен сенга ёрдам бермоқчиман.

— Ростданми? — қувониб кетди Мурод. — Қандай қилиб?

— Сен ёзган ариза асосида текширув ўтказилади.

Агар ҳамма фактларинг тасдиқланса, қолган дүстларинг билан уйларинга қайтасан. Тушундингми?

Кутылмаган бу гапдан Мурод довдираб қолди. Хаёлида “Наҳотки, шу гап рост бўлса?! Наҳотки, ҳаммамиз уйга қайтсак?!” деган фикрлар чарх ура бошлади.

— Ҳа, нега қараб турибсан, ёз! — буюрди капитан.

Мурод хаёлинин йифиб, қувончидан терисига сифмай, бирпасда ҳаммасини ёзиб капитанга узатди.

— Жуда яхши, — деди капитан қофозга кўз югуртиаркан.

— Энди кетсам бўладими?

— Йўқ! Сени ҳозир қўйиб юборолмайман. Қўлингда ҳужжатинг йўқ. Ким билади, балки айтганларингни ҳаммаси ёлғондир.

— Нега ишонмайсиз?! Худо ҳаққи, ҳамма гапим рост, — ялинишга тушди Мурод. — Аҳволимга қаранг, уч кундан бери туз тотганим йўқ!

— Гапинг ростдир, лекин қўлингда ҳеч қандай ҳужжат йўқ! Сен кимсан, ўзи? Балки бирор-бир жиноятчиидирсан? Ахир, пешонангга “бу яхши одам”, деб ёзиб қўйилмаган-ку! Тўғрими?

Мурод лом-лим дея олмай қолди. Нима қилсин? Ахир, қўлида шахсини тасдиқловчи бир парча қофози бўлмагандан кейин қийин экан. Қуруқ гапга ким ҳам ишонарди. У шуларни ўйларкан, жим бўлиб қолди.

— Сержант! — дея чақирди капитан. Эшик очилиб хонага ҳалиги икки милиционер кириб келди. — Буни олиб бориб авахтага топшир! Кимлиги аниқлангунча ўша ерда бўлади!

— Хўп бўлади, ўртоқ капитан, — деди сержант. Сўнг Мурод томонга юраркан: — Қани тур! Кетдик! — деди.

— Ўртоқ капитан, ундей қилманг! Ахир, мен кетишим керак! Ўзбекистонда мени ёлғиз онам, ука-

ларим кутишяпти! – деди Мурод кўзларидан ёш чиқиб.

– Қанақа йигитсан ўзи, бас қил! Ахир, айтдим-ку сенга, ёрдам бераман деб. Қолаверса, сен айтган ўрмонда қолиб кетган ўша дўстларингни ҳам уйларида кимларидир кутишаётгандир. Аризанг натижা бериб қолса, балки уларни ҳам қутқаармиз, бирга кетарсан. Бир оз чида-да энди, – деди капитан Муроднинг гапларидан асабийлашиб. Капитаннинг ачиниш аралаш айтган бу сўzlари унга қаттиқ таъсир қилди шекилли, боши эгилиб ҳеч нарса деёлмай қолди.

Ўша куни Мурод авахтага топширилди. У камерага кирар экан, димиққан, қўланса ҳаводан нафаси қайтиб кетди. Ичкарида ўн бештacha турли миллатга мансуб одамлар бор эди. Уларнинг нурсиз ва сўлғин юзларини, аянчли аҳволларини кўриб, Мурод бу совуқ ва зах камерада ётишнинг ўзи азоб эканлигини тушунди. У нарирокда бўш турган жойга бориб ўтирди. Атрофга нурсиз кўзлари билан боқаркан, бошини тош деворга оҳиста сужди. Қаттиқ чарчаганидан бўлса керак, бир оздан кейин кўзлари юмилди. Киприклари остида эса ўз тақдиридан эзилиб кетган юракнинг дарду аламларини акс эттирувчи кўз ёшлари қотиб қолганди.

Эрта тонгдан уларни маҳсус машинага тиқишиб ишга олиб кетишли. Кун бўйи оғир ишларни бажартиришли. Кеч тушгандагина худди қўйларни қўраларига қамагандай, яна уларни зими斯顿 камерага тиқишли. Еб-ичишлирининг тайини йўқ. Шу зайлда кўз очиб-юмгунча бир ойча вақт ўтди. Муроднинг танасини кун сайин куч-қувват тарк этиб борарди. Шу сабабдан у кейинги пайтларда деярли мадорсиз бўлиб қолди. Қаттиқ руҳий изтироб ва тушкунлик уни тамомила ўз исканжасига олиб

адою тамом қилғанди. Нима қилсін? Ахир, тирик жон бўлса! Ўзини ўзи ўлдириб ташлолмайди-ку! Ҳар гал шуларни ўйларкан, унинг кўзларидан шашқатор ёш сизиб чиқарди. Бу ёруғ дунёга келиб нима кўрди? Кечани кеча, кундузни кундуз демай тиришиб ўқиди, ўрганди. Қўлига магистрлик дипломиниям олди. Натижа нима бўлди? Кўпроқ пул топаман деб онасининг гапига кирмай шаҳарга келди. Курилиш ташкилотига кириб бинойидай ишлаётган бўлса-да, қаноат қилмай яна катта пулнинг орқасидан қувишни тўхтатмади. Охир-оқибат фирибгарлар чангалига тушди. Ёт ерларга олиб келиб сотиб юборишларигача йўл қўйди. Ҳаммасига ўзи айбдор. Борига шукр қилиб, тинчгина яшаганида, бундай азобли кунларга тушмаслиги аниқ эди. Энди жонига қасд қилай деса кўзига онаси, укалари кўринади. Улар Муродга бу азобларга чидашига, бу қийинчиликларни енгишига, бу ёруғ дунёда яшашига куч беради. Ҳа, у, албатта, уйига қайтиши, онаизори, укаларини кўриши керак. Шу ўй-хаёллар билан у беихтиёр бошини камеранинг совуқ тошларига қўяркан, кўзларидан аччиқ ва аламли ёшлар сизиб чиққанини сезмади ҳам.

Ҳаво совиб кечалари одатдагидан ҳам салқин бўлиб қолди. Бундай пайтларда камерадаги ҳарорат ниҳоятда пастга тушиб кетарди. Шу боис ҳам, авахтадагиларнинг кўзларига кечалари уйқу келмайди. Касалманлари эса, совуқ заҳридан тонггача инграб чиқади. Тезроқ уфқ бўзарсаю, бу музхонадан ташқарига чиқишича. Ниҳоят, зориқиб кутилган тонг ҳам отиб ташқарига чиқишиди. Аксига олиб совуқ ҳаво этларни жунжиктириб юборди. Одатдагидек улар машинада яна ишга кетишиди. Курилиш обьектида Мурод кейинги пайтларда асосан юк кўтаришми, цемент қоришми, фишт ташишми, шунга ўхшаган

дуч келган оғир ишларни бажаарди. Ахир, тўққиз қаватли уй қурилишида баланд қаватларга лифтсиз юк кўтариб чиқишининг ўзи бўладими? Шунинг учун ҳам Муродга буюрилган барча ишларда куч-қувват ва метин ирода талаб қилинарди. Бугун ҳам у эрталабдан ишни цемент ташишдан бошлади. Аммо тушга яқин кўзлари тиниб, ҳолсизланиб ўтириб қолди. Ўрнидан турмоқчи бўлди-ю, аммо боши айланиб ерга қулаб тушди. Ҳушидан кетди. Анчадан кейин кўзини очиб, палатанинг ҳаворанг шифтини кўрди. Қимирлай деса, оёқ-қўлида жон йўқ. Бутун танаси ҳолсиз, унга бўйсунмаганидан секин яна кўзини юмди. Энди у ҳеч нарсани ўйламасди. Тақдирига тан бериб, кўзларини юмганча ўлимига рози бўлиб ётган эди. Эртаси куни бир милиционер палатага кириб келди.

— Сени олиб кетишга келдим, ўзинг юра оласанми?
— деди милиционер каравотда чўзилиб ётган Мурод қараб.

— Қаёққа — сўради зўрға тили айланиб.
— Уйингга кетасан, — деди ҳалиги милиционер унга қофоз тутқазаркан.
— Сенинг аризанг бўйича текширув ўтказилди. Афсуски, кўрсатган манзилларинг ноаниқ бўлганлиги сабабли ҳеч қандай натижа бўлмади.

Мурод олдинига “Уйингга кетасан” деган хабардан қувониб, дили яйраб кетган бўлса, “Текширув натижа бермади” деган сўздан хафсаласи пир бўлиб кўзларини маҳкам юмди. Унинг хаёлида “Наҳотки, уларга ёрдам беролмаган бўлсам”, деган фикр чарх уради. Бир оздан сўнг, милиционер Муродни суяб ташқарига олиб чиқди. Уни нарироқда кутиб турган милиция мишинасига уни ўтқазиб вокзалга олиб кетди. Мурод перронда тўхтаб турган Тошкент поездини кўрган заҳоти юраги энтикиб, ўзини тутиб туролмади. Вагон трапи ёнида формада турган ўзбек

вагон кузатувчисини кўрганда эса кўзларидан бе-ихтиёр ёш чиқиб, бўшашиб кетди. Улар Муродни вагон ичкарисига суюб киришди ва купенинг пастки ўринларидан бирига ётқизиб қўйишди. Унинг хаёлидан “Наҳотки, уйга кетяпман? Наҳотки, ҳамма азоблар ортда қолди?” деган фикрлар ўтарди. Поезд ўрнидан қўзғалганда эса унинг кўзлари яна ёшга тўлди. Бу гал Муроднинг хаёлида бу ердан анча узоқларда, қалин ўрмонзорда қолиб кетган ҳамюрларининг ғамгин чеҳралари уни кузатиб қолаётгандай эди. Унинг юраги шу топда тошдек оғирлашиб зирқираб кетди. Бу оғриқ шу ерда қолиб кетаётган уста йигитлар олдидаги жавобгарлик оғриғи, виждон оғриғи эди. “Худо хоҳласа, Тошкентга етиб олай, нима қилишни ўзим биламан”, деди Мурод лаблари пичирларкан панжалари муштга айланиб. Аммо унинг бу сўзларини ўзидан бошқа ҳеч ким эшитмади. Чунки Мурод шунчалик ҳолсиз эдики, у ҳатто бошини кўтариб аччиқ хотираларига гувоҳ бўлган ва ортда қолаётган шаҳарга ҳам қайрилиб қарай олмади. У энди азиз қишлоғини, интиқсан укаларини жуда-жуда кўришни истарди. Мурод шуларни ўйлади-ю, кўзларини қаттиқ юмди. Хаёлида Мунисанинг кулиб турган чеҳраси пайдо бўлиб, унинг неча ойлардан бери кулги кўрмаган тунд қиёфасида гўё ҳаёт жонлангандай бўлди.

Рязань шаҳридан уч кунга яқин йўл юриб, поезд ниҳоят Тошкентга етиб келди. Муродга купедаги ҳамюрлари парвона бўлишганидан анча ўзига келиб қолди. Энди у ҳеч кимнинг ёрдамисиз вагондан тушишга ҳаракат қилди. Буни эплашга ўзида куч ҳам топди. У юрти ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас оларкан, дили равшан тортди. Бутун вужуди жўшиб, баданига қандайдир куч ва бардамлик киргандай бўлди. Оёғи

остидаги тупроқни кўзларига суртгиси, керак бўлса ўпгудай бўлиб бошини эгди. Ахир, у кўраётган, у юраётган бу азиз замин унинг ватани-ку! Шу юрт ободлигию, озодлиги деб, не-не бобокалонлари қон кечиб жон беришган! Балки ана ўшаларнинг мардана руҳлари қўллаб Мурод бугун она ватанини яна қайта кўраётгандир! Нима бўлганда ҳам, Оллоҳнинг назари тушган шу азиз тупроқ уники! Шуларни ўйларкан, унинг кўзларидан беихтиёр ёшлар сизиб чиқди. Аммо у буни сезмади ҳам. Чунки шу топда у ҳаётидаги энг катта хатосини англааб етганди. Пул учун ўз бахтини ўзга юртлардан излаб, хору зор бўлганидан юрак-юрагидан афсусланаётганди. Шу топда Мурод бир ҳа-қиқатни, у ҳам бўлса, ҳар бир инсон ўз бахтини ўз ютида, ўз она ватанида излаб топиши кераклигини тушуниб етди. Буни анча кеч англаган бўлса-да, ҳозир шу ҳақиқат уни бардам ва кучли бўлишга ундаётган эди. Шу лаҳзада у жисмонан жуда ҳолсиз бўлса-да, ўзини руҳан тетик ҳис қилиб вокзалдан чиқди. Бир зум қаёққа боришини билмай ўйланиб қолди. Уйидагиларини, Мунисани қаттиқ соғинган бўлса-да, уларнинг олдига боришдан ҳам ўта муҳим, асосий ишни бажаришим керак деб, сергак тортди. Унинг кўз олдига бу ерлардан жуда жуда узоқларда, қалин ўрмонлар орасида қолиб, минг бир азобларда хўрланаётганди шериклари гавдаланди.

— Уларни қутқаришим керак, — деди Мурод лаблари титраб. Ҳа, ҳозир у қаерга боришини, кимга нималар дейишини ҳам яхши билади. Вақт ғанимат. Лекин ўша ерни топиб, етиб боришига унинг кучи етармикан? У шуларни ўйларкан, кўзлари тиниб боши айланиб ўтириб қолди. Бирпасдан сўнг, у яна бор кучини йифди-да, ўрнидан турди. Ўзини қўлга олиб “Йўқ! Мен, албатта у ерга тезроқ боришим шарт!” деган фикрлар исканжасида, тўғри

прокуратура идораси томон жүнади. Ҳолсиз, жиққа терга ботиб, манзилни топиб борди. У ердагиларга бор ҳақиқатни түкиб солди. Азамат ва унинг опалари Дилбар, Моҳираларнинг кирликорлари ҳақида ба-тафсил ариза ёзиб, унда бу фирибгарларнинг түлиқ манзилларини ҳам күрсатди. Прокуратура ходимлари стулда зўрға мадорсиз, касалманд бўлсада, журъат ва куч топиб ўтирган Муроддан зарур маълумотларни олгач, уни тезроқ касалхонага ётиб даволанишини, зарур пайтда чақиришларини айтиб жавоб бериши. Шундан кейингина Муроднинг кўнгли хотиржам тортиб ташқарига чиқди. Бирпас идора ҳовлисидағи ўриндиқда ўтириб нафасини ростларкан, кўз олдида Мунисанинг чеҳраси гавдаланди. Уни жуда-жуда кўргиси келди-ю, аммо бунинг иложи йўқлигидан хафа бўлиб кетди. Ахир, ўзининг бу хароб аҳволи билан унинг кўзига қандай кўринади? Нима дейди? Шуларни ўйлаб Мурод бу қароридан қайтди. Онажонини, укаларини кўришга, ўз қишлоғига ошиқди. Бир неча соатдан кейин манзилига етиб борди. Уйи дарвозасини кўриши билан юраги ҳаприқиб, энтикиб кетди. Ичкарига тезроқ киргиси, онажонининг бағрига ўзини тезроқ отгиси келди. Шу хаёл билан у ҳовлига кирди. Аммо ҳеч кимни кўрмади.

— Ойижон, қаердасиз? — чақирди Мурод овозини иложи борича баландлатиб ҳовли ўртасига келаркан.

Уй ичкарисида юмуш қилиб ўтирган она бу овозни эшишиб сергак тортди.

— Муроднинг овозими? Наҳотки... Мурод... Муроджон — Ойниса хола бутун вужуди титраб ўзини ташқарига урди. Ҳовли ўртасида этлари суюгига ёпишиб кетган қоқ суюк одамни кўриб қаққайиб, тошдай қотди.

— Она...жо..н бу менман, — деди Мурод онаси

томон интиларкан. Шунча азобли кунлардан кейин онасини кўриб, унинг овозини эшишиб кўзларига ёш қўйилди. – Ассалому алайкум!

У онасини маҳкам қучди. Кўзлар тўқнашди. Дийдорлар учрашди. Она шу топда ўз боласининг фақат овози ва ич-ичига чўкиб кетган кўзларинигина таний олди. Мурод онасининг кўксига бошини қўйиб анча турди, сўнг елкасини кўтаришга уринди.

– Қимирлама, жон болам! Наҳотки... наҳотки... бу кўзларим сени кўраётгани, сени бағримга босиб турганим рост бўлса! Ўзимнинг болажоним, кўзимнинг қорачифи... Муроджон, болагинам, нуридийдам ўзимнинг, бирам сени соғиндимки... Сени кўролмай ўтиб кетаманми, деб қўрққандим. Худойимга шукр. Мана сени қайта кўрдим, гапларингни эшийтдим, бағримга қайта босдим, энди армоним йўқ. Оллоҳга беадад шукрлар айтаман... Ойниса холанинг овози бўғилиб, кўзларига ёш тўлди. Бу ёшлар севинч ёшлари эди. У бир лаҳзада аёлнинг икки юзини ҳўл қилиб юборди.

Мурод онасининг кўксида тинимсиз депси наётган юракнинг овозини эшишиб секин бошини кўтарди. Мунис онажонисининг юзларига бирпас бокди, унинг жуссаси янам чўкиб қолганлигини кўриб бошини бағрига қўйди.

– Онажон... мени кечиринг!.. Кечиринг... мен сизни шунчалар азобга қўйдим. Энди сиздан бир қадам ҳам узоқ кетмайман, онажон. Доимо ёнингизда бўламан, – деди Мурод ҳаяжондан тили зўрга айланиб. Унинг бутун танаси қувончдан титрарди. Шу лаҳзада бу ёруғ дунёда Муроддан-да баҳтлироқ инсон йўқ эди.

* * *

Орадан икки ҳафта ўтиб, Мурод анча ўзига келиб кучга кирди. Шундагина у Мунисани излаб шаҳарга

борди. Аммо топа олмагач, унинг дугонаси Мафтуна-га қўнфироқ қилди. Мафтуна унинг овозини эшитиб хурсанд бўлиб кетди ва курсдошлар ўтирадиган кафеда учрашишини айтди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, Мафтуна деди:

— Муниса, бундан тўрт ой олдин шаҳарнинг энг йирик дизайн компаниясига ишга қабул қилинди ва у ўз лойиҳлари билан ўтказилган республика кўрик танловида қатнашиб ғолибликни қўлга киритди. Ҳозир чет элда, Парижда бўлиб ўтаётган модалар кўргазмасида ўша лойиҳаси асосида ўзбек миллий дизайнни намуналарини намойиш этишда муаллиф сифатида қатнашмокда. Эртага қайтаман, деб кўнфироқ қилди.

— Йўғ-е, Мафтунадан эшитган бу хабардан Мурод шунчалик қувониб кетдики, ҳатто қулоқларига ҳам ишонмай, Мафтунадан қайта-қайта сўради.

- Ростанми? Қулоқларимга ишонмаяпман.
- Ҳа, рост.
- Қойил.

Мурод бу гапнинг ростлигига ишонч ҳосил қилиб, вужуди тўлқинланиб кетди. Ўзини бирлаҳза йўқотиб, турган жойида қотиб қолди. Унинг азобларда ўртанавериб тошга айланиб кетган қалби юмшаб, кўзларидан ёш қалқиб чиқди. Бу севинч ёшлари эди. Ҳақиқатан ҳам, Мурод яқин орада бунчалик қувонмаганди.

Мафтуна Муроднинг ҳолатини кўриб секин гап бошлади:

- Мурод aka, шу вақтгача қаердайдингиз? Муниса сизни кутавериб охири...
- Нима охири?
- Ном-нишонсиз, хабарсиз йўқолиб кетганингизга...

Мурод энди хавотирли нигоҳини Мафтунага қадаб деди:

- Аниқроқ гапиринг.
- Муниса сизни узоқ кутди.
- Мафтуна нима дейишини билмай каловланди.
- Тинчликми? Бирон гап борми? Мендан ниманидир яширяпсизми? Ёки...
- Менга йиғлаб телефон қиласарди. Сизни соғинганлигини, сиз бўлса бирон-бир хабарсиз йўқолганингизни айтарди.
- Мен ҳеч қаёққа йўқолганим йўқ. Фақат у билан гаплашишга имконият бўлмади.
- Сиз тополмаган имкониятингиз уни сиздан ажратди.
- Гапингизни тушунмаяпман.
- Муниса сизни кўп кутди дедим-ку. Уйига совчилар келаверганидан кейин ота-онаси уни турмушга беришди.
- Турмушга?
- Ахир, шунча вақт ном-нишонсиз, бедарак кетган бўлсангиз. Бирон-бир хабар қолдирмаганингиздан кейин у ҳам... нима қилсин.
- Менга кутаман, деб ваъда берган эди.
- Ҳа, сизни у кутди, мен гувоҳман. Лекин...
- Мана, кўриб турганингиздек рўпарангиздаманку. Мен ўлмадим, тирикман-ку! Қайтдим-ку! У мени нега кутмади? — деди Мурод қалтироқ овозда, лаблари титраб. Унинг бўғзига бир нима қадалиб ютинди. Ўзга юртларда мени сотишди, соғинч тўла бироқ тутқунликда кечган кунларимда у билан хабаралаша олмадим, минг бир азоб билан қайтиб келдим дейишга эса фуури йўл қўймади.

Орага жимлик оралади. Кейин Мафтуна ҳоргин овозда деди:

- Ишонинг, у ҳам сизни кутган эди. Лекин... лекин...
- Кимга турмушга чиқди?
- Отаси танишининг ўғлига узатди. Институтни

тугатгач, Мунисага ота-онаси “Яхши жойдан совчи чиқди, узатамиз”, деб қистовга олишди. Куёв бола чет элда ишларкан, катта бир меҳмонхонанинг менежери эмиш, деб ҳоли-жонига қўйишмади. Айниқса, отаси “Ўқишинг тугади, сени ҳам ўзи билан олиб кетади” дейишиди. Лекин Муниса “Ота, унинг нима иш билан шуғулланишини билмаймиз-ку, ахир. Балки у ёқларда севган қизи бордир ёки хотини, бола-чақаси ҳам бўлиши мумкиндири” деб турли баҳоналарни рўкач қилди. Ота-онаси унинг зорланишларига эътибор ҳам беришмади. Шундан сўнг Муниса Муродни севаман, аҳду паймон қилганман, фақат унга турмушга чиқаман деб аҳдида қатъий турволди. “Қани ўша Муродинг? Агар севганида уйидагиларини аллақачон жўнатган бўлар эди. У сени алдаган. Ёлғон ваъдалар берган. Майли, сенга яна бир имкон бераман. Чақир ўша Муродингни. Бир кўрайлик, гаплашайлик, шундан кейин ўйлаб кўрамиз” дебди отаси. Муниса мен билан учрашиб вазиятни тушунтирди. Унга ёрдам бериш мақсадида қишлоғингизга сизни ахтариб бордик. У ердагилар сизни шаҳарга кетган анчадан буён келгани йўқ дейишиди. Лекин уйингиздагилардан сўрамадик, яна бошқа хаёлларга бориб юришмасин, деб. Сиздан дарак бўлмагач “Сен ҳали ҳаётни билмайсан, энди мен айтганим бўлади”, деб ота-онаси куёв бўлмишнинг расмини Мунисага кўрсатишиди ва шу билан фотиҳа тўйи бўлди. Муниса у йигит билан ҳар замонда телефонда гаплашиб турди. Шу йил куз ойида куёвни чақиртиришиди ва бир ойга қолдирмай тўйлари бўлиб ўтди.

— Муниса баҳтлими? — сўради Мурод қайғули бир ҳолатда.

Мафтуна унинг ёшланган кўзларидан кўзларини олиб қочди.

— Билмасам, ташқаридан қараганда ҳаммаси яхшидек, аммо...

— Нима аммо? Гапириңг?

— Мунисанинг гапига қараганда күёв бола уни ёқтирмасмиш. Буни ўз оғзи билан айтибди ҳам. “Сен менинг дидимга түғри келмайсан, ота-онам түй кўрсинг, деб уйланганман” дебди. Тўйдан бир ойдан сўнг, у жўнаш учун ҳужжатларини тайёрлай бошлади. Муниса у билан кетишга умид қилганди. Бироқ, “Ҳужжатларинг ҳал бўлмади, олдин ўзим бораман, кейин сени чақираман”, деб эри жўнаб кетди. Муниса унга ишониб қолаверди. Шундан сўнг атрофдагилар назарида “Эри хорижда ишлайдиган, бойвучча, баҳтли аёл” бўлиб яшай бошлади. Аслида эса бунинг акси эди. Эри кетганидан сўнг бир ойда бир маротаба қўнғироқ қиласиган бўлди. Муниса бўлса, ишга жойлашиб ўзини иш билан овутиб юрибди.

— Мафтуна мен уни кўришим керак.

— Нимага?

— Бор-йўғи бир-икки оғиз гапни айтмоқчиман.

— Энди кеч. Яххиси...

— Мафтуна, сиздан ўтиниб сўрайман. У хизмат сафаридан қайтгач, шу ерга уни чақириңг, мен уни, албатта кўришим керак.

— Мурод ака, ҳиссиётга берилманг. Сизга айтдим-ку энди кеч деб.

— Мафтуна, мени тушунинг, мен унга бор ҳақиқатни айтмоқчиман. Мен... мен... унга...

— Мурод ака, у ҳомиладор. Ҳеч бўлмаса, шу хабардан кейин эри инсофга кирап, деб ўйлаб унга қўнғироқ қилибди. Шунда тез орада бориб қоларман, дебди эри. Хуллас, энди иккалангиз ҳам тақдириңгизга тан бериб кўнишишингиз керак.

Шу лаҳзада Мурод аччиқ қисмати учун энг асо-

сий айбдор ўзи эканлиги ва ўзининг ҳаётга енгил қарашлари сабаб баҳтидан ажралиб қолганини қалбан ҳис этди.

* * *

Мурод қишлоғига қайтаркан, йўл-йўлакай ўз хатоларини мушоҳада қилиб, минг бир надоматлар чекди. Пул деб ўзга юртларга бориб, оқибатда алданиб, соғлиғидан ажралиб, ярим ногирон бўлиб қайтганига, севган қизи Мунисадан ажралганидан минг бора пушаймон ўтида ёнди. Шунча йил ўқиб ақл топмаганидан афсусланди. Одам ҳам шунчалик калтафаҳм бўладими, деб алам ўтида ёнди. Ўзидан нафратланиб кетди. Ахир, атрофда ишлаётган ақлли одамлар ўз баҳтларини чет эллардан изламай, шу ернинг ўзидан топаётгани айни ҳақиқат эканлигини нега олдинроқ у билмади экан? Нега илгарироқ кўзини каттароқ очиб ҳаётга қарамади? Инсон фақат ўз элигагина, ўз она тупроғигагина ақл-заковатини бағишлаб, обрў-эътибор топишини нега у кеч англаб етди? Ахир, буларнинг ҳаммаси оддий ҳақиқат-ку! Шу нарсани олис қишлоқда яшаётган оддий бир муштипар онаси билганда, тушунганда, нега энди дипломли, зиёли бўла туриб шуни англаб етмади, тушунмади? Ҳа, буни Муниса ҳам яхши билган, тушунган. Демак, шу пайтгача менинг кўзларим очиғу, қалб кўзларим кўр бўлган экан. Шунинг учун ҳам оддий бир қиз қилолган ишни мен қилолмадим. Аксинча, пулнинг орқасидан қувиб хору зор бўлдим, юз тубан кетдим. Мурод шуларни ўйларкан, ўзини қоралашга бошқа сўз тополмай титраб кетди. “Йўқ! Мен ҳеч қачон ўзимни кечиролмайман!” Бу сўзлар унинг қалб нидолари эди. Шу топда у ўзи билан ўзи курашиб, ўз дардларида қовурилиб бўлганди. Ниҳоят, Мурод аччиқ қисматлар гирдобидан ўз

ҳақиқатини толиб, бир қатъий хулосага келди. У ҳам энди ўз туманига қайтади. Ақл-заковати ва билимини, бор куч-қувватини шу она тупроғига, шу азиз ҳалқига сарфлаб, ҳамманинг ҳавасини келтирадиган замонавий бинолар қуради. Албатта, у онажонисининг орзу-умидларини ушалтириб, “Бу бинони менинг ўғлим қурған” деб фахланиб юрадиган ишларни амалга оширади. Ҳа, ҳа! Албатта у шундай қилади! Қарори қатъий! Мурод мана шу хаёллар билан қишлоғига кириб келди.

Эртаси куни эса Муродга у берган маълумотлар асосида Ўзбекистон ҳамда Россия ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан ҳамкорликда тезкор тадбирлар ўтказилиб, Йўлдош уста ва бошқа йигитларнинг Тошкентга омон-эсон қайтиб келганиги, Азамат ва унинг жиной шериклари устидан тергов ҳаракатлари бошланганлиги боис, уни ҳам терговга чақиришаётгани ҳақида хабар етиб келди. Мурод бу хабардан шунчалик хурсанд бўлиб кетдики, ҳатто ўзини қўярга жой тополмай қолди.

— Наҳотки, улар ҳам қайтишган бўлса! Наҳотки, ҳаммаси тугаган бўлса! — деди-ю, лаблари қалтираб қўзларидан шашқатор ёш қуюлди. Шу топда унинг бутун вужуди жунбушга келиб, аъзою бадани титрар, панжалари муштга айланиб қалби эса нафрат алангасида ёнаётган эди. Ҳа, у албатта терговга боради. Барча чеккан ситаму азоблари учун одамфурушларни қонун олдида жавоб беришга мажбур қилади. Уларни жазолашда, албатта қатнашади. Мурод учун ҳаёт курашлари энди бошланиб, уни эзгуликка элтувчи йўллар ҳали олдинда эди.

* * *

Суд бўлиб ўтиб, жиноятчилар ўз жазоларини олишганига ҳам мана ярим йилдан ошди. Бу орада

Мурод аҳдига амал қилиб ўз туманига қайтди. Касби-га тўғри келадиган ишни эса туман архитектура бўлимидан топди. Ўша ерда иш бошлади. Қисқа вақт мобайнида, бир нечта қурилиш обьектлари лойиҳасини ишлаб чиқишида фаол иштирок этди. Унинг ўта талабчанлиги, юқлатилган вазифаларни сидқидилдан бажариши, ўз устида тинимсиз ишлаб, изланишлар олиб бориши, тез орада туман раҳбарияти назарига тушди. Шу боисдан энди унга масъулиятлироқ ишларни ҳам ишониб топширадиган бўлишди. Бу эса Муроднинг файратини янада ошириб, кучига-куч қўшиб, қилаётган ҳар бир ишига ижодий ёндашишга ундарди. Айниқса, унинг қишлоқ жойларида қурилаётган иншоотларнинг маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб, замонавий, гўзал ва бугунги кун талабларига мос келадиган лойиҳаларини яратиш борасидаги изланишлари яхши самара бера бошлади. У жамоат ишларига ҳам вақт топар, тадбирларда ҳам фаол қатнашарди. Борган сари туман аҳли орасида ўз ўрни ва эътиборига эга бўлиб борди. ЯратаБётган лойиҳалари эса вилоят миқёсига ҳам чиқиб, ижобий баҳолана бошлади. Шу боис, унга республикада эълон қилинган “Ёшлар спорт комплекси” лойиҳалар кўригига қатнашиш таклифи тушди. Ўша куни у ниҳоятда баҳтиёр эди. Чунки бу кўрикда қатнашишнинг ўзи, бир жиҳатдан унинг учун бор билим ва салоҳиятини намойиш этиш имкониятини берса, иккинчидан, унда ўз лойиҳаси билан иштирок этиб, ғолиб чиқиш масаласи янада шарафли ва нуфузли эди. Хурсандчилигини баҳам кўриш мақсадида нимагадир Мафтунага қўнғироқ қилгиси келиб унинг ишхонасига сим қоқди. Ишхонадагиларини “Мафтунахоннинг мазалари йўқ, уч-тўрт кундан буён ишга чиқмаяпти” деганини эшигиб, хавотирда унинг қўл телефонига қўнғироқ қилди.

— Салом, Мафтуна, яхшимисиз? Бу мен Муродман,
— деди хурсанд ҳолатда.

— Ҳа, раҳмат, Мурод ака. Ўзингиз яхши юрибмисиз? — деган Мафтунанинг йифи аралаш овози эшитилди.

— Мафтуна? Тинчликми, йиглаяпсизми?

— Йўқ, шундай ўзим.

— Уйдагиларингиз соғ-саломатмилар?

— Ҳаммаси яхши...

— Йўқ, негадир овозингиз бошқача чиқяпти.

Тинчликка ўхшамаяпти. Қаердасиз, бир зумда ўша жойга етиб бораман, айтинг.

— Шарт эмас. Ҳозир кўнглимга ҳеч нима сифмайди.

— Аниқроқ гапиринг, нима гап ўзи?

— Бошқа сафар ҳаммасини тушунтириб бераман.

— Йўқ. Мен сизни кўрмасдан, қишлоққа қайтиб кетолмайман, ахир. Мен ҳозир курсдошлар йилишиб ўтирадиган кафега бораман, сиз ҳам ўша ерга келинг, майлими?

— ...

— Мафтуна, илтимос, келинг, менинг ҳам сизга ай-тадиган янгилигим бор, йўқ деманг.

— Майли, ҳаракат қиласман.

Улар қаҳвахонада учрашишди. Мафтуна ҳақиқатан кай-фиятсиз, маъюс қиёфада эди. Асаблари чарчаган, бутун вужуди зирқираб оғриётганди. Унинг рангрўйини, бу аҳволини кўриб Мурод секин гап бошлади:

— Мафтуна, тузукмисиз?

— Раҳмат, яхшиман, — ҳорғин жавоб қайтарди у.

— Ўзингизни анча олдириб қўйибсиз. Рўпарамда ўтирган мен билган Мафтуна эмас. Умуман бегона бир қиз. Сизга нималар бўляпти ўзи, айтинг. Қўлимдан келса, бирор ёрдамим тегар.

Мафтуна Муродга бир оз тикилиб туриб, кейин

юрагини очгиси келди, шекилли мунгли овозда гап бошлади:

— Мурод ака, жуда ҳам сиқилиб кетдим. Кимга дардимни айтишни, кимдан маслаҳат сўрашни ҳам билмайман. Лекин сизга нимагадир ҳозир ичимдагиларни тўкиб сочгим келяпти.

— Мафтуна, тортинмай гапираверинг, енгил тортасиз. Агар бирор муаммо бўлса, биргаликда ҳал қиласиз, — деди Мурод меҳрибонлик билан.

— Бу ҳақда гапиришни истамасдим, аммо охирги пайтда одамларнинг гап-сўзи юрагимни қаттиқ яралади, аввалдан менга азоб бериб келаётган эски дардимни қўзғатиб қўйди.

— Қандай гап-сўзлар? Очиқроқ гапиринг.

— Ишхонада Сайёра опа деган аёл бор. Улар қўшниларининг ўғлини мақтаб ишхонага чақирди, мени унга кўрсатди. Сўнг йигит Сайёра опа билан холасини бизнинг уйимизга совчиликка жўнатди. Эшик ортидан ойимнинг икки ёшнинг тақдири қўшилган бўлса, ажаб эмас, деб юзига фотиҳа тортганини эшитдим. Аёллар кетгач, йиғлаб норозилик билдиридим.

— Ойижон, ахир мен кимга тегаётганимни билмасам... У йигит ким, у қанақа одам, танимасам.

— Қизим, йигитнинг қандайлигини билмадим-у, бой-бадавлат, тагли-тугли оила экан. Шу кунгача қийналиб яшаганинг етади. Бой оиласа келин бўлсанг, ўзинг ҳам камчилик кўрмай яшайсан. Мен ўлиб кетсам, уканг ҳам сенинг орқангдан қийналмайдида... Кўриб турибсан, кейинги пайтларда бир-икки хотин қўйган ёки хотини ўлганлардан совчи келди. Уларни қизимиз рози эмас, деб қайтариб юбордим. Бу йигит эса олий маълумотли, институтни тугатган, иши тайин ва энг муҳими сенинг тенгинг экан... Қилган оҳу нолаларим Яратганга етиб, бошингга баҳт қуши қўнди, болам!

Онамнинг бу гапидан сўнг розилик беришдан ўзга чорам қолмаганди. Бироқ эртаси куни ишга борсам, Сайёра опа – Аброрнинг ота-онаси қўшниларингдан сиз ҳақингизда сўраб-суриштирибди. Оилангиз уларнинг оиласига тўғри келмас экан, – деди у ҳеч нимадан тап тортмай. Миямда ўт чақнагандек бўлди. Ўша заҳоти Сайёра опанинг гапидан қалбимдаги эски оғриқ пайдо бўлди. Бу оғриқ неча йиллардан буён бор эди. Энди катталашгандек... Мафтунанинг кўзларида ҳалқаланган ёш юзини ювиб туша бошлади. Мурод унинг ҳолатига ортиқ бардоши етмай, унинг қўлини ушлаб тасалли берган бўлди.

– Мафтуна, ўзингизни қўлга олинг... Ёки... ёки... у йигитга кўнгилингиз бормиди?

Мафтуна йўқ, дегандек бошини силкитди.

– ...Бор-йўғи бир марта кўрдим. Ҳали яқиндан танишганимиз ҳам йўқ эди.

– Шунга шунчалик сиқиляпсизми? Ҳали ҳаммаси унут бўлади. У йигит кўз ёшингизга арзимайди... йифламанг.

Мафтуна ютиниб, хириллаган овозда деди:

– Бу гапни мен биринчи бор эшитганим йўқ. Нечта совчилар келин қиласиз, деб келишади-ю, тенгимиз эмас экан, деган гапни айтиб қайтиб кетишарди.

– Шунга ҳам йифлайсизми? Ахир... ахир... сиз олий маълумотли, бунинг устига ақлли қизсиз-ку!

– Мен унинг учун эмас, одамларнинг онамни “бева”, мени эса, “беванинг қизи”, “камбағал”, деб камситишлидан ёки бўлмаса, мени “қари қиз” экан, деган оғир дашномларидан чарчадим. Ана шу ноҳақликларга чидаёлмаяпман, тушуняпсизми? Менинг айбим нима, ўзи? Менинг бошқалардан нимам кам? Шу ёшгача кўрганларимни айтиб берсам, ишонмаслигинги мумкин.

Мафтуна кўз ёшларини артиб бир зум тин олдида, яна гап бошлади:

— Бахтсиз кунларим олти ёшимдан бошланган. Чунки ушанда ота-онам ажрашишганди.

Мафтуна шундай дея хўрлиги келиб яна йиғлаб юборди... Сўнг лаблари титраб сўзида давом этди:

— Очиини айтсам, келган совчиларнинг қайтиб кетишига онамни айблай олмайман. Чунки, онам ўттиз ёшда бўлганида отам бизни ёш, гўдак бўлишимиизга қарамай ташлаб кетган. Кейинчалик онам билан қонуний ажраши. Ҳатто, алимент ҳам тўламаган. Онам ёлғиз боши билан укам иккимизни катта қилди. Бизнинг на ўқишимиз, на еб-ичишимиз билан иши бор эди отамнинг. Умуман хабар олмасди. Охирги йилларда эса кўп жанжал қилиб келадиган бўлди. — Уй меники, бўшатиб қўйинглар! — дерди ҳар келганида. Ҳатто бир неча бор онамни калтаклади ҳам. Онам минг қийинчилик билан тиклаган рўзгоримизни — нарсаларимизни отиб, идишларимизни синдириди.

— Қачонгача менинг уйимда сифинди бўлиб ўтирасанлар?! — дерди отам доим. Иккинчи оиласидан бўлган болаларига эса меҳри бўлакча эди. Улар учун отам ҳамма шароитни, ҳатто ҳашаматли уй ҳам қуриб берган эди. Ҳовлида яшашарди. Биз эса бир хонали “дом”да турамиз. Уларнинг ҳамма нарсаси бор, ҳеч қачон биз каби тортиниб, қимтаниб яшашмаган. Биз бўлса, доимо камситувчи гапларни ичимиизга ютиб яшаб келяпмиз. Ҳозир укамнинг ёши йигирма тўртдан ошди. Уни уйлантирсак, қийналиб қоламиз. Онам “Пул йиғсак, уйимизни икки хонага алмаштирадик” дейди. Лекин отамнинг бу уйни бизга бериш нияти йўқ. Одамга алам қилар экан, ахир биз ҳам унинг фарзандимиз-ку! Болалигимиз қийинчиликда ўтгани-ю, онамнинг бизни боқаман, деб минг азобда қийналганларини билсангиз эди. Уйимизнинг рўпарасида талабаларнинг ётоқхонаси

бўларди. Тонг қоронфисида онам бориб у ернинг ҳовлисини супуар, қиш кунларида эса қорини кураб, фаррошлиқ қиласарди. Тонг ёришганда уйга қайтиб келиб бизга нонушта тайёрларди ва бизни овқатлантириб мактабимизга жўнатарди. Сўнг ўзлари ишга кетардилар. Улар оилавий поликлиникада ҳамшира бўлиб ишлардилар. Куз, қиш ойларида кечалари ойижоним хамир қориб қовоқдан сомса пиширади ва биз унга ёрдам берардик. Пиширилган сомсаларни ўзи билан ётоқхонага олиб кетарди, талабалар нонуштага ейишади, дерди. Шундай меҳнатлари билан ойим бечора пул топиб мени ҳам, укамни ҳам институтда ўқитди. Сиз ёлғиз қийналиб кетдингиз, биз ҳам бирор жойда ишлайлик десак, ойим доимо йўқ, сизлар фақат ўқишингиз, маълумотли бўлишингиз керак, иш эса қочиб кетмайди, ўқишлиарни тугатиб олсаларинг ҳали кўп ишлайсизлар, дерди.

— Ҳа, онангизга қойил қолиш керак. Аёл боши билан сизларни шунчалик ўқитиб, тарбиялаганлиги учун ҳам уларга минг раҳмат, — деди Мурод ўз онасини кўз олдига келтириб.

— Яқинда укам кутилмагандага оғир бетоб бўлиб ётиб қолди, — деб гапини давом эттириди Мафтуна.

— Бечора фақат “Отамни кўргим келяпти”, деди. Билсангиз йигит киши учун отаси унинг фуур тоғи, иймони-ю, ишончи, деган гап бор. Укам Олимжон отамга бирор маротаба эркалик қилмаган ва ундан меҳр кўрмаган бўлса-да, негадир бетоб бўлганлигига унга суюнишни хоҳлади. Тўшакда михланиб, ҳатто қимирилашга куч тополмай ётганида унинг дарди оғир эканлигини англадим. Ҳўрлигим келиб ноиложликдан отамни ўзим бориб чақириб келдим. Афсуски, ўша куни ҳам отам шифоханада яна жанжал кўтарди.

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

— Сенларни деб менга тинчлик йўқ. Сенлардан қутуламанми, йўқми? — деб бақирди отам. — Ҳаммасига сен айбдорсан! Уни сен касал қилгансан! Қарамагансан! Шуни баҳонасида пул сўраш учун мени чақирдингми? — деб ўз дардига ўзи қовурилиб ўтирган онамга бутун қаҳрини сочди.

— Олимжон отамни чақиринг, деб зорланганлиги учун сизни мен чақирдим. Бундан ойимнинг хабарлари йўқ, — деб ўртага тушдим.

— Сенларга мен эмас, пулим керак! Яхши найрангли баҳона ўйлаб топибсанлар! Бугун Олимжон, эртага сен, индинга онам касал, деб пул сўрашни энди бошлайсанлар-да!

Онам ортиқ чидай олмади ва отамга қараб бақирди:

— Сиздан шу пайтгача бир тийин ҳам сўрамадим! Ҳалол меҳнатим билан болаларимни катта қилдим! Бундан кейин ҳам шундай бўлади. Лекин сиздан уларга пул эмас, меҳрингиз керак...

— Меҳр эмиш... Биламан, буларингга менинг меҳрим эмас, пулларим керак. Пулим! Анави бўйи етган қизингни турмушга беришга, ўғлингни уйлантиришга энди мен керакман-да! Меҳр баҳонасида аслида пулларим керак-да! Буни аҳмоқ ҳам биладику! Айтиб қўяй, сенларга бир тийин ҳам бермайман! Тамом!

— Сизнинг пулингизсиз ҳам ўзимизни эпладик. Бун-дан кейин ҳам сизга ялинмаймиз. Фарзандларим катта бўлди. Ўзлари ишлашяпти, улар менинг ёнимга киришган.

— Жуда яхши. Ўзларингни эплаётган бўлсангиз, жуда хурсандман. Айни муддао, энди сенларга икки ой вақт бераман, уйни бўшатиб қўйинглар!

— Ҳозир уй олиб чиқишимизга имкониятимиз йўқ.

— Ия, ҳозиргина қизим ҳам, ўғлим ҳам ишлаб ўзини эплаяпти, деган сенмидинг? Бас, ҳамма

нарсани охири бўлади, мен икки ойдан кейин келаман. Ўшанда бу уйда қораларингни ҳам кўрмай. Тушунарлими?..

— Шу кетганча отам бошқа келмади. Укам бир ой шифохонада даволаниб чиқди. Менга эмас, касал ётган шу бечора укамга отамнинг бир оғиз ширин сўз айтмагани, меҳр кўрсатмагани алам қилди. Ҳар қалай ўғил болага кўпроқ ота керак шекилли. Бўлиб ўтган ана шу кўнгилсиз воқеалардан юрагим шу қадар эзилдики, бутун дунё кўзимга қоронги бўлиб кетди.

— Мафтуна сиқилманг, ҳали ҳаммаси олдинда, — деди Мурод унга меҳр билан тикилиб.

— Ҳеч нимага ишончим қолмади. Ахир, мен ҳам бошқалардек тўқис оиласам бўлишини, ота-онам билан фахрланиб юришни истайман-ку. Афсуски, эсимни танибманки, одамларнинг “Зулхумор беванинг қизи, онаси ким бўлса, қизи ҳам шу-да!” деган дилга озор берувчи гапларини эшитаман. Энди эса эшитиб турганингиздек, “Қари қиз” деган номни ҳам олганман... Наҳот, мен бу машмашалар билан бир умр қийналиб ўтаман?

Мафтунанинг юраги аччиқ аламдан симиллаб кетди. Зум ўтмай, бу алам бутун танасини қақшатиб юборди ва кўзларида яна ҳалқа ёшларга айланди. Бўғзига нимадир қадалгандай кафтини томоғига қўйди.

Мурод Мафтунанинг гапини эшитиб, энди уни кўраётгандек тикилиб қолди. “Тавба, — ўйлади у. — “Наҳот, шу қаршисидаги доимо хушчақчақ бўлиб, шодон кулиб юрган қиз шунчалик ҳаётнинг аччиқ дамларини бошидан кечирган бўлса”.

— Ахир, сиз ҳеч қачон бу ҳақда бизга айтмагансиз-ку? Шунча қийинчиликларни бошингиздан ўтказдингизми? — сўради Мурод ҳаяжонланиб.

— Мен қийинчиликларга дуч келсам-да, буни

ҳеч кимга ошкор қилмайман. Қалбим, юрагим түлиб йиғласа-да, атрофдагиларга кулиб қарайман. Биласизми нега? — Мафтуна Муроднинг жавоб беришини ҳам кутмай сўзида давом этди: — Чунки ҳеч кимнинг менга раҳми келиб қараашларини истамайман.

— Нега ундаи дейсиз? Агар билсангиз мен сизга доимо ҳавас қилардим. Сиз курсдошларим ичида энг билимли, аъло баҳоларга ўқийдиган ва энг ақлли қиз эдингиз. Эсингизда бўлса, курсдошлар баъзида сизга ҳавасланиб буни ўзингизга ҳам очиқчасига айтишарди. Сизнинг бахтли, ёрқин кунларингиз ҳали олдинда, — деди Мурод қатъий ишонч билан.

— Ҳа, бу гапни менга Муниса ҳам кўп айтади.

— Мунис...а... сиз у билан гаплашиб турибсизми?
Аҳволи қандай?

— Ўғилчали бўлди. Бирам боласи ширинки. Асти қўяверинг.

— Ўғилли?

— Ҳа, исмини Мурод деб қўйди.

— Мурод...

— Ҳа.

— Сиз мен ҳақимда унга айтдингизми?

— Сиз билан кечган сұхбатимизни унга айтиб бердим. Қайтганингизни эшитганидан хурсанд. Лекин энди ҳаётини ўзгартира олмаслигидан азият чекди. Билсангиз унинг ҳам ичи дардга тўла.

— Яна нима бўлди? Эри билан муносабатлари яхши эмасми?

— У бир эри билан ажрашаман дейди, бир боламни ҳеч қачон етим қилмайман дейди. Очифи, у икки ўт орасида қолган. Уни тушуниш қийин.

— Аниқроқ гапиринг?

— Муниса эрига ҳомиладорлигини айтса инсофга киради ва қайтиб келади деб ўйлаган экан, акси бўлди. “Бошимга ташвиш тушди, агар оилалиман

десам, мамлакатдан чиқариб юборишади, шу сабаб тезда ажрашишимиз керак” дебди. “Бу шунчаки расмиятчилик, хавотир олма! Аввал ажрашамиз, муаммолар ҳал этилгач, сени ўзим чақириб оламан, ўшанда қайтадан қонуний никоҳдан ўтамиз” деб қоп-қоп ваъдалар бериб уни кўндирибди. Бу гапни эшитган Мунисанинг ота-онасининг жаҳли чиқиб, “Агар ажрашсанг, хато қилганинг шу”, дея уни бу йўлдан қайтармоқчи бўлишиди. Муниса “Мен эримнинг айтганини қилишим керак” деб туриб олди ва ўзи судга ариза берди. Бу орада фарзанди туғилди. Уни отасиз туғруқхонадан олиб чиқишига мажбур бўлди. Ота-онаси унинг қайнона-қайнотасига гапирса “Келин сабр қилиб кутсин, ўғлим нари борса, бир-икки йилда қайтиб келади, ўшанда бирга яшайверишиди”, деган эмиш. Овсинларининг айтишича, у ерда эрининг хотини бор экан. Эри меҳмонхонада менежер эмас, оддий юк ташувчи бўлиб ишларкан. Бошим қотиб қолган, нима қилишни ҳам билмайман, дейди бечора. Ажрашай десам ўртада фарзанд бор, ажрашмай десам, эримни бир-икки йилда қайтишига ким кафолат беради? ...Аро йўлдаман, дугонажон, дейди. Мен эса унга қандай маслаҳат беришни ҳам билмайман.

— Ҳа... яхши эмас, — деди унинг гапини тасдиқлагандай Мурод ҳам ўйчан ҳолатда.

— Муниса ўзининг баҳтсизлигига кўпроқ ота-онасини айблайди. Куёв томонни яхшилаб суриштирмасдан, узатишга шошишди, “Хорижда ишлайди” деган мақтовларларга учиб, мени баҳтсиз қилиб қўйишиди”, дейди.

— Мафтуна, мен Мунисани кўришим керак.

— Нега?

— Ҳар қалай бизнинг муносабатимиз шу тахлит якун топмаслиги керак.

- Нима қилмоқчисиз?
- Энгаввало, унга бошимдан ўтган барча воқеаларни айтиб бермоқчиман. Нима учун келолмаганимни, нима сабаблигини, умуман, юрагимдаги унга аталған ҳамма гапларни айтмоқчиман.
- Кейин-чи?
- Қолганини у ҳал қилади. Чунки мен унинг баҳтсизлигига сабабчидай сезяпман ўзимни.
- Бундай хаёлларга борманг. У сизни ҳеч нарсада айблаётгани йўқ.
- Агар ўшанда отаси Мурод келсин гаплашайлик деб чақирганида мен шу ерда бўлганимда эди, ҳозир турмуш қуриб баҳтли ҳаёт кечираётган бўлар эдик. Афсус... энди кеч, ҳаммасига мен сабабчиман.
- Ким билади дейсиз. Балки Мунисанинг отаси унинг кўнглини ўкситмаслик учун шундай дегандир. Лекин бир гапни биламанки, ҳамманинг қисмати пешонасида ёзилган бўлади дейишади. Ундан ҳеч ким қочиб қутулолмаган. Сизларни учраширишга келсак, келаси ҳафтанинг якшанба кунида туғилган куним, шу баҳона билан сизларни шу ерга чақираман. Ўшанда у билан очиқласига гаплашиб оларсиз.
- Раҳмат, Мафтуна, — деди кўнгли ёришгандай бўлиб Мурод.
- Ўша кундан бери Муроднинг хаёли фақат Мунисада бўлди. У билан кўришиш учун Мафтунанинг туғилган кунини сабрсизлик билан кутарди.

* * *

Саратон. Қуёшнинг қайноқтафти ўт-ўланлар қолиб одами ҳам жизғанак қилиб юборай дейди. Бозор-үчар қилиб қайтаётган Мафтуна иссиқдан қочиб, соя-салқин дарахтлар остидан тез-тез юриб уйига келди. “Уф-ф, шунақаям қиздирадими?” дея хуноби ошганча олиб келган нарсаларини музлатгичга

жойлаштириди. Бир оз ўтириб, дамини ростлади-да, телефон гўшагини олиб рақамларини терди.

- Алло! Мурод ака! Ассалому алайкум!
- Яхшимисиз? — овоз келди гўшакдан.
- Тўғриси, сизни, овозингизни эшишиб, кайфиятим кўтарилиб кетди, — жилмайди Мафтуна.
- Нима, бунгача кайфиятингиз ёмонмиди?
- Яхши эди. Энди, аъло бўлди!
- Унда мен ҳам хурсандман.
- Мурод ака! Бугун келасизми? Ёдингизда-а?
- Эсимда, ахир сиздай яқин дўстимнинг туғилган куни эсимдан чиқармиди.

Хозирдан тайёргарлик кўряпман. Кимлар бўлади ўзи?

- Шундай қувончили кунда мен учун энг яқин одамларимнинг ташрифидан ҳам каттароқ совға бўлмайди! Менинг онам, укам, Муниса ва сиздан бошқа ҳеч қандай азиз инсонларим йўқ.
- Онангиз ҳам келадиларми?
- Йўқ, улар боролмайдиган бўлдилар. Тўсатдан холамнинг тоби қочиб қолибди. Шунга сиз ёшлар bemalol ўтиринглар, деб холамни кўргани кетди. Шунинг учун кеч қолмай тезроқ келишга ҳаракат қилинг.
- Яхши, фақат... бир илтимосим бор.
- Илтимос? — ҳайрон бўлди Мафтуна кўзлари пирпираб.
- Мен аллақачон шу ердаман. Жой тайёрлаб йўлингизга кўз тикиб, кутиб ўтирибман. Шунинг учун сизлар тезроқ келсангизлар яхши бўларди.
- Ие, қачон келдингиз?
- Бир соатча бўлди.
- Бўлмаса ҳозироқ укам билан йўлга чиқамиз. Муниса эса биздан олдинроқ бориб қолса керак.
- Мурод олдиндан тайёрлаб қўйган иккита гул-

дастани бирин-кетин стол устига жойлаштириди. Қип-қизил атиргулларнинг ифори атрофга таралди. Уларга тикилиб хаёлга толди. Мунисани қандай кутиб олади ва унга нималар дейди? Неча кундан буён ўйлаб айтмоқчи бўлган гаплари ҳаяжондан хаёлидан кўтарила бошлади. Гапни нимадан бошласа экан? Бўлиб ўтган воқеалар учун ундан қандай кечирим сўрайман? Шундай хаёллар қуршовида ўтирганида рўпарасида турган Мунисанинг гўзал чеҳрасига кўзи тушиб юраги ҳаприқиб кетди. Унга нигоҳи қадаларкан, карахтланди ва кўзларида шодлик учқунланди.

— М... Муниса... Сиз... Яхшимисиз? — деди зўрга.
— Мурод ака... бу сизмисиз? — деди Муниса Муроднинг тамомила ўзгариб кетганидан таний олмай.

— Ҳа, менман — деди Мурод ўнғайсизланиб.
— Ассалому алайкум, яхшимисиз? Бизнинг доимо ўтирадиган столимиз бўшмиカン, деб қарасам, сизни кўрдим. Дастрраб сизмисиз ёки йўқ, деб иккиландим. Қарасам сиз экансиз. Очифи, ўзгариб кетибсиз. Сизни кўриб...

Беихтиёр Мунисанинг кўзларида ёш ҳалқаланди. У хижолат тортгандай кўзини Муроддан олиб қочди.

— Кечиринг мени, Муниса. Кўп хатоликлар қилдим, — деди Муроднинг кўнгли бузилиб. Аммо ўзини қўлга олди. — Қаранг, кўришмаганимизга ҳам икки йилу уч ой бўлиди.

— Ҳисоблаб юрганмидингиз?
Мурод унинг саволига жавоб бермасдан ўрнидан туриб тайёрлаб қўйган атиргул гулдастасини унга узатди.

— Вой, бунча чиройли. Бу менгами?
— Ҳа, сизга. Ёқдими?
— Жуда ҳам, лекин бугун менинг туғилган куним эмас-ку!

- Муниса, сиз ҳар куни шу гуллар каби менинг юрагимда фунчалайсиз, ифор таратасиз.
- Қўйинг, бундай гапларни гапирманг.
- Иложи бўлса мени кечиринг, — деди Мурод яна айбор оҳангда.
- Нега?
- Мен сиз ҳақингизда Мафтунадан ҳаммасини билиб олдим. Турмушга чиққанингиз, фарзандли бўлганингиз... дизайн компаниясида ишлаб Парижда бўлиб ўтган модалар кўргазмасида лойиҳангиз муносиб баҳолангани-ю, хуллас, ҳаммаси ҳақида...
- Мурод ака, шу вақтгача қаерда эдингиз? Мен сизни қайтишингизни нечоғлик кутдим. Бир оғиз хабар ҳам бермадингиз. Охири уйдагиларнинг қистови билан турмушга чиқдим, — деди Муниса айбор одамдай ерга қараб.
- Хабарим бор. Лекин... лекин... ўша вақтларда мен келолмас эдим. Сиз билан хабарлашишга имконият ҳам, илож ҳам йўқ эди. Қайтганимдан кейин турмушга чиққанингизни эшитдим. Мафтунага сиз билан учрашишга ёрдам беринг, десам у хоҳламаганингизни айтди.
- Ҳа, мен хоҳламадим. Чунки... мен... энди оиласи аёлман. Фарзандим ҳам бор. Факат уларни деб яшшим керак.
- Турмуш ўртоғингизни чет элда деб эшитдим. Шу туғрими?
- Ҳа, у ўғлимиз туғилганини эшитиб яқинда келиши ҳақида хабар берди.
- Уни севасизми?
- Бу гапларингиз энди ўринсиз. Бизнинг сиз билан қилган орзуларимиз энди алданган, ушалмас орзулар бўлиб қолаверади, — деди Муниса кўзлари жиққа ёшга тўлиб юзини яна четга ўгирапкан. Чунки у Муроднинг кўзларига энди тик қарай олмади, очифи, журъати етмасди.

Мурод ҳам унинг ҳолатини кўриб тушунди шекилли, чуқур нафас олди-да ерга боқиб гап бошлади:

— Мен ҳам орзуларимиз сароб бўлишини истамагандим. Ўшанда бир оз сабрли, бардошли бўлганимда сизни бундай қисмат гирдобига ташлаб қўймасдим. Буларнинг барига ўзим сабабчиман. Энди, минг бор афсус қилмай, пушаймон бўлмай, тақдиримизни, барча орзу-умидларимизни ўз қўлларим билан чил-парчин қилдим. Муниса, агар кечиролсангиз, мени кечиринг, ўтинаман! Аслида сизнинг гапингизга кириб, у ёқларга кетмаслигим керак эди. Ўзбахтимни, ўзомадимни шу ерда излашим керак эди. Гоҳида ўзим ҳам ҳайрон қоламан, наҳотки, ўша жаҳаннам тубидан тирик қайтган бўлсам, деб!

— Муроднинг ҳам кўзлари ёшланди, ўзини қўлга олишга ҳар қанча уринмасин бунинг уддасидан чиқа олмасди. Аниқроғи асаблари унга бўйсунмасди.

— Мурод ака, ўзингизни босинг. Мен ҳаммасини биламан. Мафтуна сизнинг у ёқларда чеккан азобларингиз ҳақида айтиб берди.

— Муниса, мен у ерларга ўзим учун борганим йўқ. Тўйимиз учун пул ишлаб келаман, ҳеч кимницидан кам бўлмаган тўй қиламиз, деб кетган эдим. Охироқибат эса, акси бўлиб чиқди. Ҳеч вақосиз, соғлиғимдан айрилиб, касалманд бўлиб қайтдим ва энг аянчлиси бахтимни — сизни йўқотдим. Билсангиз, оғир дамларимда доимо сиз мен билан бирга эдингиз, бир зум ҳам кўз ўнгимдан кетмагансиз. Қанийди, ўшанда қанотим бўлганида эди, сиз томон учардим, деб хаёл қилардим. Чеҳрангизни, кўзларингизни, шўхликларингизни ҳар сония қўмсайвериб, ўз ёғимда ўзим қовурилиб адo бўлдим. Ўнгимда ҳам, тушимда ҳам нигоҳларим олдида сиз... бўлгансиз... Энг асосийси, севгимиз мени у ёқлардан омон қайтишимга куч бағишлади.

Мурод секингина Мунисанинг қўлини кафтлари орасига олди. У сесканиб қўлини тезда тортдида, титраётган бармоқларини яшириш учун стол устидаги дастурхон попугига кўл югуртириб гап бошлади:

— Мурод ака, энди ҳаммаси тугади. Мен кўп нарсанни йўқотдим. Энди уларни ортга қайтаролмайман. Тақдир ўйини шу бўлса керак. Чунки бўлиб ўтган воқеалар ростанам бизнинг ҳаётимизни бутунлай ўзгариб кетишига сабаб бўлди. Бугун биз бутунлай бошқа-бошқа қирғоқдамиз.

— Шунақа денг... — Мурод Мунисага узоқ тикилиб турди-да, паст овозда давом этди: — Сизни жуда кўп ўйладим, деярли ҳар куни кўз ўнгимдасиз. Нега энди юрагимиздаги туйғулар, бир умрга армонга айланаб қолиши керак?

— Ҳар қанча оғир бўлмасин, бўлиб ўтган воқеаларни орқага қайтара олмаймиз. Яхшиси, сиз ҳам оила қуинг. Фарзандларингиз туғилса, меҳрингизни уларга бағишланг. Мени энди унутинг.

— Сизга бўлган севгим бутун борлиғимда, қон томирларимда оқмоқда. У мен билан бирга нафас олмоқда, мен билан бирга яшамоқда.

— Турмуш қуриб инсон учун энг муқаддас нарса оила, фарзандлари эканлигини тушуниб етдим, — дея Муниса бир муддат кўз ёшларига эрк берди-да, сўнг уларни тўхтатиш учун кўзларини юмди.

Мурод унинг ҳолатига эзгин боқди ва секин сўради:

— Муниса ҳозир сиз баҳтлимисиз?

— Ҳа, мен она бўлганлигимдан жуда ҳам баҳтиёрман. Ўғлим менинг бутун борлиғим, — деди у атрофга қараб, сўнг: — Негадир Мафтуна кеч қоляпти, — деди хавотирли оҳангда.

— Тушунмадингизми, у бизни бемалол гаплашиб олишсин, деб келмаяпти шекилли.

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

— Менга айтган эди. Мурод ака билан ҳаммасини очиқчасига гаплашиб олинглар, деб. Мана келишиб ҳам олдик. Ҳамма нарса ойдинлашди. Иккимизнинг бугунги сұхбатимиз охиргиси бўлсин. Энди муносабатларимиз ҳақида бошқа гаплашмаймиз.

Муроднинг кўзи Мафтунага тушиб:

— Мафтуна келяпти, — деб ўрнидан қўзғалди ва атиргул гулдастасини қўлига олди. Яқинлашиб келган Мафтунага очиқ чеҳра билан узатди. — Табриклаймиз!

— Нега кеч қолдинг? Энди хавотирлана бошлагандик, — деди Муниса ҳам уни қучоқлаб ўпаркан.

— Анчадан буён кўришмагансизлар, бир юракдан гаплашиб олинглар, деб атайлаб кеч келдим, — деди Мафтуна курсдошларига мамнунлик билан жилмаяркан.

— Сендан бизнинг ҳам яширадиган гапимиз йўқ. Ҳамма сирларимизни биласан. Биз фақат айрим нарсаларга ойдинлик киритдик, холос, — деди Муниса Мурод билан бўлиб ўтган сұхбатга нуқта қўйгандай.

— Келишиб олган бўлсаларингиз, жуда ҳам яхши. Энди туғилган кунни ҳам нишонласак бўладими? — деди Мафтуна савол назари билан Муродга қааркан.

— Албатта, — деганича Мурод ўрнидан туриб чирайли безатилан тортнинг юзига шамларни жойлаштириди.

Мафтуна укаси билан келган эди. Тўрталаси анча вақтгача чақчақлашиб ўтиришди.

Муроднинг Муниса билан кўришуви унинг юрагида қувончдан кўра, алам ва пушаймонлик туйғусини жунбушга келтирди. Ўша кундан бошлаб, фақат иш билан ўзини чалғитиш кераклигини англади ва янги лойиҳа устида ишлай бошлади. Кун бўйи ишлагани етмагандай, баъзан ярим тунгача ёзувчи-

зув билан овора бўларди. Бу орада тез-тез Тошкентга иш билан бориб турар, қайтишида Мафтуна билан учрашиб янги лойиҳасининг хомаки лойиҳаларини унга кўрсатиб, узоқ баҳслашиб қоларди. У Мунисани унуганига ўзини ишонтиришга уринарди, бироқ уни эслаши билан Мунисага бўлган муҳаббати яна юрагини ўртарди. Унинг севги изтироблари ҳарчанд уринмасин, қалбидан ўчмас, чўғ бўлиб бутун вужудини куйдирарди.

* * *

Мафтуна ишидан бўшаб анча пайт уйида ишсиз қолиб кетди. Бирор иш топай деса, ҳадеганда омади келавермади. У кўп идораларнинг эшикларини қоқди. “Бизда бўш ўрин йўқ”, “Хозирча ходимларимиз етарли”, деган жавобларни олди. У узоқ ўйлади ва Муроддан ёрдам сўрашга қарор қилди. “Мурод ақлли йигит, илтимосимни рад этмас,” хаёлидан ўтказди у. Телефонда Мафтунанинг овозини эшигтан Мурод, очиғи, бир оз шошиб қолди.

— Кулокларимга ишонмаяпман. Наҳотки, бу сиз?
 — Ҳа, Мурод ака, менман. Очиғи, менга иш керак.
 — Нима? Иш дейсизми? Сиз биз томонларда ишламоқчисиз? Бўлиши мумкин эмас. Ҳазиллашаяпсизми?

Мафтуна босиқлик билан гапиришга уринди.
 — Йўқ. Эртага олдингизга ўтмоқчиман. Менга маслаҳатингиз керак, майлими?

— Майлими деганингиз нимаси? Келсангиз бошим осмонга етади-ку! Иш бўлса топилар, — деди Мурод жиддий тортиб.

Мурод яна нимадир демоқчи бўлди, бироқ Мафтуна шошилиб унинг гапини бўлди.

— Менга ишхонангизни манзилини айтсангиз, ёзиб олардим, — деди у гапни чўзмай.

— Ёзиб ўтирманг, Яхиси, телефон рақамингиңизга “смс” қилиб ташлайман. Келишдикми?

— Жуда яхши.

— Унда сизни эртага кутаман, — деди Мурод түлкінланиб.

Сұхбат тугагач, “Унга құнғироқ қилиб хатога йўл қўймадиммикин”, — ўйга толди Мафтуна. “Мурод энди мен ҳақимда нима деган хаёлга боради? Балки мени иш баҳона, бошқа мақсадда келяпти, деб ўйлар...” Хуллас, қизнинг кўнглига шубҳа оралади. “Қўнғироқ қилмасам бўларкан”, — афсусланди у. Аммо иложсиз қолганини ўйлаб, ўзига таскин берди.

— “Мурод ёмон йигит эмас, қийинчиликларга дуч келганимни тўғри тушунар”.

Эртаси куни тушга яқин Мафтуна Муроднинг идорасига кириб борди. Унинг хонасини топиб сеқин тақиллатди. Ичкаридан Муроднинг “Киринг” дегани, кейин эса қадам товуши эшитирди. Бир дақиқа ўтмай эшик очилиб, Мурод кўринди. Унинг кўзлари кулиб турарди.

— Наҳотки, бу сизсиз?! Кўзларимга ишонмайман. Мафтуна!.. Биздай фарибларни йўқлаб келганингиздан бошим осмонга етди... — севиниб қўл узатди Мурод. — Ўзимам ҳайрон бўлувдим, кечадан буён қуёш қаёқдан чиқяпти, деб. Қани ичкарига киринг, — деди у Мафтунани хонасига бошлаб.

— Келинг, марҳамат ўтиринг, — деди у меҳмонига курсилардан бирини суриб, Мафтунани ўтиришга таклиф қиларкан.

— Яна бир бор хуш келибсиз. Ойингиз, укангиз яхшими? Ўзингиз-чи?

— Раҳмат, ҳаммаси яхши, ойимлар ҳам сизга салом деб, юбордилар, — деди Мафтуна маъюс жилмайиб.

Мурод унинг кайфияти тушкунлигини, олдингига қараганда, ўзини анча олдириб қўйганини пайқади.

Мафтунани бирор муаммо қийнаётгани аниқ, деб үйлади у.

— Мафтуна, сизни нима қийнаялти? Тортинмай айтаверинг, — деди у ҳамдардлик билан.

Мафтуна бирпас жим ўтиргач, ҳазин оҳангда гапира бошлади:

— Мени ишдан бўшатишди. Биласиз-ку, Сайёра опа билан сал тескари бўлиб қолган эдик. Мени бошлиқ-қа ёмонлаган шекилли, уни-буни баҳона қилиб ҳар нарсадан қийиқ ахтараверди. Охири жонимга тегди. Шу иш керак бўлса олинглар. Жонимни олмасаларинг керак, деб ишдан бўшаш учун ариза ёздим. Бошлиқ ҳам худди шуни истаб турган экан шекилли, ўша заҳотиёқ буйруқ чиқарди. Хуллас, ишдан бўшадим. Иш тополмай бир неча ой уйда ўтириб қолдим, дея Мафтуна бошини эгди.

Мурод қизнинг мақсадини тушунди ва жилмайиб:

— Дўстлар бир-бирининг корига шундай кунда ярайди-да. Сизга ёрдам беролмасам, нима қилиб юрибман, — деди Мурод Мафтунанинг кўзларига меҳр билан тикилиб. — Мен олдинлари ҳам сизга бизда иш бор, келинг, биргаликда ишлаймиз дегандим. Бошлиғимизга ҳам сиз ҳақингизда гапириб тажрибали ходим эканлигинизни тушунтиргандим. Улар, шаҳарликлар бизнинг туманларга, қишлоққа келиб ишламайди-да, агар келса, майли, чақиринг, яхши бўларди, деган эди. Бу ҳақда сизга айтган эдим, ўзингиз хоҳламадингиз.

— Ҳа, мен ўшанда осмонларда учардим. Нуфузли компанияларда катта лойиҳалар устида ишлашни орзу қиласдим, — деди Мафтуна энтикканча. — Ҳаёт эса тамомила бошқа нарса экан. Ҳар доим ҳам истаган нарсаларинг бўлавермас экан, — деди у чуқур уф тортиб.

Мурод унинг тушкун кайфиятини кўтариш мақсадида гап бошлади:

— Мафтунахон, бизнинг идорамиз ҳам шаҳардаги компаниялардан ҳечам қолишмайди. Қишлоқ жойларни обод қилиш учун, э-ҳе, ҳали қанчадан-қанча замонавий янги қурилиш лойиҳаларини яратишимииз керак. Қанчадан-қанча қурилиш объектлари бизни кутмоқда, — деб тўлқинланиб гапирди Мурод.

— Майли, ҳозир бошлиғимиз қурилиш объектларини кўргани чиқиб кетгандилар, улар билан телефон орқали гаплашай-чи, — дея у бошлиғининг қўл телефонига қўнғироқ қилди. Бошлиқ гўшакни кўтаргач, у Мафтунанинг иш сўраб келганлигини айтиб, ёрдам беришини илтимос қилди. Бошлиқнинг жавобидан Муроднинг кайфияти кўтарилди. У телефон гўшагини қўяр экан, Мафтунага юзланди.

— Табриклайман! Эртагаёқ бизда иш бошлашингиз мумкин, — деди Мурод кўтаринки кайфиятда.

— Эртага? — ҳайрон бўлди Мафтуна. Тўғриси, бу муаммони шу қадар тез ҳал бўлишини кутмаганди у.

— Ҳа, эртага ишга чиқишингиз мумкин. Бошлиғимиз сизни бўлим бошлиғи ўринбосари лавозимида иш бор, хоҳласа шу жойга ишга оламан дедилар.

— Қўйсангиз-чи, бошлиқ ўринбосари дейсизми? — ҳазилга йўйди Мафтуна.

— Бу сизга нисбатан катта ишонч, — деди Мурод.

— Тўғри, дастлаб сизни билмаганлар бу лавозимга тажрибасиз-ку, деб ўйлашлари мумкин. Лекин мен сизни яхши биламан. Ишни эплаб кетишингизга ишонаман. Фақат... — у Мафтунадан узр сўрагандек қаради. — Ойлиги унча кўп эмас-да.

— Майли, қанча бўлсаям, розиман, — деди Мафтуна жонланиб.

Мурод унга ариза ёздириб, вазифасини эринмай

тушунтириди, эртадан иш бошлаши мумкинлигини яна айтиб, уни автобус бекатигача кузатиб:

— Мафтуна, — деди жиддий оҳангда. — Сизга бир илтимосим бор.

— Илтимос дейсизми? — унга қараб ҳайратланди Мафтуна. Кейин: — Қўлимдан келса, жоним билан, айтаверинг, — деди жилмайиб.

— Илтимосим шуки, тушкунликка тушманг. Сизга мана шундай жилмайиб юриш ярашади, — деди Мурод қиз лабидаги табассумни кўриб. Мафтуна бу гапларни Муроддан кутмаган эди. Шунданми, беихтиёр унинг чеҳраси янада ёришди.

— Раҳмат сизга. Бу илтимосингизни бажаришга ҳаракат қиласман.

— Албатта, шундай қилинг, — деди Мурод Мафтунанинг жавобидан қониқиб, унга меҳр билан тикилди.

— Хўп, хайр бўлмаса, мен эртага келаман, — деди Мафтуна автобусга чиқаркан табассум билан.

Мурод унинг ортидан қараб қоларкан, Мафтунага ёрдами текканлигидан кўнгли тоғдай кўтарилиди.

Эртаси куни Мафтуна хурсанд кайфиятда иш бошлади. У идора ходимларига тез қўшилиб, билмаганларини қунт билан ўрганишга киришди. Бўлим бошлиғи ўринбосари лавозимида бўлса-да, ходимларга ёрдамлашар, ҳар бир топшириқни бажариш учун астойдил интиларди. Баъзи масалаларни ҳал этишда Мурод билан маслаҳатлашиб иш тутарди. Мурод ҳам ундан вақтини аямасди. Иложи борича Мафтунани янги жамоага тезроқ кўнишига ёрдам берарди. Ҳар куни эрталаб Мафтуна билан саломлашишни, кечқурун эса хайрлашишни канда қиласди.

Телефон жиринглади. Кирим-чиқум ҳужжатларини тўлдираётган Мафтуна гўшакни олди.

— Алло.

— Мафтуна, хонамга кириб кетинг.

Бу Мурод эди. Мафтуна ажабланди, яқиндагина хонасига кирганды-ку. У шундай хәёллар билан Муроднинг хонасига кириб келганида, Мурод дераза ёнида ўйга чўмиб турарди. Мафтунани кўриб унинг чеҳраси ёришди.

— Келинг, — уни ўтиришига ишора қилди Мурод,
— гаплашиб олайлик.

Мафтунанинг юраги ғашланди. “Бирортаси устимдан шикоят қилдимикан” хаёлидан ўтказди у. Ҳадеганда Муроддан садо чиқавермагач: — Нима бўлди? Тинчликми, ўзи? — сабрсизланиб сўради Мафтуна.

— Тинчлик, шунчаки сизни биринчи маошингиз билан табрикламоқчиман, — деди хурсанд кайфиятда Мурод.

— Бор бўлинг-э. Мен бўлсам, нима гап экан, деб юрагимни ҳовучлабман-а, — деди Мафтуна аввал каловланиб, кейин кулиб юборди. — Тавба, одамни намунча қўрқитасиз-а? — деди сўнг аччиқлангандай.
— Шунга чақирдингизми?

— Албатта, — Мурод бу сафар унга ҳайратланиб меҳр билан қаради. — Ахир, бу катта воқеа-ку. Бизнинг ишхонамиздаги биринчи маошингиз. Ҳалол меҳнатингиз ҳаққи.

Мафтуна унинг гапига нима деярини билмай ерга қаради.

— Мафтуна... Мурод нимадир демоқчи бўлди-ю, жимиб қолди. Кейин меҳрибонлик билан гап бошлади. — Биз бирга ўқиганмиз, бир-биrimизни яхши биламиз. Яхши-ёмон кунларни ҳам бирга кўрганмиз. Ҳозир ҳам бошингизга қийинчилик тушганда, менга ишониб келдингиз. Бундан, очифи, хурсандман. Сизга нафим текканидан мамнунман.

Бирор нимага зарурат сезсангиз, бемалол айтаверинг, тортинманг, – деди самимий.

Мафтуна унинг мақсадини энди тушунгандай бўлди. Хўрлиги келиб Муроднинг қаршисида ўзини ожиз ҳис этди.

– Раҳмат, Мурод ака. Менга шунчалар кўмак берајпсиз, бу яхшилигинги зни сира унутмайман. Худога шукр, ҳозирча ҳамма нарса етарли. Мана иш топишимида ёрдамингиз тегди, шунинг ўзи катта мадад.

У бошқа ҳеч нима демай, Муроднинг гапини ҳам кутмай хонадан шошиб чиқиб кетди. Йўлакда ўзини тутолмай кўзларига ёш қалқди. Муроднинг гапларидан эмас, ўзининг кимнингдир ёрдамига муҳтоҷ бўлиб кўринганидан ич-ичидан ўксинди.

Мурод худди айб иш қилиб қўйгандек саросималанди, гапидан Мафтуна хафалигини сезди. Нима бўлгандаям, кўнглидаги гапни айтди-да, ахир ёрдам беришнинг нимаси ёмон, дея ўзига тасалли берди.

Шу воқеадан сўнг Мафтуна ўзини панага оладиган, иложи борича Муроднинг кўзига кўринмасликка уринадиган бўлиб қолди. Мурод буни сезса-да, ҳеч нима демади. Мафтунага унинг юраги ачири, унга қандай ёрдам кўрсатишни ўйларди. Ахир, шаҳардан туман марказига ҳар куни қиз боши билан қатнашнинг ўзи бўладими? Бунинг устига у, ишига эрта келиб, кеч қайтса. Шу зайлда бир неча кун ўтгач, у Мафтуна билан очиқроқ гаплашиб олиш ниятида уни хонасига чақирди.

– Мурод ака, бирор гапингиз борми? – деди Мафтуна вазмин оҳангда.

– Мафтуна... – Муроднинг овози титраб чиқди. Аммо у кўнглидаги истагини эмас, тилига келганини гапириб кетди. – Сизга анчадан бери бир гапни айт-

моқчи бўламан-у, ҳаддим сифмайди. Дардингизни тушунаман, сизга қийинлигини ҳам биламан. Ишонинг, сизга ёрдам таклиф қилганим чин дилдан эди. Ачинганим ёки мурувват кўрсатгим келгани учун эмас, оғир дамларда ёнингизда ҳақиқий дўстдай тура олиш учун. Мени нотўғри тушунманг. Ишга жойлашишдаги кўмагим учун ўзингизни қарздордай сезманг.

— Мурод ака, — деди Мафтуна нимадир демоқчидай.

— Мафтуна, илтимос гапимни бўлманг, эшитинг, — деди у жиддий оҳангда. — Қўлингиздан иш келмаганида, бошқа гап эди. Лекин, сиз бу ерда яхши ишляяпсиз. Ходимлар орасида қисқа муддатда хурмат қозондингиз. Бу катта гап. Агар бирор гапим ёки хатти-ҳаракатим билан кўнглингизга озор етказган бўлсан, кечиринг. Сезиб юрибман, менга кўринмасликка уриняпсиз. Ундай қилманг. Сизни хафа қилишни ҳечам истамаганман, ишонинг.

— Мурод ака, мен сиздан хафа эмасман. Ўз-ўзимдан хафаман.

— Нима учун?

— Чунки мен... менга... онамдан бошқа ҳеч ким меҳр кўрсатмаган. Биринчи бор сиз менга меҳрибонлик қилдингиз. Шуни ўзимга сингдиролмаяпман. Аслида мен сиздан кечирим сўрашим керак. Менга қилган шунча яхшиликларингиз учун...

— Мафтуна, мен мусоғир юртда инсон қадрини, яқинларим қадрини, нима эканлигини тушуниб етганман. Сизга бўлган муносабатим эса самимий. Ҳозир сиз уйингиздан узоқдасиз. Бу ерда мендан бошқа яқин одамингиз йўқ. Шунинг учун яна қайтараман, бирор нимага қийналиб қолсангиз тортинманг, бемалол менга айтинг, хўпми?

— Раҳмат, — деди Мафтуна самимий оҳангда ўртадаги тушунмовчилик барҳам топгандай.

Аввалига Мафтунага Мурод билан муносабатлари оддий ҳолдек туюлганди, кейинчалик Муродга кун сайин ўрганиб қолаётганигини ҳис қилди. Бу ёқларга ишга келаётганида Муродга фақат курсдош, дўст сифатида муомала қилган бўлса, энди унинг юрагида қандайдир ёруғ учқундай порлаб ҳаловатини бузганди. Гоҳида у ўзига ўзи савол берарди. “Наҳотки, Муродни севиб қолган”, “Йўқ бўлиши мумкин эмас” дерди иккинчи овоз. “Ахир, Мурод унинг дугонаси Мунисани севади-ку! Шуларни била туриб, уларнинг баҳти эвазига шодланиши мумкинми? У қандай қилиб, Муродга кўнгил қўйсин? Йўқ, бунинг сира иложи йўқ”, дерди бошқа овоз. “Лекин Муниса ўз ҳаёт йўлини танлаб Муроддан воз кечган-ку. Унинг ўз оиласи бор. Аммо Мурод-чи?.. У ҳамон Мунисани севади-ку! Уни кутиб яшаяпти-ку!” дейди иккинчи овоз. “Бу севгидан воз кечишдан ўзга илож йўқ”, дерди унга яна бошқа овоз. Мафтунанинг юрагини орзиқтирган туйғу эса тобора оловланарди. У бир қарорга келолмади. Муродни рад этиб, бу ерлардан кетиш эса унинг учун оғир эди. У баҳтини Муродсиз тасаввур қилолмасди.

* * *

Ҳисобчи Дилнора опа томдан тараша тушгандай бир гапни топиб келди.

— Шу Мафтунани айтаман, жуда ҳам ақлли, иболи қизга ўхшайди, — у Муродга бир қараб олди-да, овозига сирли тус берди. — Бир қариндошим бор, яхши қиз бўлса, ўйланаман деб юрибди. Ўзи олий маълумотли, ўқимишли, жуда ҳам яхши йигит. Муроджон, Мафтуна билан бирга ўқиган экансиз, феълинини унча-мунча билсангиз керак. Оғиз очсам, мендан хафа бўлмасмикан?

— Нима-а? — кутилмаган бу гапдан Мурод каловланиб қолди. — Нима деяпсиз, Дилнора опа?

— Нима бўпти, ахир икки ёшни бир-бирига танишитирсак, юлдузи юлдузига тўғри келса, бу ҳам савоб-да, — Дилнора опа Муроднинг гапини ўзича тушуниб гапида давом этди: — Қариндошим ёлғиз ўғил. Уй-жойи ҳам бор. Ҳамма нарсаси етарли. Топиш-тутиши ҳам ёмон эмас.

— Опа, мен Мафтунадан таклифингиз ҳақида сўрай-чи, у нима деркан. Балки... унинг кўнглида бирортаси бордир... Ҳарқалай, олдидан бир ўтайликчи, кейин сизга жавобини айтаман, келишдикми?

Ҳисобчи аёл унга бирпас анграйиб қараб турдида, “яхши, шундай қилинг” деганича чиқиб кетди. Шундан сўнг Муроднинг ҳаловати йўқолди.

“Мафтунага Дилнора опанинг таклифини айтиб, уни хафа қилиб қўйсам-а”, ўйлади Мурод изтироб билан. У шу топда нима қилишга ҳам ҳайрон эди. Мафтунани чақириб, ҳозироқ бу масалани ҳал қилишни истарди. Бир муддат иккиланиб турди-да, қатъий бир қарорга келди.

Мафтуна бир оз кечикиб кирди.

— Ҳаяллаб қолдингиз? — ғашланиб сўради Мурод.

— Узр, ишим кўп эди.

— Шунақами? — Мурод бир нимадан шубҳалангандай унинг кўзларига тикилди. — Дилнора опа бир нима дедими?

— Нима дейиши керак? — ажабланди Мафтуна.

— Йўқ... энди айтаман-да, — Муроднинг кўнгли жойига тушди. Сўнг тараддулланиб: — Мафтуна, Дилнора опа мендан сиз ҳақингизда сўради, лекин... олдин ўзингиздан сўрай, кейин жавобини айтаман, дедим.

— Нима гап экан? Очиқласига айтаверинг.

Мурод унинг кўзларига қарамай тез-тез гапирди:

— Дилнора опанинг қариндоши уйланмоқчи. У

йигит ўқимишли экан. Сизни унга таништиrmоқчи эканини айтиб, сиз ҳақингизда мендан сўриштириди.

— Сиз нима дедингиз?

— Мен... мени олдинги ишхонангизда бўлиб ўтган воқеалардан хабарим бор. Шунинг учун ҳам бу ҳақида аввал ўзингиздан билай дедим. Яна кимдир сизни хафа қилиб қўйишини истамайман. Ҳамма гап сизда қолди. Рози бўлсангиз...

Мафтуна ҳайкалдай қотиб турап, Муроднинг гапларини яхши анголмас, юраги тез уради.

— Мафтуна, жаҳлингиз чиқдими? — хавотирда сўради Мурод. Сизни ранжитмоқчимасдим... мен шунчаки...

— Мен... мен... бу ҳақда ўйлашни истамайман, — қизнинг товуши титраб чиқди, кўзлари ёшланди.

— Нега? Балки яхши йигитдир? Олдин у йигит билан бир учрашиб гаплашиб кўринг.

— Кераги йўқ. Энди кеч. Бошқа инсонга кўнгил қўйганман.

— Ия, бу яхши янгилик-ку. Нега бу ҳақда менга айтмадингиз?

Мафтуна унинг саволини жавобсиз қолдирди

— Бўлдими? — деди совуққина. — Шуми айтмоқчи бўлган гапингиз?

Мурод унинг ҳолатига тушунолмай иккиланганча бош иргади. Мафтуна унга бир нима демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, лекин шаштидан қайтиб индамай хонадан чиқиб кетди.

Бугун Мурод унга юрагини ёради, деб ишонганди. Акси бўлиб чиқди. Демак, унинг юрагида Мафтуна учун жой йўқ. Мурод ҳамон Мунисани севар экан. Лекин, Муниса Мурод билан орасини очиқ қилганини айтувди-ку. Мафтуна ўзини тушунолмай қийналди. Боягина Муроднинг хонасига кирганида шу

мавзуда гап очилишидан қўрқиб турганди. Энди бўлса, Муроднинг гапларидан дили ғашланди. Юрагида кечаётган бир-бирига зид туйғуларни тушунолмай унинг боши қотди. Шу зайл, у бир неча кун гарангсиб юрди. Ҳамкасларининг гапларини англолмай, англаганда ҳам аҳамият бермай, Муроднинг ҳар бир сўзини ўзича таҳлил қиласди. “Уни севадими ёки йўқ?” деган жумбоғли саволига жавоб қидириб, аниқ хulosага келолмасди. “Уни севмайман”, дея ўзини ишонтиришга урингани билан кўнгли ҳар гал бу иқорни рад этарди.

Мафтуна ишхонага келганда негадир Мурод кўринмади. Одатда у бирор-бир қурилиш обьектига кетса, албатта Мафтуна га билдиради. Тушга яқин ҳам ундан дарак бўлмади. Ҳисобчи Дилнора опадан сўраса “Хабарим йўқ” дея елка қисиб қўйди. Мафтунанинг кўнгли ғашланиб унинг қўл телефонига қўнфироқ қилди.

— Алло? — телефон гўшагидан Муроднинг онасининг йифи аралаш овози эшитилди.

— Ассалому алайкум, опа. Мен Мафтунаман. Мурод ака ишга келмаганига хавотир олиб телефон қилаётгандим. Тинчликми ўзи?

— Тинчликмас, Мафтунахон. Муроднинг аҳволи оғир. Кеча ҳарорати кўтарилиб ҳушидан кетди. Ҳозир шифохонадамиз.

Мафтуна ортиқ савол бермай, ўша заҳотиёқ туман марказидаги шифохонага етиб борди. Шифохона ҳовлисидаги ўрик дарахти остидаги ўриндиқда мунғайиб ўтирган Муроднинг онасини ва укаларини кўриб ўша томонга ошиқди. Етиб бориб улар билан кўришаркан, хавотирда сўради:

— Опа, кеча туппа-тузук эдилар-у! — хавотирда сўради Мафтуна.

— У ҳеч кимга дардини·айтмасди, қизим. Ҳамма

нарсани ичига ютарди. “Ҳар доимгидай оғриқ ўтиб кетади, онамга айтманлар, хафа бўлади, деб фақат кеча касали қаттиқ хуруж қилганда укалариға айтган экан. Бир ҳафтадан буён мазаси йўқ экан. Ўша Россиясидан орттириб келган касали яна хуруж қилиб, болагинамни йиқитди.

- Қанақа касаллик?
- Бир буйраги қаттиқ шамоллаган.
- Шамоллашнинг давоси бор-ку!
- Қанийди, шундай бўлсайди?! Дори-дармонлар ҳам таъсир қилмади. Шамоллаши ўтиб кетган дейишияпти дўхтирлар.
- Ҳозир Мурод аканинг ўзлари қани?
- Уни операцияга олиб кириб кетишиди.
- Операцияга? — Мафтунанинг хавотири ошди. — Нимага?

— Ишламайдиган буйрагини олиб ташлашар экан, — Ойниса хола энди чидолмай ҳўнграб йиглаб юборди. — Ўғлим ҳали ўттизга ҳам кирмаган бўлса? Эй Оллоҳ, унинг ёшгина жонига шунча азоблар берасанми? Фарзандимнинг азобини менга берсанг бўлмасмиди? Онани яратмасин экан, болам... Онани... — у бор вужуди билан титраб йигларди. — Эсизгина болам-а, кун кўрмаган болам-а, — дерди лаблари пицирлаб.

Шу куни Мафтуна Муроднинг онаси билан шифохонада қолди.

Тонг бўзариб, қуёшнинг заррин нурлари атрофга ёйилаётган паллада Муродни жонлантириш бўлимидан палатага олиб чиқишиди. Ҳамшира беморнинг ҳолатини кўздан кечирди. Ортидан кириб келган шифокорга ҳарорат ўлчагичини кўрсатиб: “Беморнинг тана ҳарорати яхши, юрак уриши ҳам рисоладагидек”, — деди. Шифокор bemорнинг қўлидан тутиб унинг юрак уришини кузатгач, юзига

майин табассум ёйилди. Мафтунанинг унга савол назари билан тикилиб турганини кўриб изоҳ берди:

— Барча ҳаракатларимиз зое кетмабди. Бемордаги ўзгаришлар яхши. Энди муолажаларга янги доридармонлар киритамиз.

— Қачон ҳушига келади?

— Тез орада. Ҳавотир олманг. Ҳаммаси ўтиб кетди. Бир оздан кейин яна келаман, деб шифокор палатадан чиқиб кетди. Мафтуна Мурод ётган каравот ёнига яқин келиб, унинг қўлидан тутди.

— Мурод ака, илтимос, кўзингизни очинг, — деди у ҳаяжон ва изтироб билан. Кеча тун бўйи мижжа қоқмадим. Сизни йўқотиб қўйишни истамайман, айрилиқقا бардошим етмайди. Доим ёнимда бўлишингизни, муҳаббатимни қабул қилиб, меҳрингизни кўрсам дейман. Мен... мен... сизни... — Шу вақт палата эшиги очилиб, Ойниса хола кириб келди. У ўғлининг ёнида ўтирган Мафтунани кўриб чеҳраси ёришгандай бўлди.

— Ўзига келдими, кўзини очдими, қизим? — сўради хола интиқиб.

— Йўқ ҳали, — деди-да Мафтуна онанинг қўлидан қофоз пакетни олиб, ичидагиларни тумбочкага жойлаштира бошлади.

— Қизим, яхшиям сиз бор экансиз, кечаси билан ёнимда бўлиб анча далда бердингиз. Барака топинг.

— Ойниса холанинг кўзлари ёшланди. — Лекин... лекин... Муроджон... тузалиб кетармикан... — деди сўлғин нигоҳини ўғлига қадаб. Мафтуна уни қуҷоқлаб тасалли берган бўлди.

— Ҳавотир олманг, ҳозиргина шифокор келиб, Мурод акани текшириб кетди. Ҳавф ортда қолди, энди ҳаммаси яхши бўлади, деди. Йиғламанг, ҳали кўрасиз Мурод акамлар албатта тузаладилар.

— Айтганингиз келсин, қизим. Агар бирор кор-ҳол бўлса, мен чидай олмайман.

Шу вақт Муроднинг қўллари секин қимиirlаб, ўзига келди. Аввалига қаерда ётганини билмай, ён-атрофига қаради. Сўнг ёнгинасидаги стулда ўтирган онасига қараб “оий...жон...” деди шивирлаб. Ўғлининг овозини эшитган Ойниса хола:

— Жоним болам, кўзимнинг қорачифи, мен шу ердаман, ёнингдаман. Ўзингга келдингми? — дея она ўғлини қучоқлаб йиглади.

— Оий... жон... мени кечиринг... сизни қийнаб қўйдим... — деди Мурод титроқ овозда.

— Унақа дема, болам, мен... менга сенсиз бу дунё қоронфи. Сен менинг бутун борлиғимсан. Яратганга минг бор шукр, сени менга қайтариб берди.

Мурод онасининг ёнида нимтабассум қилиб унга қараб турган Мафтунага кўзи тушди.

— Сиз...

— Ҳа, Мафтуна қизим ҳам икки кундан бўён шу ерда. Умри зиёда бўлсин. Мен билан ўзингга келишишингни пойлади, — деди Ойниса хола.

— Сизга катта раҳмат... — деди таъсиrlаниб Мурод.

— Мурод ака, энди сиз тезроқ тузалишингиз керак. Ҳали биргаликда қиладиган ишларимиз жуда кўп.

— Ишимиз...

— Бир кунда эсингиздан чиқдими, республика кўрик танловига тайёрлаётган лойиҳамиз охирига етгани йўқ-ку. Уни тезроқ тугатиш ва сиз танловда, албатта қатнашишингиз керак.

— Ҳа-я... — деди Муроднинг кўзларида учқун пайдо бўлиб.

Мафтуна Мурод ўзига келгунча ҳар куни унинг ёнида бўлди. Унга талабалик давридаги қизиқ ҳангомаларни айтиб кулдирав, гоҳида Муроднинг қурилиш лойиҳасига янги foялар берарди. Уларнинг иноклигиги ни четдан кузатган Ойниса холанинг ҳам юраги тоғдай эди. Бирор ҳафта ичиде Мурод анча ўзига келиб аста-

Гулчехра РАЗЗОҚОВА

аста юра бошлади. Ўша куни Мафтуна ишдан бир оз кеч чиқди. Муродни кўришга шифохонага келди. Мурод палата деразасидан йўлга қараб ўтирганини кўриб суюниб кетди. Хурсандлигидан палатага тезроқ киришга ошиқди.

— Мурод ака, ўрнингиздан турдингизми? — ҳайратланиб сўради Мафтуна қувончи ичига сиғмай. — Хурсандман!

— Ҳа, сизни қачон келар экансиз, деб йўл пойлайвериб, ахийри ўрнимдан ҳам туриб кетдим, — деди ҳазиллашиб Мурод.

* * *

Ниҳоят, икки ҳафтадан сўнг Мурод соғайиб ишга қайтди. Ҳамкаслари уни хурсанд қарши олишди. Ҳонасига ҳол-аҳвол сўраб кирганлар, энди уни бошқа касал бўлмаслигини тилаб чиқишаётганда Мафтуна кириб келди. Уни кўрган Муроднинг чеҳраси ёришди ва тараддувланиб гап бошлади:

— Мафтуна... шу ўн беш кун ичида сизга жуда ўрганиб қолибман. Сал кечиксангиз, юрагим бетоқат бўлишни одат қилибди, — деб Мурод унинг ёнига келди.

— Мафтуна, бу гапни анчадан бери айтмоқчи бўлиб юргандим, лекин... қулай фурсат бўлмаганди, — дея Мурод қизга яқинлашиб қўлидан тутиб: — Менга қаранг, кўзларимга тик қаранг, — деди.

— Бирор гап бўлдими, тинчликми? — дея Мафтуна унга нигоҳ ташлади.

— Тинчлик. Мен... сизга... бефарқ эмасман... Билсангиз, сиз шу ерга келган кунингиздан бошлаб ўзимни еттинчи осмонда кўрдим. Ёнма-ён ишлашимизни ўйлаб, юрагим ҳаприқди. Келганингиздан буён ишхона кўзимга файзли кўринадиган бўлди. Илгари юрагим сиқилиб, эртароқ уйга жўнаб қолардим. Энди-чи, энди кетгим келмайди.

Мафтуна бир муддат жим қотиб турди-да, кейин қўлини тортиб олди. Нигоҳини ерга тикди. Киприклари орасидан ёш қуиилиб келаркан, шикаста овозда деди:

— Нега бу гапларни гапиряпсиз? Ахир... сиз... сиз... Мунисани севасиз-ку!

— Мен Мунисани севганман. Лекин унинг оиласи, фарзанди... хуллас, биз у билан фақат дўст бўлиб қолишга қарор қилганимиз.

Мурод Мафтунанинг елкаларидан ушлаб, ўзига қаратиб:

— Наҳотки, кўзларим сизга ҳеч нима демаяпти? Биламан, сиз ҳам менга бефарқ эмассиз. Чунки ўша куни шифохонадаги илтижоларингизни эшитиб ётгандим.

— Нима? — деди Мафтуна бирдан сергак тортиб.

Очиғи, Мафтуна Мурод операциядан чиққандан сўнг, беҳуш ётганида у айтган гапларни эшитиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаганди. Унинг ранги уялганидан қизарди. Кейин бир оз сукут сақлаб ўзини қўлга олди-да:

— Вой муғамбир-ей, — деди зўрға ва иккиси ҳам кулиб юборишиди.

— Мафтуна, сиз доимо ёнимда бўлишингизни истайман. Онажонимга ҳам маъқул келгансиз, — деди Мурод самимий оҳангда юрагини очиб.

Мафтуна бу гаплардан хижолат тортиб, кўзларини Муроддан олиб қочди, ерга қаради. Юзи бир оз қизарган бўлса-да, унинг ним табассумига йўғрилиб чехрасига янада мафтункорлик бағишлиганди.

— Онажоним сизни сариштали, чаққонгина экан, эшилган ипдай юмушларга шўнғиб кетаркан, қанийди шундай келининг бўлса, деб нуқул мақтаб гапирадилар. Хуллас, розилик берсангиз баҳорда тўй қиласиз.

Аслида Мафтуна кўпдан бери Муроднинг дил

изҳорини кутарди, аммо Муроднинг ёнида баҳт туйғусини шу пайтгача у ҳис қилмаганди. Негаки, ўрталарида ҳар доим Муниса тургандек ва Мурод дугонасидан ҳеч қачон воз кечмаса керак, деб ўйларди. Шу сабабдан унинг Муродга нисбатан қалб туйғулари ушалмас орзу, етиб бўлмас баҳтдек эди. Аммо Муроднинг ҳозирги гаплари, дил изҳорлари унинг юрагидаги анчадан бери қийнаб келаётган қоронфиликни ёритиб юборди. Кутилмаган қувонч нашидаларини унга ато этди.

— Мафтуна, йўқ дейишингиз ҳам мумкин, — гапида давом этди Мурод. — Чунки менинг ногиронлигим ҳам... Бундай одам билан ҳар қандай ақли зукко киши ўз ҳаёт йўлини боғлайвермайди. Чунки бу қийин масала. Бир умр касалманд инсон билан бирга яшаш, ҳаёт кечиришнинг ўзи осонмас. Турмушнинг биз билган, билмаган қанча қийинчиликлари, ташвишлари бор. Шунга тайёр туриб, ҳаётингизни мен билан боғлашга рози бўлсангиз, таклифимни ўйлаб кўринг, мен сизни шошилтирмайман, — деди Мурод ҳазин овозда.

Мафтуна ҳайкалдай қотиб турад, Муроднинг гапларидан юраги тез-тез уради. Бироқ жавоб беришга тили айланмасди. Ниҳоят, у ўзини қўлга олди. Қаршисидаги инсоннинг жавдираган кўзларига тик қаради. Шу онда унинг дилидаги гаплари беихтиёр тилига кўча бошлади:

— Мурод ака, ҳаётнинг бизга аталган яна қанча синовлари борлигини, билмадим-у, аммо бир нарсани сиз билишингизни истардим. Мен бу синовлар олдида ҳеч қачон таслим бўлмайман. Сиз билан елкама-елка туриб, курашишга тайёрман. Бўлиб ўтган воқеалардан кўнглингиз сира ўксимасин. Яна шуни билингки, Оллоҳим бизга қандай қувончу ғам-ташвиш бермасин, ҳамиша сиз билан биргаман, сизни асло ёлғиз қолдирмайман. Биз барча қийинчиликларни бирга енгиб

ўтамиз. Бунга мен ишонаман, сиз ҳам ишонинг. Насиб этса, биз албатта, бахтли бўламиз.

Мурод Мафтунанинг дил сўзларини бор вужуди билан тингларкан, қалби қувончга лиммо-лим тўлди. Шу топда ундан-да бахтли инсон бу дунёда йўқдек эди.

* * *

Орадан уч ой ўтиб, республика кўриги бўлиб ўтди. Муроднинг тинимсиз меҳнатлари бесамар кетмади. Унинг лойиҳаси биринчи ўринга лойик деб топилди. Ҳайъат раиси бу натижани эълон қилиб, унга “Каптива” автомашинасининг калитини топшираётганида, Муроднинг кўзларида беихтиёр ёш ҳалқаланди. Бу қувонч ёшлари эди. Шу онда унинг хаёlinи бир йилча олдинги кўнгилсиз воқеалар чулғаб олганди. Ахир, узоқ юртларда пул деб, хору зорликда, минг бир азобларга учраб, охир-оқибатда яrim жон бўлиб, ит азобида уйига қайтиб келган лаҳзаларини у қандай унугади?! Ҳа, ҳар бир инсон боласи, ўз ватанида азиздир. Ўз бахтини ўзга юртлардан эмас, ўз ютидан излаши кераклигини, туғилган заминини обод қилиб, фақат ўз халқи орасидагина обрў-эътибор топа олиши мумкинлигига шу лаҳзада Мурод яна бир бор амин бўлди. Энди у, ўз лойиҳаси асосида туманида “Ёшлар спорт комплекси”ни қуради. Онажониси эса, бу мажмуанинг ёнидан ҳар гал ўтганида “Буни менинг ўғлим қурган”, деб фахрланиб юради. Фарзанд учун бундан ортиқроқ бахт борми?! Мурод уйига ана шундай кўтаринки кайфиятда қайтди. Ўғлининг ғолиб бўлганини эшитган Ойниса опанинг кўнгли тоғдай кўтарилиб, кўзларида қувонч ёшлари билан уни қаршилади, бағрига маҳкам босди.

— Яратганга беҳисоб шукр, сенинг энг бахтли кунларингни кўриш менга насиб этди. Раҳмат, болам,

умрингдан барака топ! Энди... бу ёруғ дунёда армоним қолмади, болажоним, – деди Ойниса хола Муроднинг юз-кўзларидан ўпаркан чексиз қувончлар оғушида.

Шу куни уларнинг уйи хурсандчиликка тўлди. Бу хушхабар бир зумда ҳаммаёққа тарқалиб, қишлоқдошлари Муродни табриклагани чиқишиди.

Эртаси куни эса Мафтуналарникига совчи жўнатилиб, тўй куни ҳам белгиланди. Уларнинг тўйини туман жамоатчилиги бош бўлиб ўтказишга келишишиди.

ХОТИМА ЎРНИДА

XXI асрда бутун дунё ҳалқларини ташвишга солаётган энг жирканч иллатлардан бири одам савдосидир. Бундай қабиҳ жиноятлар кейинги йилларда миллионлаб одамларнинг тақдирларини чилпарчин қилди. Энг ёмони, бу қора иллат туфайли баъзи бир содда ва оқкўнгил, ишонувчан фуқароларимиз ҳамон устомон одамфуруш фирибгарларнинг ёлғон ваъдаларига учиб, уларга ўлжа бўлишяпти. Натижада бундайларнинг бошларига катта ташвишу, надоматлар тушмоқда.

Ким кимни алдаяпти ўзи? Кимлар кимларни сотиб, жирканч йўллар билан даромад топяпти? Ахир, бу ёвуз жиноятларни юртимизга четдан бирор келиб қилаётгани йўқ-ку! Ўзимизнинг баъзи бир фуқароларимиз қанчалик тубан ва гайриқонуний бўлса-да, ҳаром даромадлар илинжида ўз қўшнисини, қишлоқдошини, қолаверса, ўз ватандошларини турли баҳона-ю, ширин ваъдалар билан алдаб, узоқ юртларга элтиб, тинч, осуда ҳаётларини фам-фуссага айлантириб, уларни қул каби сотиб юборишмоқда.

Шу азиз заминда улғайиб, охир-оқибатда ўзбегим шаънини булғаётган бундай одамфурушларни, айтинг, ким деб аташ мумкин?! Ҳатто ҳайвонлар ҳам ўз галаларини ташқи хавфлардан ҳимоя қилишса-ю, бу кимсалар ўз юртдошларини қул қилиб сотишса, бунга чидаб бўладими? Бундай орномуссиз, диёнатсиз, иллат ва қабоҳат этагини тутган кимсаларни инсон дейишга ҳам тилимиз бормайди. Ҳаётимизда учраётган бундай чиркин ва кўнгилсиз кўланкалардан огоҳ бўлинг, азиз юртдошлар! Чунки ҳар бир инсон ўз ватанида азиз. У ўз баҳтини ўзга юртлардан эмас, ўз ватанидан излаши ва шу азиз заминнинг ободлиги, озодлиги учун ўз ҳиссасини қўшиши керак. Шундагина у ўз халқининг обрў-эътиборини қозонади, баҳтини топади.

*Озодлик, эркинлик бу тенгсиз ҳуқуқ,
Ҳушёр бўл, ўзлигинг қўлдан чиқарма!
Огоҳ бўл, ёндаги баъзи қузғунлар,
Сени алдарлару, ётга сотарлар!
Ҳушёр бўлинг, азиз одамлар!*

Адабий-бадиий нашр

Гулчехра РАЗЗОКОВА

АДАШГАНЛАР

Қисса

Масъул мұхаррир:	<i>A. Қоржсов</i>
Мұхаррир:	<i>O. Қанаев</i>
Дизайнер:	<i>P. Ташматов</i>
Мусаххид:	<i>M. Халиқова</i>
Саҳифаловчи:	<i>G. Курбанбаева</i>

Нашриёт лицензияси: АI №270

Босиши 23.04.2018 йилда берилди. Қоғоз бичими 60x84 1/16

“Virtec Times UZ” гарнитурасыда оғсет усулда босилди.

Нашр босма табоги 12,0 Адади 4000 Буюргма №29

“IJOD-PRESS” нашриётида нашрға тайёрланди.

“Dizayn-Print” МЧЖ ЎИЧК босмахонасида чоп этилди.

100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28-а уй.

Телефон: (371) 273-19-51


Факс: (371) 273-19-50

Email: book@ijodpress.uz

www.IjodPress.uz

Гулчехра РАЗЗОКОВА

АДАШГАНЛАР



ISBN 978-9943-5233-5-7

9 789943 523357

